



© “Yoshlik” № 1 (230) 2010 y.

O‘zbekiston Yozuvchilar uyushmasi, «Kamolot»  
yoshlar ijtimoiy harakati muassisligidagi  
yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali.

1982 yildan chiqa boshlagan.

## MUNDARIJA

**Jamoatchilik kengashi raisi:**  
Abdulla ORIPOV

**Jamoatchilik kengashi:**  
Gulruh A‘ZAMOVA  
Saidvafo BOBOYEV  
Abulqosim MAMARASULOV  
Ahmad OTABOYEV  
Minhojiddin MIRZO  
Shuhrat SIROJIDDINOV  
Shunqor Xudoyberdiyev  
Ahmad USMONOV

**Bosh muharrir:**  
Sobir O‘nar

**Bosh muharrir o‘rinbosari:**  
Luqmon BO‘RIXON

**Mas‘ul kotib:**  
Akbarali MAMASOLIYEV

**Tahrir hay‘ati:**  
Bobur ALIMOV  
Iqbol MIRZO  
Abduqayum YO‘LDOSHEV  
Abdusaid KO‘CHIMOV  
Sirojiddin SAYYID  
Rustam MUSURMON  
O‘rozboy ABDURAHMONOV  
G‘affor HOTAMOV

**Sahifalovchi:** Saodat RUSTAMOVA

Ushbu son “Yoshlik” jurnali tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

**Manzirimiz:**

Toshkent. sh.

O‘zbekiston shohko‘chasi, 6-«a» uy.

**E-mail:** [yoshlik-xatlar@rambler.ru](mailto:yoshlik-xatlar@rambler.ru)

**Telefon:** +99897

104-30-84, +99897 774-45-23.

**BUGUNNING GAPI**

Vahob QORAYEV. Qalqonlarimiz ..... 2

**NAZM**

Abdulla ORIPOV. Mardona qad kerib turgan yoshligim ..... 3  
Rauf SUBHON. Mansuralar ..... 10  
Olim SHEROV. Yaproqchada tomchidan baldoq ..... 14  
Zamira RO‘ZIYEVA. Qayg‘ularning, og‘riqlarning adosi – bahor .... 15  
Shahlo AHROROVA. Quchog‘ida baxt tuyganim – Onajon yurt, O‘zbekiston! ..... 25

**MULOHAZA**

Dilnoza O‘RINBOYEVA. San‘at va tarbiya ..... 7

**NASR**

OTAU LI. Qorasuv. Tarixiy lavha ..... 8  
Nurilla CHORI. Lo‘litopmaslik chol. Hikoya ..... 17

**NUQTAI NAZAR**

Nafosat TOJIBOYEVA. Nutq – millat qiyofasi. .... 13

**BIRINCHI UCHRASHUV**

Rahmatulla TEMIROV. Dunyo charxpalagi, shoshma bir nafas! ..... 21  
Sherzod KOMIL XALIL. Tuman ajinasi. Hikoya. .... 27

**JA JJI TADQIQOT**

Sa‘dulla QURONOV. Shoir musavvir bo‘lganda... ..... 23

**SAN‘AT**

G‘ayrat Mambetkadirov. Boqiylikka da‘vog‘ar ijod ..... 30

**JAHON HIKOYACHILIGI**

Xulio Kortasar. Mixlab tashlangan eshik. Hikoya. .... 33

**SAHNA**

Gulnora RAHMON. Sipohiyalar xonadoni. Tragediya. .... 36

**YELPUG‘ICH**

Sharofjon BOBOYEV. Parodiyalar. .... 48

Bosishga 26. 01. 2010 yilda ruxsat berildi.

Qog‘oz formati 60x90 1/8. Nashriyat hisob tobog‘i 6,0. Indeks 822 ISSN 0207-9137. Jurnal 2007 yil 4 mayda Matbuot va Axborot agentligi tomonidan 0253 raqami bilan ro‘yxatga olingan. Jurnal dan ko‘chirib bosilganda «Yoshlik» dan olindi» deb izohlanishi shart. «O‘zbekiston» NMIU bosmaxonasida chop etildi. Buyurtma № 10-601 **Manzil:** Toshkent shahri, Navoiy ko‘chasi, 30-uy.



# ҚАЛҚОНЛАРИМИЗ

Бундай қараганда шу Ватан ичра умргузаронлик қилиб юрган одам юзаки ўйлайди: бу юрт ҳимояга муҳтожми, уни кўз қорачиғидек асраш шартми, ким ҳам тажовуз қилиши мумкин, юрибмиз тирикчилигимизни ўтказиб?.. Ичкарида хотиржам яшаётган одамга балки шундай туюлар. Аммо сарҳадлари тоғлар, биёбону чўлларга туташ бу азиз юрт ҳар лаҳза, ҳар дақиқа ҳушёрлик, тетиклик, зийраклиғу ёвуз куч билан исталган вақтда жангга киришиб кетишни тақозо қилади.

Кунни кеча юртимиз посбонларининг байрами кенг нишонланди. Байрамдан икки кун аввал Тошкент шаҳрида «Ватанга қасамёд» ҳайкали тантанали равишда очилди. Мамлакатимиз раҳбари мазкур маросимда нутқ сўзлади. Ушбу мажмуанинг ибратомуз аҳамиятини таъкидлади: «...бугун ҳаммамизга аён бўлиши керак – армиямизнинг кучига куч қўшадиган, вақти келганда, ҳал қилувчи омилга айланадиган қудратли бир восита борки, унинг номи – ҳарбийларимизнинг маънавий-руҳий тайёргарлиги, уларнинг бақувват ирода, фаол ҳаётий позицияга эга бўлиши, энг муҳими, ким учун ва нима учун ҳарбий бурчини адо этаётганини чуқур англаши ва тушуниши демақдир».

«Ватан ҳимоячиси...» Нақадар шарафли ном. Бир вақтлар, эсимизда, «СССР» деб номланган каттакон империянинг қайсидир шаҳар ёки тайгасида, қардош деб аталмиш қайсидир юртнинг қурилиш участкаларида икки-уч йиллаб хизмат қилишни «йигитлик бурчи» деб атаганмиз. Ёхуд Афғонистон тупроғида қони тўкилган акаларимиз, жўраларимизни «Ватан учун жонини фидо қилди», деганмиз. Ўйлаб кўрсанг, «қанақа Ватан?» деган савол туғилмайдими?

Ватан, асли – Ўзбекистон эканини қалбдан ҳис қилар эдигу, баралла айтишга ҳайиқардик. Чунки «Ватанинг СССР-ку» деган босим, мажбурият бўғзинга қадалиб турар эди.

Қуrollи кучларимиз ташкил этилганига 18 йил тўлди. Миллий армиямиз шаклланди.

Президентимиз ватан ҳимоячиларига байрам табригида буни қуйидагича ифода этди: «...бугунги кунда Ўзбекистон амалда ўзининг замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, яхши қуrollанган, мамлакатимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиясига эга, деб айтиш учун барча асосларимиз бор.

Шу билан бирга, минтақамиз ва бутун жаҳондаги мураккаб, тез ўзгараётган ҳарбий-сиёсий вазият, биринчи навбатда Афғонистондаги тобора кескинлашиб бораётган аҳвол билан боғлиқ тарзда хавфсизликка қарши реал ва эҳтимол тугилаётган хавф-хатарларнинг кучайиб, наркоагрессия, халқаро терроризм, экстремизм ва бошқа таҳдидларнинг миқёси кенгайиб бораётгани Қуrollи Кучларимизнинг жанговар тайёргарлигини ҳар томонлама мустаҳкамлиги, давлат чегараларимизни ҳимоя қилиш ва қўриқлаш чораларини янада кучайтиришни талаб этмоқда».

Айни пайтда ҳарбий хизматчиларнинг оилавий шарт-шароитлари ҳам яхшиланяпти, улар давлат томонидан қуриб берилаётган янги уйларга оила, фарзандлари билан кўчиб кириб, барча замонавий қулайликларга эга хонадонлар соҳиби бўлишяпти.

Бундай олганда ҳаммаям шу азиз Ватан деб, халқимиз, оила, фарзандларимиз деб яшайди ва, табиийки, одам ўз ҳис-туйғулари билан ҳам Ватан ҳимоячиси. Миллатга қарши бўҳтон эшитса ғазабга миниш, унга муносиб жавоб қайтариш ҳам ватанпарварликдир.

Кези келганда биз қаламкашлар ҳали Ватан ҳимоячилари ҳақида бақувват асарлар битолмаётганимиз, улар олдида қарздорлигимизни таъкидламоқчиман. Чунки бизнинг нафақат икки оғиз ширин сўзимиз, балки бадийий пишиқ асаримиз ҳам уларга далда бўлади.

**Ваҳоб ҚОРАЕВ,**  
журналист.



**Абдулла ОРИПОВ,**  
Ўзбекистон Қаҳрамони,  
Халқ шоири

# Мардона қад кериб шурган ёштимим

## МАХТУМҚУЛИ

Шоир укам, ўқи Махтумқулини,  
Ҳикматга йўғрилган панду насиҳат.  
Ғанимат демиш у умр йўлини,  
Ҳа, умр ғанимат, чиндан ғанимат.

Беписанд боқмагил кўҳна оламга,  
Ҳали май ичмабсан қисмат қўлидан.  
Фақат билганингни олгил қаламга,  
Буни ҳам ўргангил Махтумқулидан.

2010 йил 14 январ.

## УЛУҒБЕК ФАРЁДИ

Минг лаънат сен ниҳол ўтқазган вақтга,  
Оссалар гар ўзинг эккан дарахтга.

Тақдирнинг юзлари қорайсин баттар,  
Қазган қудуғингга чўқтирсалар гар.

Фалак гумбазини ёрсин фарёдинг,  
Агар ўз фарзандинг бўлса жаллодинг.

Ўрласин аригача бу қора тутун,  
Бешигинг тобутга айланса бир кун.



## КЕЛДИМ

Келдим...  
Кетмоқдаман.  
Сариқ япроқларда  
Ғариб, ҳазин куй.  
Сени узоқ йиллар  
Согинган эдим,  
Келдим...  
Кетмоқдаман.  
Кечир, Она уй.  
Мени эслатгучи  
Бирор нарса йўқ.  
Отам йўқ, Онам йўқ.  
На шодлик, на ғам.  
Фақат ҳаммасини  
Ёдимга солиб,  
Кўриндинг кўзимга –  
Ўзинг, Ҳанифам...

Самимият ижоднинг асоси.  
Бу гапни Данте ҳазратлари ҳам  
айтган. Масалан, улуғ туркман шоири  
Махтумқули ижоди абадиятини нима  
таъминлаб турибди? Гарчи унинг  
айтганлари аксиомага ўхшасаям  
нега бизнинг руҳиятимизга  
таъсир кўрсатаверади?  
Бунинг сири албатта, истеъдоддир.

## КАМТАРЛИК

Ҳар кимга буюрсин ўзининг дарди,  
Баъзан кулсанг камдир, йиғласанг ҳам оз.  
Бир куни хилватда суҳбат қиларди,  
Содда шогирд билан меҳрибон устоз.

Устоз дер эдики: – Топшириқ шулдир:  
Йўқот фалончини, қурисин зоти.  
Сўнг эса албатта ўзингни ўлдир,  
Жаннатга тушасан ўша заҳоти.

Шогирди дер эди гоятда камтар:  
– Устоз, мақбул эрур айтган сўзингиз.  
Жаннат шу қадарли нақд бўлса агар,  
Ишни бошлаб беринг аввал ўзингиз.



## ҲИДОЯТ ЙЎЛИ

Ислоннинг муқаддас арконлари бор:  
Ҳаж, рўза, намозу закот ва жиҳод.  
Улар боғлиқ эрур иймонга пойдор,  
Бажарган ҳар мўмин топгайдир нажот.

Рўза ва намоз-ку ҳамроҳдир доим,  
Закот ҳам топилгай ба қадри имкон.  
Имонинг то маҳшиар бўлсин бут, қоим,  
Лекин жиҳод недур? Наҳот жанг ва қон?

Қай мўмин ҳидоят йўлини билса,  
Ҳирсу нафс ҳужумин этолсин барбод.  
Расулulloҳ демиш: – Кимки ҳаж қилса,  
Ўшадир дунёда энг яхши жиҳод.

## ЁШЛИГИМ

Олис қишлоғимнинг кўчаларида  
Тупроқни чангитиб юрган ёшлигим.  
Жанубнинг юлдузли кечаларида  
Ухламай хаёллар сурган ёшлигим.

Орзулар қайгадир чорлади бир чоқ,  
Ортда қолиб кетди у азиз тупроқ.  
Кимгадир шогирду кимгадир ўртоқ,  
Шеър билан суҳбатлар қурган ёшлигим.

Танидим юртимни, қадим элимни,  
Алишер сўзлаган сулув тилимни.  
Ва лекин ёвларим тўсиб йўлимни,  
Не забун кунларни кўрган ёшлигим.

Дунёда бировни камситмоқ ёмон,  
Ёмондир сеники бўлмаса замон.  
Тополмай бир чора, тополмай имкон,  
Йўлни ёлғизликка бурган ёшлигим.



Шукр, тўзонларда қолмадим сўлиб,  
Келди хуш даврон ҳам шавқларга тўлиб.  
Энди рўпарамда набирам бўлиб,  
Мардона қад кериб турган ёшлигим.

## МЕНГА ХУШ ХАБАР АЙТ...

Менга хуш хабар айт, ёлгон бўлса ҳам...  
Дарду машаққатлар ўтгайдир бари,  
Ўксима, оёққа тургайсан, деб айт.  
Умрингнинг фараҳбахши, тотли онлари  
Ҳали олдиндадир, кўргайсан, деб айт.

Менга хуш хабар айт, ёлгон бўлса ҳам...  
Дўстларинг бордир-ку ҳали дунёда.  
Сени кулфатларда қолдирмас, деб айт.  
Ёвузлик бўлса ҳам ҳаддан зиёда,  
Сени чангалига олдирмас, деб айт.

Менга хуш хабар айт, ёлгон бўлса ҳам...  
Олис муҳаббатинг сўнмаган ҳамон,  
То ҳануз унутмай юрибди дегил.  
Саргайган дафтарин варақлаб пинҳон,  
У сени тушида кўрибди дегил.

Менга хуш хабар айт, ёлгон бўлса ҳам...

Чираниш ва тақлиддан ҳеч қачон  
бир гап чиқмайди. Тақлид –  
нусхакашлиқдир. Лекин унинг бир  
ёмон томони бор: вақти кел-  
ганда асл нусхаман деб даъво  
қилиши мумкин.



## ОЗОДЛИК

Қуёш тутилганда қадим аجدодлар  
Ўзларин йўқотмиш кўрқув, титроқда.  
Самога термилиб қилмиш фарёдлар:  
– Қуёш банди бўлди! Қуёш сиртмоқда!

Балки бу қиймат кунидан хабар,  
Балки куфримиз кўп, гуноҳимиз зил.  
Шундоқ хитоб этмиш ҳазрат Пайгамбар:  
– Қуёш тутилганда қулни озод қил!

Нечогли тансиқсан, озодлик сўзи,  
Сени фалаклар ҳам кўтаргай бошга.  
Коинот машъали бўлса ҳам ўзи,  
Озодлик керакдир ҳатто кўёшга!

## ШОИРНИНГ ЯРАТИЛИШИ

Шоир керак бўлди Адабиётга,  
Дедик: «Уни тезда топмогимиз шарт».  
Таяниб тажриба ҳамда саботга,  
Шоир яратамиз талантли ва мард!

Олимлар юмушга киришди ҳушёр,  
Бўлсин янги шоир бундог, дедилар.  
Фаоллар йигини чиқарди қарор,  
Матбуот ҳам қўллаб, шундог, дедилар.

Биттасин яратдик, иккинчисин ҳам...  
Дизайни жойида, кўзни оларди.  
Лекин шеър ёздирсак, нимасидир кам,  
Оддий бир тақлидчи бўлиб қоларди.

Ҳаракатга тушмас пуфламасанг гар,  
Муқом қила бошлар кўрса устасин.  
Бир жуфт аскияга келмас баробар,  
Ясаб қўйган билан бунинг юзтасин.

Билингиз, ҳақиқий истеъдод насли,  
Бир оз самовотга тегишли хилқат.  
Даврон тупроғига шоирни асли,  
Яратганнинг ўзи эккайдир фақат.

## АМНИСТИЯ

Кимнингдир бошига иш тушиди ногоҳ,  
Шайтон аврадимми – топмади тўзим.  
Болаларин йигиб чекди оҳу воҳ,  
Кечирмайман, деди, ўзимни ўзим.

Жазо ҳам муҳаққақ бўлди, албатта,  
Қисмат эшигига бош эгиб борди.  
Сени кечирдилар, дейилган пайтда,  
Қайта тугилдим, деб додлаб юборди!

## СОҲИБДИЛ

Бир кимса йўлидан адашиб гирён,  
Чўкиб бормоқдайди қора ботқоққа.  
Ногоҳ учрадию соҳибдил инсон,  
Кимсани қутқазди, ўради оққа.

Маҳшарнинг гурбатли палласи эди,  
Саҳрода икковлон учрашди бехос.  
Кимса: – Танимайман мен сени, – деди.  
Соҳибдил: – Минг афсус, – деёлди холос.

Шунда садо келди: – Оё, жим тургил,  
Бу-ку оддий махлуқ, юзсиз, шарманда.  
Маломат тигини ўзингга ургил,  
Яхшиликни ўзинг қилдинг-ку, банда.

## КАМИЛЛА

Муҳаббат ҳеч қачон топмагай завол,  
Меҳр ҳам туташдир вужудга, қонга.  
Камилла исмли италян аёл,  
Талтиниб яшайди Ўзбекистонга.

Гарчи турмушида зарра ками йўқ,  
Денгиз соҳилида қасри бор кўркам.  
Лекин юрагида ўчмас битта чўғ –  
У ўзбек тупроғин қумсайди ҳар дам.

Дер: – Етимхонада ўсдим бир замон,  
Ўтди ўша ерда маъсум чоғларим.  
Мени онасидай чорлайди ҳамон  
Каравотда қолган қўғирчоқларим.




## БОМДОД

Деразам ортида улкан коинот,  
Мубҳам хотиралар қалбни тилади.  
Ўғлим, деган овоз келади бот-бот,  
Болам, деган шивир эшитилади.

Хонамни чулғайди совуқ ҳаяжон,  
Бошим огирлашар, жунжикар этим.  
Ахир мен ўғлингиз эдим, отажон,  
Онажон, ахир мен болангиз эдим.

Саҳар оча бошлар оҳиста кўзин,  
Тонг уйқуси сассиз кела бошлайди.  
Таралар азоннинг товуши узун,  
Рафиқам ибодат қила бошлайди.

Қадим замонлардан бери, айниқса,  
Шарқ шеъриятида қофия мукаммал  
мезон саналади. Агар ўзак қофия  
бузилиб, қулоқ қофияга айланса, айб-  
нуқсон ва умуман маҳоратсизлик  
ҳисобланган. Ажабо, бизнинг  
кунларда хонавайрон қофиябозлик  
нуқсон эмас, фазилатга айланди.  
Чида ва кузат!



## ТАСАВВУР

Уюшма аъзолиги сенга имтиёз  
бермайди, билъакс масъулият  
юклайди.  
Буни билган билади.

Бу кўҳна қўшиқдир, бу эски нола,  
Унута олмасман мен уни буткул.  
Бозор эшигида ёшигина бола,  
Кекса тиланчига узатарди пул.

## ЁВОШ-ЁВОШ

Озар дўстим нагма чалар, кўзида ёш,  
Ҳолинг нечук десам дейди: ёвош-ёвош.

Севиклигинг ноз қилса ҳам чимириб қош,  
Мойил бўлар аста-аста, ёвош-ёвош.

Гоҳ у ёнга, гоҳ бу ёнга урмагил бош,  
Омад келар бирин-сирин, ёвош-ёвош.

Жайронга айт, тўёгини ёрмасин тош,  
Сайрон этсин секин-секин, ёвош-ёвош.



Ҳар ким ўз баҳосин бергай бу ишга,  
Ҳар ким ўз ҳукмини ўзи билажак.  
Ҳориб мункиллаган қари ўтмишига  
Мурувват қиларди гўё келажак.

Кўп узоқ йилларга элтади хаёл,  
Тасаввурни эзар тагин шу нола:  
Бозор эшигида турар кекса чол,  
Бу ўша бола-ку, бу – ўша бола.

## ХАБАР

Турфа хабарларни тинглаймиз ҳар кун,  
Қайдадир тошқину, қайдадир бўрон.  
Хабарларга тўла бу олам бутун,  
Хабарларга тўла ҳар лаҳза, ҳар он.

Дайди шамолнинг ҳам муждаси бордир,  
Кабутарлар берар покликдан хабар.  
Телефонлар эса доим бедордир,  
Хабар тарқатади то тонгга қадар.

Олис қитъалардан хабарлар келар,  
Келар соғинч саси, газаб ё алам.  
Учқур ракеталар фазода елар,  
Келади уларнинг хабарлари ҳам.

Хабар кутиб ўтар кунларим секин,  
Хабарлар тўхтамас, бундан кўнглим тўқ.  
Биз битта шаҳарда яшаймиз, лекин,  
Сендан хабар йўқдир, сендан хабар йўқ...

## ГУЛЗОР

Сенинг қўлинг гулдир,  
Шул сабабдан ҳам  
Ҳовлию хонангда ўстирасан гул.  
Сендайлар бисёрроқ бўлсайди, олам  
Гулзорга айланиб кетарди буткул.

Ўстирган гулларинг ажиб, муаттар,  
Рангоранг, хилма-хил, чиройли бари.  
Номларин билмайман, айтсам мухтасар,  
Бор бунда ер юзин турфа гуллари.

Гулларинг анжуман тузибди гўё,  
Инжа гўзалликнинг машгулоти бу.  
Шу кичик гулзорда жам бўлмиш дунё,  
Бирлашган Гулларнинг Ташиклоти бу.



## БАРКАМОЛ АВЛОД

Комиллик йўлида чекиб ранж, алам,  
Бир умр тинмади қўлимда қалам.  
Сенга ҳам «Комил бўл!» деди Юртбошим,  
Ахир комилликка не етсин, болам.

Иморатнинг ғишти равон  
қўйилмаса у бус-бутун бўлмагай.  
Устоз А.Қаҳҳор айтардиларки, «сўзни  
шундай гулмихдек жойига урғил ва  
қалпоғини узиб ташла, токи уни ҳеч  
ким суғуролмасин».

Бу улуғ ҳикматлар қайда  
қолдйкин?





## САНЪАТ ВА ТАРБИЯ

Маълумки, мустақилликка эришганимиздан сўнг, ўтган қисқа даврда юртимизда халқнинг фаровонлигини ошириш, унинг маънавий-руҳий тикланиши учун зарур шарт-шароит яратилди. Ва кўпгина хайрли ишлар амалга оширилди.

Аммо шу билан биргаликда ҳали бажарилиши лозим бўлган вазифалар бисёр эканлигини ёддан чиқармаслигимиз керак.

Хусусан, тарбия борасида. Тўғри, бу хусусда йирик олимларимиз ўз фикрларини билдириб ўтганлар. Лекин айнан ёшларимизда эстетик тарбия, унинг муҳим жараён эканлигини имконият даражасида ёритишга ҳаракат қиламиз. Аввало эстетик тарбиянинг ўзи ҳақида тўхталиб ўтишни лозим топамиз.

«Эстетик тарбия – жамиятда маънавий муҳитни пайдо қилишга кўмак берувчи муҳим унсур бўлиб, у инсон дидини шакллантирувчи, ривожлантирувчи ҳамда ана шу орқали инсонни жамият муносабатига яқинлаштирувчи кучдир», – деб ёзишган устозларимиз.

Дарҳақиқат, шундай.

Эстетик тарбияни шакллантиришнинг оммавий ахборот воситалари, адабиёт, театр, мусиқа, кино, таълим каби мотивлари мавжуддир. Айнан юқоридагилар инсоннинг дидини, эстетик идрокини белгилайди. Бу эса такомиллашиб бориб, тарбияга айланади.

Жамият ривожига сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ислохотлар амалга оширилаётган бир пайтда ҳозирги кундаги ёшларимизнинг эстетик тарбияси қандай даражада эканлиги ғоят муҳимдир. Шу ўринда баъзи мулоҳазаларимизни билдириб ўтишни лозим топамиз. Жумладан, санъат соҳасини олайлик. Глобаллашув шароити ёшларимизнинг фаолиятида ижобий ва салбий таъсирларини кўрсатмоқда. Хусусан, кино санъатидаги турли кўринишдаги фильмларнинг кўпайиши, яъни актёр бўлмаб туриб турли саёз образларни яратиши, фильмларнинг мавзулари чекланиб, такрорланиши, актёрларнинг (агар уларнинг баъзиларини актёр дея олсак) нутқидаги ноўрин сўзлар, дубляж жараёнидаги безътиборлик каби ҳодисаларни қандай қабул қилиш мумкин?.

Шунингдек, бундай ҳолатни мусиқа санъатида ҳам кўриш мумкин. Мусиқанинг йўналишларини тўғри билмасдан туриб, кўр-кўрона ёзилган шеърлар асосида айтилган ашуланинг қандай тарбиявий аҳамияти бор? Буюртма асосида ёзилган шеърларни айрим кўшиқ куйловчилар (уларнинг баъзиларини санъаткор ёки хонанда дейишга ҳам тил бормади) Мусиқасини, ҳатто мусиқий сайқалини (аранжировкаси) ҳам ўзлари қилаётганликлари маълум. Бу уларнинг мукамал мусиқа санъатини чуқур билишлариданми ёки умуман беҳабарлигидан далолат берадими?

*...Оқ кўйлак, қора шимда учрашув бор пешинда,  
Бир даста гул қўлимда, олаҳўржун бўйнимда...  
...Қўлларингдан ушласам, уялиб дейсан секин,  
Ҳеч ким кўрмасин десанг, кел кучоғимга бекин...*

Ушбу кўшиқ қаторларида қандай санъат бўлиши мумкин? Аксинча ўсиб келаётган ёш авлоднинг тафаккурига салбий таъсир кўрсатади. Бу – аниқ.

«Адабиётнинг инсоншунослик деб, шоир ва ёзувчиларнинг эса инсон руҳининг муҳандислари деб таърифланиши бежиз эмас» деб юртбошимиз ҳақ гапни билдирганлар. Бу борада баъзи шеър муаллифлари ўзларига тегишли хулосаларни чиқариб олсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Юқоридаги салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида эстетик тарбияни янада такомиллаштириш лозим деб ўйлаймиз. Бироқ, унга қадар ёшларда маълумотларни қабул қилиш, саралаш, тушуниш ва талқин этиш билан боғлиқ малака ва қобилиятни ифода этувчи «ахборот истеъмоли маданияти»ни шакллантириш лозимдир. Шундагина санъатдаги софлик, табиийлик, бебаҳо меросимизни фарқлай олишга эришилади.

**Дилноза ЎРИНБОЕВА,**  
**магистрант.**



# ҚОРАСУВ

Тарихий лавҳа



*Қадим туркий сўзларнинг туб луғавий маъноларини пухта биладиган луғатшунос олим Эрнст Бегматовга бағишлайман*

Рабғуз (Работи Ўғиз)дан Ҳазрати Султони Орифин зиёратига отланган карвон Терскай (яъни, Тескари – ҳозирги Сўзок шаҳри)да бир кеча тунаб, Қоратовни ошиб, ниҳоят, Югнактепа яқинидаги «Шакарбулоқ» деб аталувчи булоқ қошидаги работда кўним топди. Носируддин Бурхониддин Рабғузий ўзига ҳамроҳ-сафардош зиёратчилар қаторида булоқдан қониб сув ичди-ю бутун жисми-жонида ажиб бир ҳузур-ҳаловат, ғайрат-шижоат туйди. Пайғамбари Ақрам ёшини қоралаб турган бўлишига қарамай, шу топда ўзини баайни ёш йигитлардек бардам-бақувват ҳис қилди. Ёнида қўл қовуштириб хизматга шай турган работ соҳибини саволга тутди:

– Ажаб хосиятли булоқ эканму? Нечун «Шакарбулоқ» деб аталур, тақсир?

Работ соҳибини айни шу саволларни кутиб тургандек кўзларидан ўт чақнаб, ўзгача завқ-шавқ билан астойдил тушунтиришга тутинди:

– Суви шакардан ширинроқ, болдан тотлироқ бўлганидан кейин, «Шакарбулоқ» дейилади-да, азиз биродарим! «Асалбулоқ» десангиз ҳам ҳақингиз кетмайди! Ривоят қилишларича, бир пайтлар чингизийлар вайронага айланган Югнак қалъаси – ҳов анови кўзингизга аниқ-равшан кўриниб турган Югнактепа ўрнида Адиб Аҳмад ҳазратлари таваллуд топган эканлар. Айни шу қутлуғ таваллуд санасида шу хосиятли булоқ кўз очган экан. Адиб Аҳмад ҳазратларининг ўзлари бир умр пири комиллари Аҳмад Яссавий ҳазратларига талпиниб яшаганларидек, ўшандан буён бу булоқ ҳам Туркистон шаҳрига – Яссавий ҳазратларининг хоки пойига интилиб, йўл-йўлакай бошқа катта-кичик булоқларнинг сувига қўшилиб, улкан Қорасув ариғини ҳосил қилар экан. Тоғ тепасидаги оппоқ қорлардан йиғилган сув «Оқсув» деб аталганидек, ер бағридан қайнаб чиққан булоқлардан тўпланган сув «Қорасув» деб аталишини ўзингиз ҳам яхши билсангиз керак?..

Носируддин Бурхониддин саволга жавобан тасдиқ маъносида бош ирғар экан, юраги тўлқинланиб, ичидан орзиқди. Бу жаҳон айвонида бизнинг туркийимиздек ифода қудрати чексиз тил тағин борми экан! Аввало Яратган Эгамнинг, қолаверса, она тилимизнинг бемисл қудрати баайни қатрадаги куёш аксидек шу бир жуфт сўздаёқ аниқ-равшан кўриниб турибди-я! «Оқсув» билан «Қорасув» сўзларининг туб луғавий маънолари Маҳмуд Кошғарий ҳазратларининг «Девони луғатит турк» асарида қаламга олинганму эди, афсус, шу топда эслаёлмай, хотираси панд бериб турибди. Ҳар қалай, бурноғи йил муқаддас Туркистон заминидаги Занги ота, Нурота, Чўпон ота, Чўлпон ота, қўйинг-чи, жами қирқ нафар азиз-авлиёларнинг қадамжоларини бир сидра кўзларига тўтиё қилиб чиққанида, айниқса, бир ҳол кўнглида ўчмас таассурот қолдирган эди. Нурота булоғининг суви йиғилган мўъжизавий ҳовуз, бу ҳовузда баҳузур ўйнаб-ўйноқлаб юрган авлиё балиқлар-ку, не бир тепса тебранмасларнинг ҳам кўрар кўзларини қувнатиб, ўзларини ҳаяжонга солишлари муқаррар! Айниқса, бу Авлиё отанинг икки томонида тизилишганча қад кериб турган икки тизмасидан бири – «Оқтов», яна бири «Қоратов» деб аталиши ўзини қаттиқ ажаблантирган эди. Ўшанда Нурота работининг соҳибини ҳам худди манови биродаридек кўзларидан ўт чақнаб, ажиб завқ-шавқ билан тушунтириш берган эди:

– Нима сабабдан авлиёи киромимизнинг ўнг томонида саф тортган тоғлар «Оқтов», сўл томонида тизилишган тоғлар «Қоратов» деб аталишини аниқ-тиниқ билишини истайсизми? Оқтовни – назминг, Қоратовни – насрнинг ўзига хос тимсоллари деб билаверасиз-да! Бу тизма тоғлар асрлардан буён «Ватаним Нурота, тоғлар ораси» дея ҳам назм, ҳам насрда баб-баравар қалам тебратишга қодир қалам паҳлавонининг таваллуд топишини кутиб ётибди,



ахир, тақсири олам! Менинг шу гапларимни қулоғингизга кўрғошиндек қуйиб олинг-да, хулоса чиқараверинг, агар ростдан ҳам ўзим ихлос қўйган шоири замон Рабғузий ҳазратлари бўлсангиз!..

Ўшандан буён узоқ-узоқ хаёлларга чўмиб, тотли-тотли орзулардан юраги бот-бот орзиқиб кетади. Қадимий Туркистон заминидан Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Аҳмад Юғнакийдек назм баҳодирлари-ку, ҳаммиша бисёр бўлган, бугун ҳам бисёр! Демакки, булардек пурвиқор тоғлар орасида яна бир тоғ бўлиб қад ростлаш не бир илоҳий қалам соҳиблари учун ҳам анчагина душвор! Лекин бадиий наср майдонида жавлон ура оладиган «мана мен» деган носир... бу улусда борми ўзи?! Тўғри, оғзаки ижодда латифадек бутун туркий улуснинг беназир насрини яратган ўлмас Хўжа Насриддин афандимиз бор! Лекин ёзма адабиётда қани ўша заковату зарофатда тенгсиз афандимиз билан бўйлаша оладиган илоҳий қалам соҳиби?! Модомики афандитабиат падари бузрукворим Бурхониддин қози бундан олтмиш уч йил муқаддам ёлғиз ўгли бўлмиш бу фақирга не бир умидлар билан «Насриддин» деб от қўйган экан, ё Қодир Аллоҳ, ақалли энди бу банди ожининга олтмишдан ошганимда шу умид тоғини кўнгилдагидек ушатиш бахтини муяссар қилармикансан ўзинг!..

Мана, шундай узун хаёллар, тотли орзулар, сидқидил илтижо-таваллолар билан кўз очиб юмгунча бўлмай орадан уч йилга яқин вақт ўтиб кетибди-я, буни қаранг! «Умр – оқар сув» деганлари нечоғли ҳақ-рост экан! Шу уч йилдан буён қай йўсинда назмдан насрга ўтиб, носир сифатидаги ишни айнан нимадан бошласам маъқул бўлар экан, дея астойдил ўйланади. Бундан бирор ойгина муқаддам қадимий Исфижоб яқинидаги Ҳазрати Султони Орифиннинг падари бузруквори Иброҳим ота билан волидаи мукаррамаси Қорасоч она мақбараларини зиёрат қилиб, кўнгли алланечук равшан тортгач, худди манови Шакарбулоқдан сув ичгандек, Қорабулоқдан қониб-қониб сув ичди. «Қорабулоқ» деса дегудек каттакон булоқ экан ўзиям! Нақ бир тегирмон сув ер бағридан қайнаб-тошиб чиқаётган булоқнинг «Қорабулоқ» деб аталиши кўнгида туркий тилнинг нақадар пурҳикмат-пурмаънолигига ҳайрат-у ифтихор ҳисларини уйғотган эди.

Мана, энди биргина булоқ эмас, кўпдан-кўп шириншакар булоқлар сувининг қўшилишидан ҳосил бўлган улкан ариқ номининг «Қорасув» деб аталишини қаранг!.. Мўъжизани кўринг! Худонинг қудратини кўринг!..

Эртасига Қорасув ёқалаб йўлга тушган карвон бу ариқ суви келиб қуйилувчи улкан сой – Қорачиқ устидаги кўприқдан ўтар экан, Носируддин Бурхониддин Рабғузийнинг кўнгили кўзгуси дафъатан равшан тортиб, фикри мисли кўрилмаган даражада тиниқлашди: аввал-бошда Қорабулоқ, кейин Қорасув, мана энди – Қорачиқ!.. Агар Аҳмад Яссавий ҳазратлари бу туркий улуснинг кўз қорачиғи бўлсалар, бу кўзнинг қораси билан оқи!.. Нима бу? Туркий тилдаги назм билан наср эмасми мабодо?! Туркий назмининг дилбар шоирларидан бири «Кўзингнинг қароси оқи бирла ажиб куфредурки, иймон бирла ҳамроҳ» деб ёзиб, кўзнинг қорасини – куфрга, оқини – иймонга менгзаган эди. Афтидан, бу ўхшатишда нуқсон бордек. Йўқ, кўз қораси, айниқса, унинг қорачиғини куфр деб билишнинг ўзи куфр, аниқроғи, куфрони неъмат эмасми?..

Қани энди насрдек қора сўзда шундай бир асар бита олсаки, у пурвиқорликда Боботоғ-у Аскартоғ, боринги, Тангритоғ билан бўйлаша олса! Аҳмад Яссавий ҳикматлари назмдаги «Қуръони туркий» деб аталганидек, бу асар ҳам насрдаги яна бир «Қуръони туркий» сифатида оламда доврўф қозониб, тарих саҳифаларида мустаҳкам сақланиб қолса!

Кўнгида туғилиб-ўсиб, ниҳоят, пишиб етилган бу ижодий ниятини қай йўсинда рўёбга чиқармоқ мумкин?! Қорачиқсой кўпригининг устидан ўтар экан, аниқ-равшан бир хулосага келиб тўхтади: «Осилсанг баланд дорга осил» деганлар. Азим Туркистон заминидан Каломуллоҳ – Қуръони Карим маъноларининг тафсирларию шарҳлари ҳам, мукаллимлар-у муфассирлар ҳам беҳисоб! Лекин... оқ ёмғир, оқсой, оқдарё сувидек осмондан баайни оби раҳмат бўлиб ёғилган Каломуллоҳда тилга олинган жами етмишдан ортиқ қиссаларнинг теран маъноларини бадиий насрнинг қорабулоқ билан қорасувдек ер бағридан қайнаб чиққан илоҳий чашмасига айлантириб, уларни қора сўз кўмагида ёшу қари – барчага оппа-осон тушунарли бўлган яхлит туркумга маржондек тизиб чиқса-чи ўзи? Туркумни «Қисаси Рабғузий» деб атаса!.. Бу асар то қиёматга қадар Яссавий ҳазратларининг «Девони ҳикмат»и қаторида китобхонлар қўлларидан қўймай, қўлма-қўл қилиб қайта-қайта ўқийдиган умрбоқий асар бўлмасми экан?! Агар «умр – оқар сув» бўлса, бу оламда оқар сувнинг каттаси – қорасув – пайғамбарлар умри эмасми?! Демакки, на-сиб қилса, Қуръони Каримда кутлуғ номлари тилга олинган пайғамбарлар қиссаларини ўзигагина хос мушоҳада чиғириғидан ўткази!

Носируддин Бурхониддин Рабғузий Қорачиқсой соҳилидаги бир муддатлик ҳордиқдан кейин манзилга яқинлашган карвон аҳли қаторида йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, ахийри Туркистон шаҳрига кириб борди. «Туркистон элининг шайхулмашойихи» Хожа Аҳмад Яссавий зиёратгоҳига бутун вужуди ҳаяжонга чулғаниб, тафаккур хумдонидан, ниҳоят, пишиб етилган шундай бир кутлуғ ниятини дилига маҳкам туккан ҳолда қадам қўйди: «Бисмиллаҳир роҳманир роҳим!.. Ё пири комил, ўзинг бу банди ожизга мададкор бўл!.. «Кўнгили кўнгилидан сув ичар» дейдилар. Кўнгилдаги энг пинҳоний нуқтадан – дил қаъридан баайни булоқдек қайнаб чиққан дил сўзлари, «тома-тома кўл бўлур» деганларидек, шоядки кунлардан бир куни кўзларни ойдин, кўнгиларни равшан торттиргувчи яна бир улкан Қорасувни ҳосил қила олса!..»

### Муаллифнинг сўнгсўзи:

*Жаҳон адабиётида ҳам, ўз адабиётимизда ҳам илоҳий мавзуларда битилган шоҳ асарлар талайгина бор. Мавлоно Жалопиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий»си, Данте Алигерининг «Илоҳий комедия»си, Шайх Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр»и, Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр»и, Гётеннинг «Фауст»и, Фитратнинг «Шайтоннинг Тангрига исёни» ва «Қиёмат» ҳикоялари, Михаил Булгаковнинг «Уста ва Маргарита», Чингиз Айтматовнинг «Қиёмат» романлари, Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл» ва Эркин Воҳидовнинг «Рўҳлар исёни» дostonлари... Асарлар орасида Мавлоно Носируддин Бурхониддин Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий» («Қисасул анбиё») асари бош манба (Қуръони Карим – Каломуллоҳ)га энг яқинлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шу боисдан ҳам, мана, етти аср – етти юз йилдан буён асар халқимиз томонидан севиб мутолаа қилинади. Асрлар мобайнида рабғузийхонлик халқимиз маънавиятининг узвий бир қисмини ташкил этиб келган қиссахонликларнинг сарчашмасида ҳақли равишда турибди. Ушбу шоҳ асарнинг дунёга келишига бош сабаб – маънавий-руҳий омиллар хусусидаги бадиий тасаввур маҳсули бўлмиш ушбу мўъжазгина тарихий ҳикоя шоядки кўнгилигизда рабғузийхонлик иштиёқини салгина кучайтира олса...*



# Мансуралар



Рауф СУБХОН

## ТИЛАК

Парвона бўлдингиз, девона дўнинг,  
Сўзларни ямламанг, чала чайнаманг.  
Бироз оғир бўлинг, тупроқдай оғир,  
Тўлқиндай чорасиз бўлманг! Бу — жабр!  
Неларни ёздим мен, нени ёзмадим.  
Ёзганларим, ютганларим — тўлқинлар...  
Юртга муҳаббатим, каттакон сабр.  
Адашиб кетмаслик тилайман Сизга!

## ҚОРОНҒУДА АДАШГАН ОДАМ

Чордеворлар тоғлар қошида айгоқчилар каби  
туришар. Қоронғуда йўллар ёздуга зор, эсаёт-  
ган еллар ҳам уриниб-суриниб, йиқилар қоронғу-  
ликка. Қоронғунинг елкалари, тирсаклари ваҳимали  
кўринар мижджа қоқмай тунни бўйи тентираб  
чиққан одамга. Тонгда тунги ваҳиманинг ҳаммаси  
ялтанглаб турар, адашган одамнинг алданган  
кўзлари каби. Мана энди, ҳасрат билан, балки, наф-  
рат билан тунги қора кўзлари билан: “суринганим  
тошимиди?!” деб ортга қараб-қараб кўяди.

## ГУЛЛАР

Бу соғлом юракка соғлом дард тўлган. Юрагим-  
нинг ўзи тўқ, кўзи очдир. Ўз кўзим ўзимни кўп бор  
алдаган. Гулим, алдамайди сени ҳеч қачон. Сен мен-  
га қайрилиб боқма, майлига. Гуллар бош кўтарса,  
бошингни эгма, шаббодада бирга-бирга тебрангин.

Бу гулларнинг бари Сенга аталган,  
Бу гуллар аслида менинг сўзларим...

## ҲАЁТ ЭРТАГИ

Севгилим, кам эмас, мана, ўттиз йил эртақ-  
лар тингладим, англадим... бугун сени топдим.  
Сен оқ кўйлақда, яна ўша эртақдагидай. Йўқ, йўқ,  
янглишмадинг, тушолмасман, болалиқдан келган  
Отимдан. Тушолмасман ҳаттоки, Сен билан ушбу  
мажнунтолнинг тагида, ушбу ўриндиқда ўтиргани  
ҳам.

## СЎЗЛАРИМ

Сўзларим — дўстларим-эй, шуми сиздан кут-  
ганларим:

Севгию Садоқат келишмас эмиш,  
Яхшининг ортидан Ёмон юрармиш,

Соғлар ҳам қоронғуда топишар эмиш.

Эй, менинг дўстларим-эй, қандай бош кўта-  
риб юрайин. Баъзан шу аҳволда қолиб, от оғзига  
сувлиқ солиб, юганидан тортиб-тортиб, ёмонлар-  
нинг орасидан “сой”лаб, “сой”лаб ва “ирмоқ”лаб,  
баъзингизни “қўштирноқ”лаб, гоҳ ҳовучлаб, гоҳ  
“қавс”лаб омон-омон олиб ўтаман.

## ВАТАН

Ёз кечаси. Осмон-фалакда  
Кундузнинг китоби ўқилди.

**Р.Парфи**

Офтоб ўқир Замин китобин. Варақлайди Умр  
шамоли. Унда такрор Инсон хитоби. Ва ибрат  
бўлгулик амоли... Осмон кўз юмса гар айланар, оқ



белбоғлик кўк-яшил рангга. Сирли кеча, кўк юлдузлари эса байроқ Ўзбекистонда.

Демак, кўк туш кўрар бизларни. Саҳифада Ватан тасвири. Мустақил, хур йигит-қизларни, кўрар у жаннатнинг аксини. Тонги отгач, саҳифа титган Офтоб топмас бошқа ўхшашлик. Дунё гўзаллигин ҳис этган тақдирларни ўқийди шошиб...

### ТАНИШ ИБОРАЛАР

Ўтмишида айтганлар бугунга тўғри келмас. Бугуннинг гапи ҳам кечадан ўзгачароқ. Бундай халқ нақлидин ёмонлик уқиб бўлмас. Иқболим деб ёнган тақдирлар ўзи шундоқ... Фикрни уқсанг-у, тийилсанг яхши одат. Гапни чувалатмоқ оғжиз одамнинг иши. Жасорат қиличин синдирган жангчи наҳот, майдонда сурар от, у ўзи қандоқ киши... Ўзини қаерга қўярин билмас кимса, саҳнада томоша кўрсатиши шарт эмас. Теварак назарин хўп ўрганган бўлса ҳам, ақоиди тўғри-ю, амалда мард бўлмас...

### КУНДАЛИК ОДАМ

Кундалик ёзмоқда кундалик Одам,  
Кўрганларин ёзар, билганин ёзар.  
Билмаганин тахмин — башорат қилар,  
Ўзини донолар сафига қўшар.  
Баъзан ошар, баъзида жўшар,  
Бармогин учида кўрар у Халқни.  
Билмайди, оёгин тагида ер айланишин,  
Юганида замин ортга оғишин.  
Кўнда у башорат қилиб янглишар,  
Кундалик ёзади кундалик одам.  
Худди дарбоз каби юрар, текис йўлларда,  
Бир юзида қувонч, бир юзида ғам.  
Юзида посанги бузилган.  
Кунда... кундалик ёзар.  
Кундалик одам... кунда... кундалик...

### ДАРЧАДАН БОШЛАНГАН ҲАЁТ

Ҳали севиб-севилмаган йигитни, тун қўйнида бир қучоқ нур қаришлар. Тонг саҳар милтиллаб турган умидни, ошиқ нигоҳидан кундуз ўчирар. У ҳаёт нелигин англай бошлайди. Туйғулар такрорлар қалб ҳароратин. Ёлғизоёқ йўлни кўрса, юмшайди. Фарқлайди ҳазилни, кек, маломатни. Умрнинг кечиши тезлашиб кетар. “Ҳаётми... эҳ!” — дея ашъорлар битар. Шундай улғаяркан одам, тингласам: бир кунни ўлимдан сўзлашиб кетар...

### БЕМОРЛИҚДА ТУН МАНЗАРАСИ

Тун қоронғу, кўчада қатор кўмилган тўсинлар чироқсиз. Сенинг фарқинг — вужудинг ёнар, серрайиб турибсан кераксиз... Жим туриб қоласан, юзингда ҳаётнинг кесишган излари. Вужудинг қоплайди бир зумда, ёлгоннинг яшаган кезлари... Меросин яшайди ҳар одам, нафасин ростлайди жумла дун. Қўшиқ айтмас экан қушлар ҳам, чарогон бўлса ҳам гарчи тун.

Туннинг ёрилганин билсанг-да, кундуздан ямайсан кўксига. Бу сени овулган бўлса-да, кўрмасанг-да ишқининг аксини...

### ИЛМ ИСТАГИ

Ёмонлик қўлингдан келмас, бу аниқ. Яхшилик тугундир, шундай ечилмас. Билганинг қулф экан барча эшиқлар. Қўл чўзиб борсанг ҳам кундай очилмас.

Сен тикка юрмадинг, айланиб юрдинг. Неки айланадир бари мукамал. Оёгинг ердасам, асли осмонда, шу сабаб чорлайди кўкка бор амал.

Тонг оттирган хўроз уча билмаса... От етаклар одам... отга минмаса... Ичингда гийбатлар бир зум тинмаса, уларни сиртингда ошкор қилмайсан...

Учса кўнгил учар, яна руҳ учар, учган одам қайтиб ерга кўнмайди...

\* \* \*

Ердан олиб ерга уйдик... Бор-борича... кўп бўлмади. Оз-оз едик, нафсга йўйдик, сўрайвердик тўқ бўлмадик. Ғамгинликнинг сабаби не, оқар сувдек шўх бўлмадик. Умр ўша, ҳаёт ўша... Ношукрлик йўқ бўлмади. Маънан тўқмиз, қалбан тўқмиз, ҳар нарсага ўқ бўлмадик. Таш гулистон, ич зимистон бўлса ҳам “оҳ-воҳ” бўлмадик.

### ЯНТОҚЛАР

(Маҳмуд Саъдий баъзиларни “Янтоқ” дегувчи)

Бизни янтоқ дедингиз (балки улугладингиз...).

Сўзга йўқмиз, шу сабабдан тиконимиз кўп.

Танингизга кирса, дардингизга даво бўламиз.

Томиримиз сувга етган-да... Тарихдан тўйинамиз, гуллаймиз, суюнамиз. Биздан баҳра олганлар аллақачон “туя”лар бўлди. Емай, ичмай ўтган кунларин бизларга ишора қилдилар. Ватан,

деб жўшдилар босган изларин. Бўйимизга эътибор қилманг, шохимизга эътибор қилманг. Сизни кўтарамиз қиёматгача. Елкамиздан тушманг, гуноҳингиз сўрайверинг биз билан бирга!..

### ҚУЛОҚ ХАБАРЛАР

Сигирнинг қулоғи... Хўкизнинг қулоғи...  
Эшакнинг қулоғи... Пишакнинг қулоғи...  
Филнинг қулоғи... Тулнинг қулоғи...  
Беморники... Деворники...  
Яна қанча... кўрмаганим, эшитмаганим...

### ИНТИЗОРЛИК

Сен бир денгиз каби тўлғонадурсан, мен бир денгиз каби уйғонадурман. Бу айлана Ерда бизга қирғоқ йўқ, не бўлсин, дунёни шундоқ бермоқ йўқ... Биргамиз... ўртада қанча парда бор, ёруғликнинг ўзи сенга интизор. Мен тамом... Қалбингга кира олмасман, ўздан чиқиб, чора кўра олмасман... Бу ростликни сенга исбот қилолмам, занжирим нурдандир, иснод билолмам. Мени ким десанг де, айтаверасан, уфққа бош уриб қайтаверасан... “Ҳеч ким

эмасдурман!” — мени ўлдирар, фақат шу муҳаббат қалбим тўлдирар. Бағримда бўлсанг-да, недан ажриммиз. Дунёни тўлдирар бизнинг ҳажримиз. Биз фақат порланиб кетсак бўлади, биз фақат зорланиб ўтсак бўлади. Сенинг ҳароратинг бошқа, бошқача... Сенинг тароватинг бошқа, бошқача...

Сен бир денгиз каби тўлғонадурсан, мен бир денгиз каби уйғонадурман. Бу айлана Ерда бизга қирғоқ йўқ, не бўлсин, дунёни шундоқ бермоқ йўқ.

### ҚУДРАТЛИ ЮРТДА

Кўкрак самоларни сураб нарига... Бу қудрат руҳимни безовта қилар. Қўл силтаб кетолмам ризқнинг барига, ҳар тонгда кўксимни бир юлдуз тилар...

Бу ризқнинг бариси мусофирники. Мусофирдан мусофирга қолар омонат. Очунда меҳмонман, нени кўрийман?.. Кўксимга тўғин босгандай бир от... Каҳрабо тўлқинлар умидбахш ўтдай... Умрим ўтаяпти хизматчиликда. Меҳнатим тунни-ю гамни аритгай. Кибр бор аслида иззатчиликда.

Ҳар доим шукримни билдириб қўйиб, яшайман покиза юртда, ватанда. Такрорлайман ҳар кун фарзандлигимни, бағишлаб боримни Ўзбекистонга!





Нафосат **ТОЖИБОЕВА**

## НУТҚ – МИЛЛАТ ҚИЁФАСИ

Тилга инсон тарбия кўрганлигининг, маънавиятининг кўзгуси сифатида қаралади. Нутқ маданияти мумтоз адабиётимизда алоҳида эътиборда турганлигини таъкидлаш жоиз.

Ўрта аср шароитида нотиклик санъати тармоқланиб ривожланган. Алишер Навоийнинг фикрича нутқ сўзлаётган киши шундай бўлиши керакки, унинг мажлисига бўш кирган киши тўлиб чиқсин, тўла кирган киши эса енгил тортиб қайтсин. Бу борада Навоий ҳақ эди. Нутқ маҳоратининг асосида иккита омил бор. Биринчи нутқ хусусияти бўлса, иккинчиси унинг техникасига амал қилишдир. Айрим ҳолларда эса тафаккурнинг тиниқлиги талаффузнинг аниқлигини ҳам билдиради. Инсон нимани яхши тасаввур қилса, ақлан идрок этса шуни аниқ ва равшан ифода қилади. Шундай экан, нутқ маҳоратини ошириш бўйича назарий маълумот ва амалий машғулотлар етарли бўлиши керак.

Нутқ орқали фикр бериш, мақсадни аниқлаштириш бирламчи вазифа бўлиши лозим. Маълумки, яхши натижанинг 99 фоизи меҳнат орқалидир. Айни дамда ўқитувчилар орасида ҳам, ўқувчилар орасида ҳам шевада гаплашиш ҳолатлари кўп кузатилади. Ўз нутқимиз устида ишлаш, дарс ўтиш жараёнида янги услубда ёндашиш ҳолатлари кучайтирилса, изланиш ва машқлар орқали ички илоҳий туйғуларни намоён этган бўлар эдик.

Нутқ маданиятини ўзлаштиришга илмий ёндашар эканмиз, мактабгача таълим муассаларида болаларнинг нутқи ўсишига алоҳида эътибор бериш зарур. Айни пайтда бадиий китоб ўқиш, нутқ маданиятига эътибор бериш, ўз нутқи устида ишлаш, нутқни аниқ ва тиниқ етказиб бериш учун машқ қилиш зарур назаримда.

Тил билган эл билади, деган нақл бор халқимизда. Ўз тилида аниқ ва тиниқ сўзлашиш эса тилга ҳурмат, эътибор, маданиятни билдиради. Аммо ҳозирда бу нарсага эътибор қаратилмаётгандек. Ҳамма ўзи хоҳлагандек сўзлашади. Айниқса ёшлар орасида талаффузнинг ўзгариб кетгани ачинарли ҳол, нимага ёшларда бунчалик талаффуз аниқлиги

ўзгариб кетди, бунга айнан нима таъсир қилди ва қияпти? Балки баъзи бир маъно ва мантиғи йўқ кўшиқларимиздир. Ёки замонавий тарзда ишланаётган кўчирма, яъни чет эл филмларига тақлид қилиб олиниб, уларда меъридан ортиқ шева, кўча сўзларидан, ҳаттоки одоб доирасидан чиқиб кетаётган гаплардан ҳам фойдаланиш, томошабинга маъно-мантиғини тушуниб бўлмас тарзда ишланаётган кинофилмларимиздир. Аслида киноларимиз бизнинг маънавий биноларимиз эмасми? Баъзи бир филмларимизда миллатимизнинг ўзигагина хос бўлган соддалиги, анъаналари, фазилатлари кўринмай кетаётгандек. Бугунги киноларимиз ўзбекнинг юзи бўлишга ҳақлими? Келажакда фарзандларга, халққа булар бизнинг кино деб айта оламизми?

Ёшларимизга бу кинолар вирусдай таъсирини кўрсатаётгани ҳам айни ҳақиқат. Охири пайтда ишланаётган баъзи киноларимиз умуман кўришга арзигулик эмас.

Кинофилмларимиз сони тобора ортиб бормоқда, киноларимиз орасида сифатли, кўришга арзигуликлари ҳам йўқ эмас, филм ижодкорлари ўз филмларида талаффуз, нутқ аниқлигига эътибор беришса филм сифати яна яхшиланармиди? Ёшларимиз орасида ҳам ўз адабий тилимизга эътибор кўпроқ қаратиларди. Кўзимиз оқ ва қора рангдан ташкил топганлиги сабаблими, атрофимиздаги борлиққа салбий ёки ижобий назар билан қарашга одатланиб қолганмиз. Аммо ниманидир танқид қилиш учун етарли сабаб бўлмоғи керак. Мен бу билан қайсидир филмни мақташ, бошқасини ерга уриш фикридан йироқман.

Аксарият филмларимизда сўзлашувнинг ўзгариб кетганлиги атрофдагиларга таъсир кўрсатмасдан қолмаяпти, энг ачинарлиси ҳам шу бўлса керак.

Бугунги кунимизнинг мавзулари ҳам айнан киноларимизда акс этади. Тарбиявий аҳамияти кам, ҳар томонлама мукамал сценарийнинг ёзилмаётгани бунга сабабдир, балки режиссёрларнинг ўта саёз фикрлаши киноларимизнинг савиясини тушириб юбораётгандир. Томошабин вақт ажратиб кинотеатрга

боради ёки кино туширилган тасмани олиб томоша қилади, бирор филмни кўришдан инсон маданий ҳордиқ чиқаради ҳамда томоша қилаётган филмдан қандайдир фойдали жиҳат ахтариши табиий ҳол. Филмларда фойдали жиҳат бўлмаса-чи? Унда у филм фақат эрмак учун кўрилган кино бўлади. Бундан кимга фойда?

Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи асо-сида ишланган филмини кўринг. Бугун кўрсангиз эртага яна кўриш истаги пайдо бўлади сизда. «Тўйлар муборак», «Маҳаллада дув-дув гап», «Сен етим эмассан», «Келинлар кўзғолони» ва яна бир қатор ўзбек филмларини энг сара филмлар сирасига киритиш мумкин, уларни кўриб томошабин маданий ҳордиқ чиқариш билан бирга тегишли хулоса ҳам чиқара олади.

Биз нима сабабдан Болливуд филмларини ёки корейс се-риалларини яхши кўриб, қизиқиб томоша қиламиз? Кимгадир уларнинг куй-кўшиқлари, рақси манзур бўлса, яна кимнидир филм қаҳрамонлари томонидан айтиладиган фалсафий жум-лалар ҳайратга солади, қалбни тўлқинлантиради. Корейс се-риалларида романтикага бой, биз учун янги бир ижодий каш-фиёт бўлган кичик лавҳалар ҳам киши хотирасида ўчмас из қолдиради.

Мухими, кино ва сахна асарларида шевада эмас, соф ба-дий тилда сўзламоқ керак. Ахир, бизнинг шаклланган бой ада-бий тилимиз мавжуд-ку. Нега энди экранга чиқиб олиб маҳаллий шева, лаҳжада сўзлаб адабий тилни ғариблаштиришимиз, су-истеъмол қилишимиз керак?

Ўйлаб кўринг: бориб турган маданиятсизлик эмасми бу?!



## НАЗМ



**Олим ШЕРОВ**

### ЭЛЕКТРОД

Ярқ этди «йўқ» дея инкор этгандек,  
Темир танасига урилган он.  
Ва бирдан чақнади жисми чақиндек,  
Учқунлар юлдуздек сачради ҳар ён.

Сўнг порлаб ёнди-ю эриб борлиги,  
Икки темир бошин бириктиролди.  
Муштаҳкам пайвандлаб иккисин, ўзи –  
Ажралмас бирликнинг ичида қолди.

### ИСТАК

Кўёшдан таралган  
Етти хил рангдаги  
Нурларни кафтимга олиб,  
Қалбингга кирмоқни,  
Сенинг ҳам қалбингни  
Шу рангли нурларнинг  
Оғушида кўрмоқни,  
Жуда-жуда истайман.

## Япроқчада томчидан балдоқ

### МАНЗАРА

Ел кўзгалиб безовта елар,  
Қора булут қоплади кўкни.  
Қалдироқлар қақирлаб кулар,  
Кўтаролмай гўё бир юкни.  
Осмон мўнгиб бўзлайди шу тоб,  
Савалайди заминни ёмгир.  
Ёғду сочиб кўрингач офтоб,  
Яшнаб кетар яшил кийган қир.  
Кўкатларни тебратар экин,  
Япроқчада томчидан балдоқ,  
Қадаҳ тутар кўёшга дуркун,  
Адирларда тўп-тўп қизгалдоқ.

\* \* \*

Эрмаклаб ўйнади хазонларни ел,  
Сарғайган япроқлар тўзғиди йўлда.  
Тундлашиб қорайди, тутақиб само  
Тураверди то тунга қадар...  
Алла маҳалда,  
Сим-сим бўзлай бошлади,  
Тўйиб-тўйиб йиғлади чунон.  
Тўлиб кетган кўнглин бўшатиб,  
Нолаларин тўкди тун бўйи осмон.  
Кўчалар овози чиқди шатирлаб,  
Тошиди ариқларга сизмаган кўз ёш.  
Фақат гамгин юкни бағрига ютиб,  
Барчасини Ер кўтарди — Замин  
берди дош.

### ТОНГ

Тунги уйқу гафлатни қушлаб,  
Қўзғалади ўрнидан сулув.  
Ҳовли олди тоза-озода,  
Супаларга сепилади сув.

Олисдаги ёғдуни сезиб  
Чекинади зил-зил зулумот.  
Кумуш мисол ёлини силкиб,  
Кишнаб қўяр боғлиқдаги от.

Боғ қўйнида гуллар сулуви –  
Юз очади атиргул яшнаб.  
Ортада чўпон, қишлоқ суруви,  
Қирдан ошиб кетади маъраб.

Сой бўйида булоқча жўшқин,  
Кўшиқ куйлар ранглари зилол.  
Сувратида ажиб маҳобат,  
Боқиб турар кекса «Лангар чол».

«Оқтов камтир» тандирдан узиб,  
Чиқаради қизарган нонни.  
Нон ҳидидек ёқимли кўчиб,  
Нур чулғайди юрт – хонадонни.

**Навоий шахри**



Замира РЎЗИЕВА

# Қайгуларнинг, оғриқларнинг адоси ~ баҳор

\* \* \*

Йиғлайвердинг, узоқ йиғладинг,  
Азобланди оғриқдан дилинг.  
Севги битта, маломатлар минг,  
Соқов янглиг чидади тилинг.

Қалинлашар кўнгил куюгинг,  
Аралашиб ишқнинг зангига.  
Аллақачон ўша буюгинг  
Ботиб бўлди нафрат чангига...

\* \* \*

Қорни очганини тез сезади у,  
Бу дунёнинг бор жаннати унга – нафс.  
Кучлилардай виқор билан кезади у,  
Унинг учун заиф эрур неки нафис.

Севги деманг, фақат ўзин севар асли,  
Тили сира сесканмайди ёлгонлардан.  
Турфа турқлар шивасига тўлган қасри,  
Томоқларга садақалар тақар зардан.

...Бўғзимга тош тиқилади, баски бу дам,  
Юрагимга ёрдамга кел, тоза шамол.  
Гуноҳларим бўлса ўзинг кечир, Эгам,  
Унга муҳтож қилган кунинг... жонимни ол...



БАҲОР

Соғинтирган сабзорлар садоси – баҳор,  
Ташна жоним жамолининг гадоси, баҳор.

Ҳижронтигда тилкаланди узун тунлар,  
Гирён учди муҳаббатнинг нидоси, баҳор.

Адашмоқ ҳам, алданмоқ ҳам ишқдан бўлди,  
Кўзни очди у кунларнинг хатоси, баҳор.

Чин соғинчни бахш этмоқ ҳам бир тозарши,  
Ҳайрат тўла нигоҳларнинг фидоси – баҳор.

Куйин топган табассум ҳам топса не тонг,  
Қизгалдоқзор тўла сурур сафоси, баҳор.

Қора сочга қор ёғдириб кечди гамлар,  
Қайгуларнинг, оғриқларнинг адоси – баҳор.

Сен толиққан юрагингни қирларга тут,  
Ювилгайдир анинг сариқ сафроси, баҳор.

Қиргогидан ялтиз ўпган жилгага боқ,  
Оқиб кетгай жабртошлар жафоси, баҳор.

Дилни уйғот, умидворлик топ, Замира,  
Ҳақ юборган ҳақимларнинг яктоси – баҳор.

\* \* \*

Ҳаёт шатранжмиди – мағлубми, голиб,  
Ўзимча доналар сурдим, билмайсан.  
Сени хаёлимда яратиб олиб,  
Ўзим маҳлиёлар турдим, билмайсан.

Ошиқ саҳросига чақирди Мажнун,  
Дил ёниб суҳбатлар қурдим, билмайсан.  
Беш кун дейишувди бир кам даҳри дун,  
Минг йилча тентираб юрдим, билмайсан.

Бу қандайин севги, мен қандоқ севдим,  
Кўз юмсам бас – сени кўрдим, билмайсан.  
Бошимни кўксинга қўяйин девдим,  
Нотавон тошларга урдим, билмайсан.

\* \* \*



Ойнинг қумуш ипаклари узун бўлди,  
Мени ошиқ айлаган ҳуш ҳусн бўлди,  
Ҳижронида девоналар қилди, ахир,  
Ёр йўллари, йўлаклари афсун бўлди.  
Муҳаббатнинг эртаклари узун бўлди.

Шерикдурман Мажнунларнинг армонига,  
Осилдим-а турналарнинг арқонига.  
Кўксим тутдим тошбағирнинг пайконига,  
Борар йўли, йўлаклари афсун бўлди,  
Муҳаббатнинг эртаклари маҳзун бўлди.

Атиргуллар дардларимдек қатландилар,  
Ошиқлигим кўзларимга хатландилар,

Қадамларим ҳар лаҳза бир отландилар,  
Мен борар йўл, йўлаклари афсун бўлди,  
Муҳаббатнинг тилаклари тўзгин бўлди.

Сизмагайман баъзан еру фалакка-я,  
Куюк кўнгил етишгайми керакка-я,  
Тушунтира билмаяпман юракка-я,  
Ёр йўллари, йўлаклари афсун бўлди,  
Муҳаббатнинг эртаклари узун бўлди.

\* \* \*

Мунгли создан сочилди сас, яшил боғни тўлдирди хас,  
Кўз ёшига арзимасмиз, муҳаббатни йиғлатма бас.

Гулга молик шохлар синди, ким чув тушиб ким ўксинди,  
Андиша қил етар энди, муҳаббатни йиғлатма бас.

Дунё шундоғ, баъзан бахил, кун кўрибди қачон оқил,  
Етар, энди андиша қил, муҳаббатни йиғлатма бас.

Бир сўз десин Замиралар, мунгли дилга ҳамширалар,  
Дардима топсин чоралар, муҳаббатни йиғлатма бас.

\* \* \*

Тангрим, жисму жонда севгимни бор қил,  
Хор қилсанг фақат ишқ йўлида хор қил.  
Ёлғизлик ўзинга ярашгай ё, Раб,  
Мени ўзимдайин ошиққа ёр қил.







**Нурилла ЧОРИ**

# ЛЎЛИТОПМАСЛИК ЧОЛ

## Ҳикоя

Ўшанда нима бўлган, буни ёлғиз Эгам билади, яна Қулмат чол билан ити билади. Бошқалар ҳам билишга билади-я, аммо уларнинг на кўзлари, на қулоғи ва на тили бор. Ҳа, айтганча, уларнинг туққанидан тонган этаги йиртиқ қизи, шалварини кўтариб чопиб юрган ўғли йўқ. Поданинг ортидан таёғини судраб бир чиққанида ойлаб кетадиган қизгалдоқлик Қулмат подачи пешонаси тиришиб, буришиб, бурни оқиб мўйловига тушиб, соқолини кўз ёшлари ювиб, эшонларнинг пойқадамига ширбоз-бўрдоқи, олабош-қорабош кўйларни сўйиб, муллаларнинг этагини кўзига суртиб юрди. Аёли Зубайда фолчи-ю кушночларга оқ товук-қора товук, кулранг ва чипор товук қилиб, авлиё-ю шаҳидларнинг мазорини бот-бот зиёрат этди. Дугоналари айтган «ёр-ёр»лар қулоғига элас-элас ҳам эшитилмай қолиб, қирмизи олмаёноқ юзини сўлғинлик маҳв этганида тақимини ўпган сочига оқ оралаб тирсагига етмай қолди. Эрининг чайир кўллари бўшашиб, ёши олтмишнинг остонасига етганида, «шўр» дея аталмиш манглайларига бир тирноқ битди. Битишга-ку битди-я, лекин у тирноқ, ҳа-ҳа-а, олти ой ичида, норасидалигида қазо қилди.

Аввалига шердай наъра тортиди, кейин оч бўридай увиллади, тўпорилигига ярашадиган жиззакилигини йўқотиб кўйди.

Кеч куздан эрта баҳоргача чолдевордан нари-бери бир айвоннинг икки қанотидаги ҳужрасида у билан бойўғлилар истиқомат қилаётгандан бериям, ўх-хў, қанча мезон шамоллари эсиб, анорларнинг бағрини тилди. У индамас, одамови ва хаёлпараст бўлиб қолган бўлса-да, Қулмат исмига қапишиб, шу билан бирга, тирик эканидан нишона бериб келаётган подачилигини кўймади. Элининг подасини аёли ва ўша тирноқни кўрган ит билан боқиб, дардлашиб, ошалолини териб юрди.

Кўкламда қора қуюндай булут бостириб келиб, момоқалдироқ гумбурлаганидан сўнгги ёмғирга эркалик

қилиб борлиққа бўй кўрсатган майсалар бўйи етмай поданинг мадорига айланади. Қуёш ерга бош урган паллада моллар жодраб\*, қора ерни ютадигандай қирларга ўрлаб кетади.

Қулмат поданинг бошида, ити ортида, кўшни отарга қараб қирдан эна бошлади. Нонхалтасининг таги тешилганиданми ё бойўғлихона бўлиб қолган чолдеворга ошиққаниданми, кечадан бери қишлоққа кўзи учади. Тинчи йўқолган. Ҳаловатдан мосуво, гарангсиб юриб, ўзидан анча олислаб кетган чўпоннинг яқинига бориб тўхтади. Ит подани айланиб чопа бошлаганида юлдузлар кўлларга, дарёлар ва ариқларга, ирмоқларга ҳатто булоқнинг кўзига тўкилиб қолган, ой бўлса Қулмат подачи, подаси, ити ва унга қавмдош бўлмишларга этагидан жой берган тоғнинг бошида сочини тарарди.

— Ув-в, Қулматбой подачи, келсинлар, келсинлар! Биз томонга қайси шамол учирди? Йўқлардингиз-да, қишлоққа тушгандами, қишдами, а? — дея ундан икки-уч кўйлакни йиртишда ортада қолган, келбатига қарабми, одамлар исмига «туя» сўзини кўшиб атайдиган жинжаклилик чўпон қарши олди.

— Ҳеч одам бўлмадингиз-да.

— Сен одамман деб юриб тур қани. Бизам одам бўлиб қолармиз, Қулматбой!

— Сизданам тузук гап чиқадими ўзи?

— Чиқади-чиқади. Эгалик қилолмасанг, мен нима қилай?! Ҳи-хи-хи... Сенга ҳайронман, подангни боқиб юр-вермайсанми, туппа-тузук подачисан. Акамнинг ёқасини ушлашни ким кўювди. Раҳматли армонда ўлиб кетди. Мановининг кўзи бўлса кеча кўрардим, тилинг танглайингга ёпишгур бид-бидлаб тинмайди. Яна бир марта айтса, ўлиб қоладими ё осмон узилиб ерга тушадими, а? Уни сен ҳам эшитсанг, ах, бир борагина эшитсанг, — деб ўз майлида куйиб куйлаётган, алмисоқдан қолган пачоқ радиосини Ташман туя таёғи билан туртди.

— Нимани айтсин?

— Ғармистонда катта кураш бўлибди. Ана шуни айтсин! Ҳа-а, ана шуни айтсин! Шунда-а-а раҳматлини сирқиндиси Шамсиддин полвон бўлибди. Ана муни айтсин! Шамсиддин бизга тортган. Тоғаларига тортганида борми, уям ит тирсак, сатанг акасига ўшаб гўрам бўлмасди. Унинг елкалариям меникидай-да. У худди ўзим! Қуйиб қўйгандай ўзим. Ҳа, ўзим у. Ўзим.

— Рўзимурод раҳматлини улини айтаяпсизми?

— Бўлмаса кимни айтаяпман?

Қулмат подачининг дами ичига тушиб ниманингдир ҳисобини олди ва тилга кирди:

— Рўзимуродни ули, Рўзимуродни ули... Полвон бўлдимми? Ундай бўлса ҳалоли бўлсин. Сизнинг бу марси-нишингизда\* тонгам отади. Мен қишлоққа тушиб келай дегандим. Шу десангиз, сиздан...

— Дарди бўлмаса Қулмат подачи келмайди дегандим ўзимам, манови иштони ҳўл болага, — бўйи бўйдан баланд йигитга ишора қилган Ташман туя кулиб ва яна ўз сўзида давом этди: — Олдин бир пиёла чой ич, қишлоққа тушиш қочмайди. Поданга бўлса ўзим кўз-қулоқ...

Ой Қулмат подачининг йўлини сочлари билан супурмай қўйганида юлдузлар ердан йироқлаб кетди. У эшакнинг биқинига ниқтаб, «Бўрибосар» дея итини йўқлаб-йўқлаб Қизғалдоққа эниб келганида майин шабада қишлоқни аллаларди. Қишлоғи Зубайданинг хамирига ўшаб кўпчиб кетганига Қулмат подачи шу тонг эътибор қилди. Унинг кўзига узоқдан чолдевори кўринмас, гувала-ю пахсадан қад ростлаётган иморатлар орасидан олдин ҳам ўтиб борганини эслади. Аммо шу кўкламда подани қаерга тўплаганини эслолмади. Илгари унинг кулбаси олдига қишлоқдошларининг мол-ҳоли тўпланар, у кузатар, қайси бири подага эргашолмаса кўшмас эди. Бу одатларини қачон унутганини қизғалдоқликлар тугул энди Қулматнинг ўзи ҳам билмайди. У завжаси ва пешонасига сиғмаган зурриёти қайтиш қилганидан бери кўпчиб бораётган қишлоқ одамларининг хизматини қилиш учун кун кўраётган ва улардан умидворлигини бировга, ҳатто ўзига ҳам айтолмаган бўлса-да, кўнглининг туб-тубида қип-қизил қизғалдоқдай очилган дардини тунлари бошқаларга билдирмайди, ўзича тентирайди ва бир маҳалга бориб беҳол йиқилади. Шу йиқилишда ой нурларини Зубайданинг сочидай уриб, ол омонатингни, дея зорланади. Кўзини юмганча юлдуз санайди. Яктагидан қўлларини чиқариб, белбоғи билан, тиши оғриган бемордай жағини боғлаб, яна бир белбоғ билан юзини ёпади. Оёғининг бош бармоқларини бир-бирга теккизиб шардозлаб, таёқдай ётади. У шунга одатланиб қолди.

Эгри-бугри чатишиб, чигали ёзилмаган илонизи, ёлғизоёқ йўллар катта йўлларга тутушиб подачини аҳли қишлоқ томонидан «Қулматнинг бойўғлихонаси», дея аталмиш кулбасига олиб келди.

Қийиқ кўзига чолдевор эмас, кампирдай букчайган ҳужрасининг тамбалаб қўйилган эшиги очиқ кўринди. Очиқ эшик подачининг хаёлларини аёли томон етаклади. Унинг йўлига қачонлардир қанда қилмай пешвоз чиққан Зубайда ҳозир яна бир бор Қулматга, ҳа, ўша оғироёқ кунларидаги табассумидан ҳадя этадигандек ва унинг келишини кутган, кутганда ҳам узо-о-о-қ кутган туюлди. Қулмат эса аёлининг чиқишини ич-ичидан истаб жуда секин, оҳиста

одимлай-одимлай кўзини юмганча елкасидан сирғалиб тушиб кетган хуржуни устига ўтириб қолди. У кўзини очишни, очганда ҳам бошпанасига қарашни хоҳламасди: димоғига кўклам нафаси, олча гули ифори урилди, юзига олча гулла-ри бирин-кетин тўкила бошлаганида... Оғирлашиб қолган қулоғига бир лайчанинг акиллаши-ю, Бўрибосарнинг мағрур ириллашига қоришган ва шу дамгача Қулмат эшитмаган нолишли увиллаган овоз эшитилиб, хаёли жамланди. Ўзининг ғариб дунёсида кўз очди. Осмон гардсиз, тоғдан эсаётган шабада қишлоқдошларини уйғотишни истарди. Подачи итига кўз қирини ташлаб катта-катта очилган нурсиз кўзи бақрайиб турди ва кўзини уқалаб қаради, соқолини сийпаб, яктагини кўтарди ва кўксига «туп-туп»лади. Яна итига тикилди ва падарингга лаънат, дея уруғ-аймоғини ағдар-тўнтар қилиб, оғзи кўпириб, тупугини сачрата бошлади.

Ит тишлаган этни Қизғалдоқнинг иссиғида идраб кетган ва тердан сарғайиб ҳидланган яктагига ўраб-чирмаб олишга олди-ю, энди нима қилишни билмай мустар қотди. Эл оқсоқоли Тиркашов муаллимга хабар берсинми? Йўқ-йўқ, унинг ўғли Ғармистондай катта шаҳарда эгарга ўтиргандан бери Тиркашов муаллим қутурган. Қулматдан бошқаларни ҳам қопяпти. Уни ҳам қуруқ қўймай бир-икки даврада изза қилгани бор гап. Эшонниқига боришга борди-я, лекин эшонни тушмагур ўтган кузда барзанги, қориндор ва калбош расига Қулмат назир қилган улоқни сўйиб, анави зормандадан қуйиб, «Биз эшон бобонгиз бўламиз, сиз муридимсиз. Раҳматли отангиз ҳўб яхши одам эди. Сизнинг камолингизни кўрмай ўтди-да, эссиз, одам дегани шундай ўтиб кетаркан. Билмай қоларкансиз. У киши бизни тез-тез йўқлаб келиб, ўғлимнинг мартабаси улуғ бўлсин, деб дуо олгич эди», дея совхоз чўққасига эгалик қилиши Қулматга қаттиқ ботган. У бундай пайтда гина-кудуратларни унутиш кераклиги учун унутмади, балки айна дамда довдираб қолганди. Шу боисми, оқсоқолу эшоннинг измига кўпам қирмайдиган ва улар юрган йўлларда оқсаб қолмайдиган Мулла махсумни барчадан маъқул билдимми, униқига қараб бўри йўртиш қилиб боргунича ҳарсиллаб қолди.

Махсумнинг эшигига борганида тонг отган эди. Мулла махсум аёлининг сочлари тўзғиб, бошидан сирғалган рўмолини нозик қўлига олиб, «Ҳув, ҳозир-ҳозир! Ҳу-в, ким? Ким эди?» деб овоз бериб подачига пешвоз чиқди.

— Кеча Турдихол момонинг тили тортиб кетиб, болалари «чабҳачаб» бўлиб қолди. Шунқор Мирзомнинг отаси ҳам ўша ерда эди. Келганига бирпас бўлди. Озгина дам олай деганди. Нима? Ишингиз бормиди? Ё ошалоли бизникидан бошладингизми, подачи буваси?

Кўзини йиртиб очган хотиннинг товукдай пат-патлашини Қулмат бўлди:

— Муллага айтинг, бизнинг бўсағага бир тирноқни ташлаб кетибди. Уни ит ўйнабди.

— Аҳ? Нима!

— Бизникига борсин!

Мулла махсумнинг хотини сонига шапатилаб, додлаб уйига чопди: «Ҳу, отаси, кўргилик! Бу бир кўргилик! Сизга айтгандим тунавгида. Юзи қурғур янги ой ёнбошла-аган чалқанча, деб. Ўзига тинч, элга нотинч чиқди. Анави шўрниқига, Қулмат шўрниқига боринг! Туринг, турсангиз-чи, туринг... Отаси... Бу ётишингизда эртага Қизғалдоқни ер

ютади ё сув олади. Шундайга ҳам Қулмат шўрни уйи куйибди. Куйиблар кетибди!».

Буватиннинг\* додини эшитган борки, аввал Махсумни кига, кейин подачини кига чопди. Кетмон елкалаб далага кетаётганлар тўхтади. Жомадон кўтариб шаҳарга отланган оёқ илди. Папка кўлтиқлаб мактабга бораётган муаллим кирди. Қулмат подачининг томорқаси одамга тўлди. Қари-қурри, юзига ажин, сочига оқ оралаган, бир-икки ёш-яланглар ҳам кўшилиб, бинойидай давра бўлди-қолди. Болани мулла билан подачи кўздан кечирган, эл унинг онасини, сўнг отасини билмоқчи. Қулматга қолса, уни индамай кўпга кўшиб келмоқчи. Мулла махсум ҳам шу гапни маъкуллаб турибди. Тиркашов муаллим билан Эшон бува мулланинг, қолаверса, Қулмат подачининг гапига кирадиган аҳмоқ эмас. Улар ўша иштони йиртиқ падарлаънатини топиш ва Қизғалдоқ қишлоғидан беномусларни қувиб солмаса, ўзини бу ерлик ҳисобламайди. Буни элнинг олдида айтиб қўйган.

Қулмат даврага умри бино бўлиб бир маротаба — мўйи сабза уриб қорая бошлаган, овози дўриллаб қолган паллада чиққан. Ўшанда тирамонинг туни эди. Жинжаклида бир кураш бўлди, бир кураш бўлди! Рўзимурод полвон қизғалдоқликнинг кўкрак кериб юрадиганидан тортиб, полвонман деганигача барини ердан осмонга олиб, осмондан ерга урди. Қизғалдоқлик эрман дегани борки, ер билан бир бўлди. Ана шунда адашибми-нетибми Қулмат ирғиб майдонга чиққанди. Давра «гурра» кулди. Қизғалдоқлик полвонларнинг изи шу сағирга қолибди-да, деганлар ҳам бўлди. У қанотини қиздираётганида Тиркашов муаллим, эй, (кечирасиз), Тиркашов студент: «Қулмат бу ишингни йиғиштир», деса-да. Баковулнинг ўнгиди, Рўзимурод полвон сўлида, Қулмат давра айланди. Зотига бир момо тугун\*, икки кигиз, бир улоқ айтилди.

Баковулнинг овози даврадаги кулгини, шовқин-суронни кесди. «Худойим полвонларнинг белига куч-қувват, топганига файзу барокот берсин. Эй, биздан нима кетди. Кетса ҳам шу полвонларга кетди. Суйганлари майиз ҳам берсин», деб яна кулгига буриб қўйди. Томошатаблар кулиб, бирдан жимиб майдонга тикилди. Рўзимурод полвон ортидан Қулмат даврани кезиб кураш туша бошлади. Рўзимурод ўйнади. Қулмат қунишди. Полвон Қулматга беписанд бўлиб икки қафас йиқитмай эзгилаб қўйиб юборди-ю, учинчи қафасда анг қолди. Қулмат уни на елкадан, на кўшшадан, на бурамадан олди. Ўнгига силтаб тортиб, сўлдан қоқма бериб, ер искамаган куракларини намчил сомонга босди-қўйди. Жинжаклиликлар: «Бошқатдан! Бу фирром, фирром!», деб тинмаса-да, Рўзимурод полвон майдонни тарк этди. Баковулнинг: «Полвон, исмингиз кимиди? Нима дейсиз? А? Қулмат. Қулмуҳаммад денг, полвон! Қулмуҳаммад денг!», дея «Бугунги курашда қизғалдоқлик Қулмуҳаммад катта полвон бўлди», деб элни дуога қўл очтириб курашга яқун ясади.

Бу олишув қизғалдоқлик тугул, жинжаклиликнинг, ҳа, айтганча, Ташман туяга ўхшаган бир-икки Рўзимурод полвоннинг жигарларини демаса, бошқаларнинг хотирасидан ўчиб кетган. Қулмат Рўзимурод полвондан бошқанинг ёқасидан тутмади. Қайтиб майдонга доримадиям. Шундай бўлса-да, унинг полвонлиги қоронғи тунларда, ёруғ кунларда оғиздан-оғизга ўтиб, шохулоқ пишган, кўноқ тушган

даврани кезиб, «Қулмат ўшанда шалварини хўллаб қўйган, даврага чиқиш олдидан заранг таёғини сиққан жойи қизнинг сочидай тарам-тарам бўлиб қолган»лиги ҳақидаги миш-миш ва эмишлар орасида Зубайда билан бир мучал яшагунча исмига полвон сўзи эргашигани рост.

Фалакнинг гардишини қаранг-а, ҳозир у шармандалик, шармисорлик даврасига чиқиб турибди. Ота-онаси нотайин бир парча этга катта аза, катта можаро. Қулмат подачи ўз элига юзланиб, зор қақшаб, ялиниб Мулла махсумдан неларнидир умид қилиб, Тиркашов муаллим ва Эшон бува бошчи эл билан курашди. «Кўпга кўшмоқдан бошқа даъво йўқ», деб муддаосини айтса-да, Тиркашов муаллим: «Кўпга кўшиш қочмайди. Сен олдин уни қандай топганини айт, эл билсин», деб қистовга олди. Қулмат подачи гуноҳкор. Қулмат подачи айбдор. Айтар сўзини тополмай, ахийри, ит ўйнаб юрганини, боланинг эр экани ва ниҳоят, унинг суннат қилар жойини ит еб қўйганини айтишга мажбур бўлди. Оломон барибир уни ва ўша жойини кўрмоқчи, Тиркашов муаллим ва Эшон бува билан кўрса, ота-онаси топиладигандек, ўша жойи битадигандек, Қулмат подачи Қулмат ёлғончига, Қулмат қасамхўрга айланиб қоладигандек бўлди.

Улар кўришди. Ундан ўзини олиб қочган кўпайди. Эшон бува Бўрибосарга ҳукм айтди. Оломон унинг ижросини талаб қилди. Ит осилди. Аммо у осонликча жон бермагач, Тиркашов муаллимнинг турткиси билан бир бўзбола итнинг бўғзига дами ўткир пичоқ тортди. Бўзболанинг бетига қон сачради. Қулмат подачининг юзини кўз ёшлари ювди.

Оломон гўё шу томошага йиғилган ва муддаосига етгандек тарқаб кетди. Улар орасида Эшон буваям ғойиб бўлди. Тиркашовни оқсоқоллик юки ушлаб қолдимиз, уни Мулла махсум ҳам, Қулмат подачи ҳам билмайди. Яна бир-икки киши билан қуёш қиблага оққанида боламозордан бир ўра кавлаб, подачининг бойўғлихонасидан чиқаришди.

Мулланинг юриш-туриши отамерос. Саҳарда азада, эртасига фотиҳада, сўнгига худойида қироат билан тилово тилади. Азадорларнинг елкасига бош қўйиб, «Кўп куюнманг! У берганини олди-да», дейди-қўяди. Ачиниш, куюниш унга бегона. Негадир бугун унинг ранги қорайиб лаби ёрилибди. Қулматни-ку ўз дарди, қизғалдоқнинг иссиғи еб қўйган. Тиркашов муаллим асосига суюнган. Икки-уч кишига «уй» кавлаганлар ҳам қўшилиб, саф кенгайиб мазордан жим қайтишяпти. Подачи чуқур «ух» тортди. Муаллим жимликни: «Қулмат, ичикма. Эл олдида айтганмиз, қачон бўлсаям Эшон бува билан у беномусларни топамиз. Қизғалдоқда қўймаймиз», деб бузди. Қулматнинг киртайган кўзлари гўристонга қадалди. Қип-қизил қизғалдоқлар очилиб ётган қабрлар орасидан митти мазорни топди. «Эҳ, сени шу кўйга солганинг насли куйсин!» деганини билмай қолди. Бу негадир Тиркашов оқсоқолнинг қитиғига тегиб кетди.

- Қулмат, элга бундай дейишга ҳаққинг йўқ!
- Элни демадим.
- Ҳозир у кимдан, билмаймиз-ку?
- Билмасак, индаманг.
- Элга сенинг бойўғлихонанг етмайдимиз-а?

Кесақдан олов чиққанидай мўнди чўққа айланди. Тишсиз оғзидаги тупукни Тиркашовга тортиқ қилди. Изидан ёрилиб ётган бармоқлари етмай бўйнига асо тегиб тўнтарилиди. Юз-кўзи демай бошига, кўкрагига тепкилаётган Тиркашовни Мулла махсум тортди. «Эй, Бухор алдаркўсани боласи, сен

шу тиримурдага эга чиқиб қолдингми ҳали! Бунинг-ку ўлиб қутулмаса қутулмайди. Сен биланам кўраман. Саҳарга қўймай бу ялоқхўрни бойўғлихонасига қўшиб ўт қўяман. Сенинг бошинга итнинг кунини соламан. Ўзи, кун билан кўзингни ола қилганинг ортиқча...», дея тинмади.

Тиркашов муаллимдан ўтолмай мазорга бориб келаётганлар: «Домла, одам тенги билан жанжал қилади-да энди. Сиз у ялоқхўрни сўкканингиз ҳайф. Алдаркўсани боласиям бир гўр. Қулсан, қобилсан, асли наслинга тортасан, деган-ку. Шу алдаркўсага тортибди-да энди. Қўйинг, ...вич эшитса хафа бўлади-я», деб овулган бўлди. У бўлса то уйгача мулла билан подачининг таърифини келтириб борди.

Подачининг оғзи-бурнидан оққан оч қизғиш қон Мулланинг яктагиниям бўяди. Қулматни қўлтиқлаб «бойўғлихона»га олиб бориб бир кафт сув топмай ариққа ювинтирди ва Шунқор Мирзодан ош-овқат бериб юборишини айтиб, Мулла махсум жўнаб кетди.

Туни билан Қулмат подачининг уйқуси қочиб узоқ хаёлларга чўмиб, шифтга тикилганча ётди. Сас-садо йўқ. Ҳатто бойўғлиям жим. Ёта-ёта кулбасини сағанана ўхшатди. Ўзини унда ётган ҳисоблади. «Наҳот мен ўлган, сағанана ётган бўлсам-а? Ўлигимга ким эгалик қилади-а?!» Ўлимдан илк бора кўрққанидан отилиб ташқарига чиқди-ю қўлига кесак олиб кулбасига дўқ қилди, отолмади. Ич-ичидан келган алам қайтадан тислантирди. Остонада отасини кўриб боладай чопди. Отаси бағрига ўзини отди. Қучди. Сароб экан. Пешонасини остонага уриб ўкириб юборди. «Эй худо! Менга нега ризқ берувдинг!? Сарсон қиламан девмидинг!? Аҳмоқ қиламан девмидинг!? Ё, Тангри, айт, мендан нима ўтган, айт!? Сағир қилдинг, кўндим! Куттирдинг, чидадим! Отам сиғмаган дунёга, онам сиғмаган дунёга, болам сиғса бўлмасмиди, айтсанг-чи, айт!? Сенингам тилинг бор, айт!? Бировнинг молини олдимми ё жонини олдимми, уйини буздимми, айт қани, айт!? Ё берганингни мен нотавон билмадимми, айт!? Берганинг сағирликми ё бир гулни қўлимда сўлдирганингмиди!? Ўзи сен тўғри билан эгрини фарқлай оласанми, айт!? Ҳаромни урчитсанг, ҳалолни тўссанг, сенинг адолатинг шуми!? Менга яна нимани атаб турибсан, айт, айтсанг-чи!? Эсимни танибманки эзасан, эзғилайсан, тўймайсан, айт, ўзи қачон қўясан!?» Қулмат таъна қилиб, зорланиб толди, ҳовиридан тушди. Энди у ҳорғин овозда гўдранарди: «Эй, Тангрим мендан ўтгандир. Мендан бўлмаса ажодимдан ўтгандир. Майли, нима берган бўлсанг барига, қайғунгайм, қувончингайм шукур! Аммо мен сенинг луқмаси ҳаром, ҳирсига қул бандаларингдан нафратланаман. Нафратлансам нима қилай, ўзинг айт!?» Қулмат яна томоғига зўр бериб бақира кетди: «Нафратланаман, нафратланаман! Нафратланаман! ...». Ўз ёқасидан олиб, ер муштлаб ётганини, яктагини йиртиб ташлаганини англаб, индамай осмонга тикилиб қолди.

Юлдузлар ўша-ўша. Сомон йўли бурунгидек. Эшак ҳанграшию хўрознинг қичқаришида ҳам ҳеч бир нуқсон йўқ. У тонг отарни кутмай елкасига тўнини ташлаб Қизғалдоқни тарк этди. Қишлоқдан чиқаётганида узун вагонларини су-

драган, белига Кимкўрган — Фармистон ёзувли поезд шитоб билан келиб «тақа-тақ» қилиб Қизғалдоққа бир тўхтаб ўтиб кетди. Унинг хаёлида йигитлик даври, худди шундай бир тун жонланди. Ўшанда худди шу поезддан бир болани эргаштирган кўккўз хотин тушиб қолган ва Тиркашовнинг уйини сўраганди. Ҳа, у бола ҳозир Фармистондай катта шаҳардаги кимсан ...вич, аҳли Қизғалдоқ у билан фахрланади. Бирови тўғри йўлдан озса, уни йўқлаб боради. Бирови мақсадга етаман, деб эгри йўл излаб боради. У шундай катта одам бўлган. Қизғалдоққа юриб келиб Қизғалдоқдан чиққан ва қизғалдоқликман деганига соя бераётган ...вич!

Қулмат кўп йўл юрмай подачилиги эсига тушиб таёғини излади. Ташман туянинг олдига бораман деб, бир қадам олса иккинчисини Тиркашов муаллимдан қочиб қўяди, учинчисини ўз ўтмишидан қутуламан дея ташлайди. У шу кетганча Жинжақлига, ундан Чаман гузарга, ундан Найзабулоққа ва Найзабулоқнинг суви тўкилиб турган дарёни ёқалаб яна кўп юриб Полвонариқнинг бошига келиб қолган.

Полвонариқ бўлса, хув, анави қишлоққа саҳарда бир тўйга етказган. У ўша тонгдан бери тўй-маъракаларда самовар ёқиб чой қайнатади. Тўйдан қайтишида болалар «самоварчи чол», деб ортидан эргашиб чопади. Бири тош отади. Бошқаси тош отганга дўқ қилади. Яна бири қўшиқ айтишини сўрайди. Унинг бисотида бор-йўғи такрор-такрор айтадиган битта қўшиғи болаларни анграйтириб қўяди.

*Эчким туғди, сути йўқ.  
Қумарасини\* қути йўқ.*

Овози эшитилмай, ўзиям кичрайиб-кичрайиб, бора-бора бир нуқтага айланиб, ёлғиз оёқ йўлга сингиб кетади.

Қаерда ётади, ким билан истиқомат қилади, буниси қоронғу. Қаерликсиз, деб сўраганларга чол шундай деган: «Ер куррасининг қоқ киндигидан кун чиқарга терс тараптаги Лўлитоппасдан». Тўйдан олган кўниғини қўлтиғига қисиб, гоҳ тошлар орасида қолиб, гоҳ қўшиқ айтиб яна-яна ўз йўлига сингаверади. Кечалари узоқ-узоқлардан бир сибизғанинг товуши келса ҳамма «бу ўша — самоварчи чол», дейишади. Унинг ҳар замонда сакраб, қўлини баланд-баланд чўзиб рақсга тушиш одати борлигиниям, қишлоқ этагидаги қўл балчиғига ағанаб, шалварини байроқ қилиб чопиб юришиниям кўрганлар бор. Уни биров Қулмат деса, бошқа биров Қулмуҳаммад дейди. У ҳақидаги гап-сўзлар жуда урчиганидан қай бири рост, қайси ёлғонлигини ҳам билмайсиз.

*Жодраб — яйраб*

*Марсиниш — мақтаниш*

*Бувагин — Мулланинг хотинига шундай нисбат берилади.*

*Момо туғун — Ёши улғу момолар тўйларда кураш ёки кўпқарига соврин учун махсус туғун тайёрлайди. Унинг ичига жойнамоз, белбоғ, маҳси ёки ширинлик солиб яхши ният билан туғиб қўйилади.*

*Қумараси — боласи*





Раҳматулла ТЕМИРОВ

## Дунё чархпалаги, шошма бир нафас!

### ОҚ ЙЎЛ

Раҳматулла Бухоро вилояти Шофиркон тумани Ал-Бухорий номли 19-сон ўрта мактабнинг тўққизинчи синфида ўқийди. Адабиётни севади, шеърлар машқ қилади. Машқларидан самимий ҳис-туйғулар уфуриб туради. Бу – шеърини истеъдод учқуни. Учқунни чинакам оловга, гулханга айлантириш учун билим ва маҳорат зарур...

Раҳматулла ўқиб, ўрганиб, келажакда чуқур билимли, юсак савияли шахс ва устоз шоирларнинг маҳорат сирларини ўзлаштириб, етук ижодкор бўлиб етишади деб умид қиламан.

Самимий дуо ва тилаклар ила:

**Жамол КАМОЛ,**  
Ўзбекистон халқ шоири

### ЮРТИМ

Эрта тонг тураман, юртим шамоли,  
Аста кезиб юрар адир, тоғларни.  
Тонг чоғи гўзалдир юртим жамоли,  
Тонгги гўзал шабада кезар боғларни.

Дарахтлар япроғи аста тебранар,  
Қалбимда жўшади сокин дилбарлик.  
Заррин қуёш нурида тоғлар товланар,  
Ҳар жонзот кўзида ажиб хурсандлик.

Чечаклар қилгандек ҳурмат-ла таъзим,  
Гулларга, оламга аста жон кирар.  
Тоғларнинг гувиллаб дейиши базм,  
Шу онда қуёш ҳам жилмайиб турар.



Шивир-шивир этар саррин япроқлар,  
Эрта тонг шамоли яна елади,  
Шивирлай бошлайди ҳатто дудоқлар,  
Шу онда қалбимга илҳом келади.

### АЁЛ

Мен сизга айтаман аёл ҳақида,  
Кўнглимда борини этаман баён.  
Аёлнинг оташдек гўзал қалбида,  
Унинг туйғулари аёндир-аён.

Аёл бу ким деган савол тугилгай,  
Аёл бу шудрингми майса лабида,  
Аёлнинг кўркидан жаннат яралгай,  
Муҳаббатга ташина ошиқ қалбида.

Аёл бу онамиз, опа-синглимиз,  
Зулматли кунларни чарогон этган.  
Аёл бу дуоғуй, мушфиқ бувимиз,  
Дуолари ила тўғри йўл тутган.

Аёл бу ким эрур ёки устозми,  
Алифбо ҳарфларин ўргатган илк бор.  
Ёҳуд илҳом дурин сочган юракка,  
Шеърят номига битган у ашъор?

Аёл бир мўъжиза, лек, билолмадим,  
Дилга ўт солувчи мисли фаришта.  
Шунинг учун аёл бор, уй ҳам,  
Саранжому доим саришта.

### БОШҚАЧА ОДАМ

Севмоқ-севилмоқни истайди одам,  
Зилол сувга ташина бўлмоқ сингари.  
Муҳаббат куйини чалади ҳар дам,  
Гўё шу куй каби ўтар кунлари.

Завқини сўйлайди еру осмонга,  
Юракда борини этади баён.  
Гўё у бахтлидир бу кенг жаҳонда,  
Энг оташ сўзлари сочилар ҳар ён.

Ғамгин кунларида ўксимай яна,  
Чарогон кунларга у интилади.  
Гўё муҳаббат сеҳри бўлиб бошпана,  
Илҳомбахш онларни қутаверади.

Шу билан бошқача эрур бу одам,  
Кўнглида борини этади баён.  
Муҳаббат учқуни яна жўшганда,  
Унинг меҳри нурдек сочилар ҳар ён.

### КУЗ

Ватаним бағрида куз фасли кезар,  
Она алласидек бетакрор фасл.  
Гўзал куз дилларни ҳисларга безар,  
Кел, дўстим, кел, бунда гўзаллик асл.

Гўзаллик чин эрур, ясама эмас,  
Бундай гўзалликни чизган табиат.  
Дунё чархпалаги, шошма бир нафас,  
Қалбимга муҳрлай, учмасин ҳеч вақт.

Дарахт новдасида турган нафис барг,  
Сени мен нимага қиёслай, айтгин.  
Сен инсон умрининг қиёсисан-ку,  
Шарт этиб узилиб кетмогинг тайин.

О, кузнинг қуёши, нечун бағринг қон,  
Сенда ҳам бир сирли жумбоқ яширин.  
Сен қалбим тимсоли, ҳа, бунга ишон,  
Уримиз ўтмоқда оқар сувдайин.

О, кузнинг шамоли, қийнама мени,  
Мен сенга айтаман бир сўзни ҳамон.  
Майли, олиб кетгин туйғуларимни,  
Шундай гўзалликни қилгунча хазон.





Саъдулла ҚУРОНОВ,  
ЎзМУ талабаси

# ШОИР МУСАВВИР БЎЛГАНДА...

Биз борлиқни кўрамиз, санъаткор эса кўрганини кўрсатади. Санъат бадий акс эттириш экан, акс эттириш (ижод) жараёнида «кўриш»нинг ўрни беқиёс. Инсоният тарихида рангтасвирнинг вужудга келиши ва ривожланиши одамларнинг кўриш асосида оладиган ҳис-туйғулари ва маънавий озукаси салмоғини оширади. Ифоданинг кўриш асосидаги салмоғи кучайган экан, бу ўз-ўзидан бошқа санъат турларига таъсир этмай қўймайди.

Мумтоз адабиётда асосан баён этиш, тавсифлашнинг устиворлик қилгани маълум. Кейинги давр ижодкорлари эса ифоданинг янада самарали, таъсирли ва ҳаққоний усуллари-дан фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Шу жумлдан, рангтасвир санъатига хос бўлган унсурларнинг шеърятга кўчиши, ундаги тасвирий ифоданинг худди рассом чизганидай бера олишлик имкониятини яратди. Албатта, бунда ранглар эмас, сўзлар воситасида чизилган сурат ижодкор маҳорати эвазига хаёлларда гавдаланади.

Абдулла Ориповнинг «Баҳор» шеъри айнан шундай хусусиятга эга бўлган асарлар сирасидандир. Бу шеърда тасвир нафақат шоир ҳис-туйғулари ифодаси, балки композициянинг асоси даражасига кўтарилган.

Шеър баҳор фасли келганидан хабар берувчи мисралар билан бошланади:

*Яна баҳор келди. Яна оламда  
Ажиб бир гўзаллик, ажиб бир баёт...*

Ушбу сатрларни ўқир экансиз, қалбингизга баҳорий жўшқинлик, баҳорий кайфият кириб келади. Аммо фақатгина шунинг ўзи сизга аслида баҳор уйғота олиши мумкин бўлган кўп туйғуларни бера олмайди. Шоир давом этади:

*Еллар ҳам уйғонди ишқалаб кафтин,  
Офтоб ҳам юксалди – тик келар куёш.  
Тоғлар ҳам юк ташлаб кўтарди кифтин,  
Безавол майса ҳам силкитади бош.  
Тарновлар бўғзида лола ҳам кўркам,  
Терак учларида изғир маевжудот.  
Ҳаттоки туйғусиз, чирик хазон ҳам  
Яшил пўпанакдан боғлабди қанот.*

*Ҳовлиқма жилғалар чопар беэга.  
Қушлар қий-чувиға тўлмиш дала, боғ.*

Бу илк тасвирий қисм бўлиб, уни иккига ажратган ҳолда таҳлил қилиш ҳам мумкин. Боиси, дастлабки тўрт мисрада тасвирдан кура тавсиф устиворлик қилади. Яъни, бу мисраларда манзаранинг детализация асосидаги тасвири мавжуд эмас. Ушбу мисралар воситасида сиз баҳорнинг умумий тароватини ҳис қиласиз. Кейинги мисраларда эса маълум манзара элементларини келтириш воситасида чизилаётган тасвир яққолроқ кўринади.

Мусаввир пейзаж жанрида ижод қиларкан, унинг мақсади табиат тасвирини томошабинга айнан кўрсатишгина бўлмайди. Зеро, кўришнинг ўзигина завқланиш, эстетик таъсирланиш дегани эмас. Агар шундай бўлганида рассомнинг ижод этиши, шоирларнинг тасвирга мусаввирига ёндошуви фойдасиз бўлар эди. Юқорида келтирилган шеърий пейзажга эътибор қилсангиз, А.Орипов объектни шунчаки тасвирламаганини кўрамиз. Шоир манзарани бир нуқтадан кузатаётган инсон ҳолатини ярата олган ва бу билан у ўқувчига ҳам реал ҳаётдагидай кузата олиш имкониятини беради. Чизилаётган табиат тасвири онгда нафақат сўз маъноси билан ишлайди, балки табиатни кузатаётган инсон психологиясидан келиб чиқиб, уларни жойлаштиради.

*Мен сизни эслайман, аммо шу дамда,  
Мангуға кўз юмган азиз инсонлар...*

Аваллига фасллар келинчагининг мадҳи билан бошланган шеър мавзуси хотира билан алмашади. Аммо матндан узиб олинса, номутаносиб келувчи икки мавзу, шеърда баҳорий тасвир уйғотаётган ҳис-туйғулар изчиллигига мос ҳолда жойлаштирилади. Умуман олганда, «Баҳор» шеърининг мавзулар таркиби турли: баҳор мадҳи, ўтганлар ёди, она хотираси, исён, итоат, ватан каби. Шундай бўлса-да, аввало, у лирик асар, фарқли мавзуларга тез-тез бурилишига қарамай, шеърхон уни тугилмай ўқийди. Ҳажман катта бўлса-да, бу шеърни ёддан билувчи кишиларнинг сони жуда кўп. Хўш, шеърнинг ютуғи ни-мада?



Ушбу лирик асардаги мавзулар мазмун мантиқи асосида боғлана олмас-да, тасвир асосида табиий занжир ҳосил қилади. Яъни, шеърдаги пейзаж манзаралари асар структура-сидаги мавзулар изчиллигини таъминлаб, композицияда ўзига хос қолип вазифасини бажаради. Мавзуларнинг уйғониш сабаби ҳам шеърий тасвир асосига сингдирилади.

Шеър бошланишидаги пейзаж қаҳрамонда ўзгача ҳис-туйғуларни уйғотади ва ана шу ҳис-туйғулар таъсиридаги шоир яна тасвирлашга, баҳорга қайтади. Энди у Чиғатой қабристонини манзараларини чиза бошлайди.

*Фақат билганидан қолмас тириклик,  
Мана, гулга чўммиш Чиғатой бўйи.  
Бу сокин элда ҳам ивирсир баҳор,  
Ўйчан хотиралар чироғин ёқиб,  
Қарайман, қабрлар ястанмиш қатор,  
Маъсум бинафшадан сирғалар тақиб.  
Кимнингдир кўксига энгашганча гул,  
Мармар сағанадан ўқиб турар байт.*

Бу тасвир элементларида тушкунлик ифодаси ёрқин кўриниб турибди. «Ахир, баҳор ҳамма ерда бир хил рўй бермайдими?» — деган савол туғилиши табиий. Йўқ, кўраётганингиз фотосурат эмас, у мусаввир чизгани каби маълум ҳис-туйғуга йўғрилган тасвир. Қаҳрамон тушкун ҳолатида табиатни бошқача кўра олмайди ҳам, шунинг учун ҳам у манзара қошида ўтганларни эсларкан, хаёлларида ўзга ҳислар, ўзга туйғулар уйғонади. Қабристон манзаралари эса шоир фикрларини бошқа ёққа — онаси, унинг қабри томон элтади:

*Бугун атрофингда баҳордир балки,  
Балки шабнам ичра фарқдир ҳазин тош.  
Майсалар тегрангда қатордир балки,  
Лекин сен ётарсан кўтаролмай бош...*

Шоир она қабрини кўраётгани йўқ. У қаҳрамондан анча олисда. Шу сабабдан ҳам қабр тасвирини фақат хаёлларидагина тиклашга қодир. Шу сабабдан ҳам қаҳрамон ўзидан олисдаги қабрни баҳор тасвири билан уйғунлаштирган ҳолда тасаввур этади. Бу эса унинг юрагидаги туғёнларни янада кучайтириб юборади. Чунки у хаёлан она қабри теграсидаги уйғонишни, гўзалликни кўрган эди. Аммо марҳума булардан бебаҳра, у баҳорни кўролмади... Қаҳрамондаги тушкунлик кайфияти янада ошади. Натижада ич-ичидан исён ёпирилиб кела бошлайди:

*Бунчалар қаттолсан, о, сирли олам,  
Бунчалар бедилсан, бепоён хилқат.*

Шоир қалбида исён уйғотган туғёнларнинг асл сабаби келтириляётган хаёлий тасвирга бориб тақалади. У инсоннинг коинот олдидаги қадри, умр ҳақидаги саволларига жавоб излай кетади. Исёнкор фикрлар... Ўқувчининг хаёллари эса шоир мисраларига эргашган, қаёққа бошласа, шу ёққа кетаверади. Фикрлар кетидан фикрлар... Шоир тақдирга тан беради, итоат эта бошлайди:

*Ҳаёт талвасаси тинмагай, аммо  
Мангу боқий қолур Инсон ва Хаёл...*

Кейинги сатрларда эса ижодкор кайфияти кўтарила бошлагани сезилади. Итоаткор қаҳрамон кечинмалари куйидаги тасвирда ўз ифодасини топади:

*Бу кун шеъри чиққан шоирдай дунё  
Жилмайиб кўяди барчага масрур.  
Темурланг гумбазин кўйини гўё,  
Ёритгани каби бир лаҳзалик нур.  
Дилбар келинчакнинг кўксига гулу,  
Зардоли шохига ташлар кўз қирин.  
Барг аро шуғлалар, кафтлармикан у,  
Баҳор тетапоя гўдакдай ширин.*

Баҳор — уйғониш фасли, табиат қайта тирилади унда. Ўлим келтирган айрилиқнинг азобларига чидай олмаган шоир кўнгли энди таскин топаётгандай гўё: «Дилбар келинчакнинг кўксига гулу, зардоли шохига ташлар кўз қирин». Аввалги тасвирларда инсон ўлими билан боғлиқ ҳақиқатларни кузатган бўлсак, эндигисида туғилиш, янги авлодга ишора берилмоқда. Бу эса қаҳрамонни итоатга бошлайди. Лирик қаҳрамон яна шеър аввалидаги каби баҳорий кайфиятда, аммо унинг руҳи анчагина сокин ва масрур:

*Юксак арғувоннинг учида ҳиллол  
Пахмоқ булутларни этади нимта.  
Қандайдир шоира куйлайди беҳол:  
— Кўнглим ҳам бу кеча ойдай яримта...  
Увада камзулда биллур тугмадай  
Булутлар ортидан боқади юлдуз.  
Қайдадир юртини эслаб инерар най,  
Қайдадир кўзигул ёради илдиз.  
Қайдадир гулшандан ахтариб висол  
Ел кезар — тоғларнинг гўзал арвоҳи.  
Шоирнинг дилрабо байтлари мисол  
Оҳ тортиб тизилар турналар гоҳи.*

Бу тасвир шеър аввалида келтирилган пейзажга тасвирлаш техникаси билан яқин турса-да, аммо улар ўртасида тафовут катта. Биринчи тасвирда конкрет жой белгиларини кўрсатиш орқали маълум манзара яралган бўлса, кейинги тасвирий қисмда умумий баҳор тунининг баъзи элементлари асосидаги яхлитлашганини кузатишимиз мумкин. Яъни, аввалги қисмда манзара қаҳрамоннинг кўз ҳаракатлари асосида яратилиб, объект тавсифлаб ифодалашга эмас, чизиб кўрсатишга ҳаракат қилинган. Кейингисиде ҳам шуни кузатиш мумкин, лекин сиз манзарани кўришда фақат кўзларингиздан эмас, балки қулоқларингиздан, ҳиссиётларингиздан фойдаланишингизга тўғри келади.

*Баҳоринг муборак бўлсин ушбу дам,  
Менинг Ўзбекистон — дилбар Ватаним.*

Ушбу мисралар билан шеър якунланади. Баҳорий манзаралар билан бошланган шеър сўнгида ҳам табиат гўзалликларини кўрамай. Бу билан қаҳрамоннинг кечинма ва ўйлари тасвирдан тасвиргача бўлган ораликда берилиб, унинг таъсирида юзага келганлиги ойдинлашади. Бу худди манзара олдида турган таъсирчан инсоннинг бир лаҳзада содир бўлувчи ва ҳар ёққа тортиб кетувчи хаёллари эди.

Манзарани рассомлардай чизиб кўрсатиш, ўқувчига худди реал ҳаётда кўргандагидай туйғуларни беради. Ушбу шеърнинг ютуғи ҳам, бор гўзаллиги ҳам А.Ориповнинг ўз ижодига мусаввирона ёндошганлигида эди. Ҳажман катта бўлса-да, бу шеър ихлосмандларининг кўп эканлигига сабаб асарнинг расомчилик анъаналари билан уйғунлашуви, инсонга кўрсатиб ҳис эттира олишидадир.







**Шахло АХРОРОВА**

## Кўлоғида бахт шуйганим ~ Онажсон юрти, Ўзбекистон!

### **ВАТАН ШУЛМАСМИ АСЛИ?**

Онамнинг райҳон ҳидли  
Тонларидай наҳор йўқ,  
Томларида қизгалдоқ  
Сеп ёйгандай баҳор йўқ,  
Тупроқ йўлда болакай  
Қалбидай безубор йўқ,  
У минган тол отидай  
Учқур йўқ, бойчибор йўқ!  
Ватан шулмасми асли?

Ўшал гўдак изи бор  
Тупроқ ерлари азиз,  
Майли, чўлми, майли тош,  
Дала-қирлари азиз,  
Отамнинг ҳар эгатга  
Томган терлари азиз,  
Гоҳ бахти, гоҳ жим ютган  
Дарду-сирлари азиз!  
Ватан шулмасми асли?

Кўзга суриб тупроқни  
Чигит қадаган чоғи,  
Кўрганмисиз, деҳқоннинг  
Кўлидаги қадоғин?  
Онам тебратган бешик  
Қуббасида мунчоғи,  
Энди болам тебратсам  
Меҳрнинг йўқ адоғи,  
Ватан шулмасми асли?

Тупроқ бўйин ҳидлаш-чун  
Сувлар сепаяпман мен.  
Осмонимга ишониб  
Райҳон экаяпман мен,  
Ўғлим куёв бўлсин, деб  
Белбоғ тикаяпман мен.  
Онам, болам юзида  
Сени ўпаяпман мен!  
Ватан шулмасми, асли!

### **ОНА ЭЛИМ**

Она элим, онажсон элим,  
Жоним ичра ёнар жон элим.  
Томиримдан томар қон элим,  
Сени жондай суйиб яшайман.

Кўзларингда ёнган нур бўлиб,  
Пешонангдан томган тер бўлиб.  
Кўшиқ бўлиб, тоза шеър бўлиб,  
Мадҳинг билан бойиб яшайман.

Меҳнаткашим, қалбим ардоғи,  
Кўзга сурай қўлинг қадоғин.  
Ерга чигит қадалган чоғи,  
Замин бўлиб ийиб яшайман.

Кўкка бўйлаб хирмон-зарингни,  
Деҳқон отам, ўтиб барингни.  
Уфққа туташ далаларингни,  
Жаннатларга йўйиб яшайман.

Алпомишдан, дерлар зотингни,  
Юлдузларга битиб отингни.  
Осмондайин муҳаббатингни,  
Кўзларимга қўйиб яшайман.

Эгатларга тикилган жони,  
Насибасин бут қил деҳқонни.  
Бахтимсан, деб Ўзбекистонни,  
Юрагимга қўйиб яшайман!

### **ЎҒЛОНЛАР АСРАЙДИ АСЛИ ВАТАННИ**

Буюк бир меҳрни дилга этиб жо,  
Шу пойи заминга тиксак-да жонни.  
Қиз қўлига қилич берилмас, илло,  
Ўғлонлар асрайди асли Ватанни!

Юрагида ўт бор, кўзларида чўғ,  
Қалби ифтихорга, гурурга тўлиғ.  
Ўғлим бор деганда асли армон йўқ,  
Ўт жонлар асрайди асли Ватанни.

Онам деб, синглим деб, ота-онам, деб,  
Сигинган гўшам деб, қиблахомам деб.  
Ҳар гарди олтиндан, гул остонам, деб,  
Иймонлар асрайди асли Ватанни.

Ўғил ёқар экан уй чирогини,  
Раббим кўрсатмасин гам-фирогини.

*Йигит ечар бўлса гар белбогини,  
Армонлар асрайди энди Ватанни!*

*Агар севар бўлса, юрак титрайди,  
Қадамида қирқта малак титрайди.  
Қаҳр этса еру фалак титрайди,  
Мард жонлар асрайди асли Ватанни.*

*Номардлар олдиди бошин эзмаган,  
Кураги бир бора ерга тегмаган.  
Алпомиш келбатли, худди сиз каби,  
Полвонлар асрайди асли Ватанни!*

### ЎТИНЧ

*Сизни кўрган кунни яшаради тонг,  
Кўёш юрагимдан сакрар фалакка.  
Нурни кўзим билан талашар жаҳон,  
Бундай сурур танҳо, бундай бахт якка,  
Ўтинчим, шу тонгни илининг менга!*

*Сизни кўрган оннинг ошиги олчи,  
Титроқ тушиб кетар тўртта тарафга,  
Бу лаҳза дунёга ёзар қулочин,  
Бундай ҳузур танҳо, бундай гашит якка,  
Ўтинчим, шу онни илининг менга...*

*Пойингизда нигоҳ гуллар, келсангиз,  
Жонни тўкиб берар минг бир бўлакка.  
Сиз босган минг жонга, агар билсангиз,  
Бундай шукӯҳ танҳо, бундай шаҳд якка,  
Ўтинчим шу жонни илининг менга...*

*Хаёлингиз кучар сармаст вужудни,  
Кўкрак тор келади чўғдай юракка,  
Кўзларимга сурай сиз берган ўтни,  
Бундай меҳр танҳо, бундай ишқ якка,  
Ўтинчим, шу ишқни илининг менга...*

### БУ МИЛЛАТНИ БУКИБ БЎЛМАС

*Тупрогини ўпиб ўсган қалқон эл бу,  
Улуғ йўлда кетаётган қарвон эл бу,  
Жўмард эл бу, вазмин эл бу, полвон эл бу,  
Бошда дўпти, белбогини ечмайди у.  
Жондан кечар, лек Ватандан кечмайди у!*

*Ким дунёсин тор билар, ким кенг билади,  
Ким камига мутеликни енг билади?*

*Қай шер ўзин тулкиларга тенг билади?  
Шер маконнинг шағнига доғ тўкиб бўлмас,  
Шер юракли бу миллатни букиб бўлмас!*

*Оқиллиги бобосидан мерос қолган,  
Хурмат қолган, иймон қолган, ихлос қолган,  
Пирларининг қўлин олган, дуо олган,  
Аждодларга тои отиб ё тегиб бўлмас,  
Муқаддас тупроқни поймол этиб бўлмас.*

*Не олгирлар келиб кетди, ўзи билар,  
Тузлигига тупурганни тузи билар,  
Унга эркини ўргатмангиз, ўзи билар!  
Гул бағрига тиканакни экиб бўлмас,  
Гулиан бўлса эл, миллатни енгиб бўлмас!*

*Кимдир четдан бу юртга тўн бичмоқ бўлар,  
Қизларидан ор кўйлагин ечмоқ бўлар,  
Шарбат тутган қўлдан ким қон ичмоқ бўлар,  
Андишани кўрқоқликка менгиб бўлмас,  
Ор-номусли бу миллатни енгиб бўлмас!*

*Ўтаверсин фаранг, инглиз, олмони ҳам,  
Ўзи билан яхшиси ҳам, ёмони ҳам,  
Олтин бўлса гар дунёнинг тўрт ёни ҳам,  
Ўз Ватанинг бир гардига тегиб бўлмас,  
Эркини севган эл, миллатни енгиб бўлмас!*

### ЎЗБЕКИСТОН

*Пешонамдан ўпиб-ўпиб уйғотади наҳорлари,  
Пойларимга майсалардан сеп солади баҳорлари.  
Бозларингда ҳар чечакнинг кўксиди бахт уфорлари,  
Шоҳи-ю, атлас кийганим, мен бағрига бош кўйганим,  
Қучоғида бахт туйганим — Онажон юрт, Ўзбекистон!*

*Опам, дея сирлашаман қизгалдоқли қирлар билан,  
Камалакдан белбоғ тикдим бошингдаги нурлар билан.  
Белинг боғлаб беллашурсан заминда не зўрлар билан,  
Чопонингнинг этагини кўзга сурай, Ўзбекистон!  
Мен Худодан толейинг-у, тахтинг сўрай, Ўзбекистон!*

*Тошдан ҳам гул ундирган эл, қадоқ қўлли деҳқонимсан,  
Сен – боламсан, сен – онамсан, сен – заминим, осмонимсан.  
Сен кўксимда урган юрак, эътиқодим, иймонимсан,  
Кўз тегмасин, онам менинг, оҳ десам парвонам менинг,  
Дунёда ягона менинг, онажон юрт— Ўзбекистон!*





Шерзод КОМИЛ ХАЛИЛ

# ТУМАН АЖИНАСИ

## Ҳикоя

I

Ҳисор тоғлари адоғида ёққан олачалпоқ қорнинг заҳри водийга ҳам урган. Изғирин совуқ. Дов-дарахтлар яп-яланғоч, ўт-ўланлар сарғайиб битган. Кунлар сокин ва бир текис. Эрталаблари тушган қуюқ туман қуёшнинг нурсиз ёғдулари остида тушга бориб аранг ёйилади. Туман қоришган соҳиллар бўйлаб чўзилган тегирмонга элтгучи йўл: ўша-ўша – мум чўккан муҳитдек, жимжитлик ва осудалик қўйнида фарқ бўлганча – то бу ерлардан битта-яримта йўловчи ўтиб қолмагунча изсиз ётаверади. Тегирмон бу ердан хийла олис, Оқсувдарё айри тушган ўрмон этагида жойлашган. Одатда бу йўлдан тегирмончининг набираси – Ўсар қатнайди. У ҳар куни: эрталаб, тушга яқин ва кун ботар олди, қўлида дастурхоннамо тугун тутганча, тегирмончи бобосига егулик олиб келар, шу ўртада бир пас ивирсиб юрар, сўнг қишлоққа қайтиб кетарди. Ўтган-қайтган боланинг Тўлқин чолнинг набираси эканлигини билса, ҳазилкашнамолар эрмаклар, бошқалар эса худди бечорага қарагандек, хиёл ачиниbroқ қараб қўярди. Улар кўпинча кўрсаткич бармоқларини чаккаларига тираб айлантирганча, бечора бобонг, ҳаликидароқ, жинни бўлиб қолибди-я дегандек, ажабланишар, мас-харалашар, ҳатто, тавба қилишиб, одатий анъаналарига кўра, қулоқларини орқасини тупуклари билан ҳўллаб қўйишарди. Боланинг бундан ғаши келар, бобосини калака қилаётган одамлардан нафрати қўзир, лекин азбаройи катта кишиларни ҳурмат қилиш лозимлиги учун, уларга

бирор аччиқроқ сўз айтишга-да ботинолмас, бундай қилишдан ҳатто пича чўчирди ҳам, у бобосининг телба эмаслигини ҳам, ҳеч қачон бундай кўйга тушмаганлигини ҳам билар, фақатгина одамлар уни, қачонлардир, ҳақиқатан ҳам ажина тутиб олганлигига ишонишмагани Ўсарнинг ҳафсаласини пир қиларди. У туман қуршаган сўқмоқ бўйлаб шу ҳақда ўйлаб келаркан, бобоси тегирмонхонадаги сандиқдан олиб кўрсатган, отнинг ёлига ўхшаб кетадиган узун – бир қулоч, қирқиб олинган ажинанинг сочи ёдига тушди. Ўшанда, тегирмонга ун торттиргани келган қишлоқдагилар бу ғалати, пахмоқ, дағал сочни кўриб, роса ажабсиниш, бир қизиқиш ва ички қурқув билан қарашганди бир-бирларига. Ўшандан бери, эҳ-ҳе, қанча вақт ўтди. Ўсарнинг тегирмонхонадаги эски сандиқда ётадиган ажина сочни эсласа, ҳали ҳам эти жунжикиб кетади. Ўзининг қўрқувини ўйласа, бобосининг жасоратига ҳар гал ич-ичида таҳсин айтарди. Айтишларича, Ўсарнинг бобоси, тегирмончи Тўлқин чол бир куни саҳарлаб ташқарига чиқса, тегирмон тоши айланишдан тўхтаб қолган. Новдан сув келиши тўхтадимикан деса, сепоя новидан сув ғарқираб оқиб турган. Бобоси югуриб тегирмонхонага кирса, тўсатдан тегирмон ишлаб кетган. Ташқарига чиққан ҳамоноқ, зум ўтмай тош айланишдан тўхтаб қолган. Бу ғаройиботдан бобоси жудаям ҳадик ва ҳайратсираб, секин ичкарига қараса, тегирмон олдида сочлари узун, пахмайган ажинага кўзи тушган. Бобоси бирдан бориб, ажинанинг сочидан маҳкам ушлаган.

Ажина бобосидан қўйиб юборишни сўраб ялина бошлаган, лекин бобоси эски одат бўйича, унинг сочини буғдой қопининг ипларини кесадиған қайчиси билан шартта кесиб олған. Чунки, ажина, сочини кесиб олған одамнинг истагини ҳамма вақт бажо келтираркан. Бобосининг айтишича, агар кимдир ажина кўрса, унинг сочидан қирқиб олмаса, ажина унинг ўзини чалиб кетаркан. Кейин ўша одам бир умр жинни бўлиб қоларкан. Мана, шунча йил ўтибдики, бобоси ўша ажинанинги сочини тегирмонхонадаги сандиқда авайлаб-асрайди.

Ўсар шу ҳақда ўйлаб келаркан, тегирмонхонага яқинлашиб қолганини ҳам сезмай қолди. Унинг назарини тортган нарса, нафақат, тегирмоннинг сувни шопириб айлантираётган ўзига хос овози эди, балки, тегирмонхонадан чиқиб, сўқмоқ бўйлаб унга қарши келаётган нотаниш киши ҳам эди. Эғнида унниққан чопон, бошида қулоқчин теплак кийган бу одам, Ўсарга кўзи тушаркан, юзига ғайритабиий кулги югурди:

– Бобонга тушлик олиб келаяпсанми? – деди ҳалиги киши қандайдир истехзоли овоз билан.

Ўсар унинг бироз майишган қаддига ҳамда ташқи кийинишига хос бўлмаган айёрона юз тузилишига боқаркан ёқинқирамайгина:

– Ҳа, – дея бош ирғаб қўя қолди.

– Бобоннинг ҳолидан тез-тез хабар олиб тур, ажинаси чалиб кетмасин тагин, – қўпол ҳазил қилди ҳалиги киши.

Ўсар оғриниб бир нималар демоқчи бўлди, лекин индамади.

– Нимага қовоғингни соласан, бобоннинг ажинаси сочини олиб кетганидан хабаринг йўқми? – баттар боланинги жигига тега бошлади у киши.

– Бобоннинг томи кетиб қолган, – чаккасига кўрсаткич бармоғини теккизиб ғалати ҳуштак чалиб қўйди у.

Ўсар жаҳли чиққанидан, қизариб, талмовсираб, ҳалиги кишига бир нималар демоқчи бўлди-ю, лекин тили калимага келмай, югурганча унинг олдидан ўтиб, тегирмонхона томонга чопиб кетди. Ҳалиги киши, орқасига бир қараб қўйди-да, ғудранганча, сўқмоқ бўйлаб келган йўлига кета бошлади.

Тегирмонхонада Ўсарнинг бобоси ун тортарди. Чол болани эшиқдан кириб келганини кўриб, саломига алик олди:

– Дастурхонни уйчага киритиб қўй, – деб унинг қўлидаги тугунчага ишора қилди. – Ўтириб турсанг, ҳозир мен ҳам кираман.

Ўсар бобоси айтган уйчага, яъни, тегирмонхонанинги бобоси яшайдиган хонасига кирди. Бу ерда уни ҳайрон қолдирган нарса, ҳамма нарсанинги ён-атрофда сочилиб ётгани бўлди. Ажинанинги сочи турадиган сандиқ уйчага киритилгани, деворга осилган милтиқнинг ерда ётиши, ҳар эҳтимолга қарши тайёрлаб қўйилган ўқ-дорилар ва бошқа хонадаги лаш-лушлар Ўсарнинг ҳайратини баттар оширди. Бундай тартибсизликни у бобосининг уйчасида биринчи кўриши эди. Чол болани милтиқ ва ўқ-дорилар сочилиб ётган уйчага киритиб юборгани эсига тушди шекилли, зум ўтмай уйчага кириб келди. Бола бобосига кўзи тушган заҳоти сўради:

– Бобо, нимага ҳамма нарсангиз тўзиб ётибди?..

– Эй, нимасини айтасан, болам, – Тўлқин чолнинг юраги увишди. – Тегирмонхонадаги сандиқдан ажинанинги сочи йўқолибди. Излайман, излайман, тополмаяпман. Энди нима бўлади, билмайман.

У бутун ўнг қўли билан дастурхонни очаркан, боланинги хавотирини аритмоқ учун:

– Ҳа, майли, бирон гап бўлар, – деб қўйди. – Ана, милтиқни ўқласам, соч ўғрисини жаҳаннамга кунпаякун қиламан.

Бола каловланиб, бобосига тикилиб турди. Чол идишдаги димламани тоқчадан коса олиб, сузиб оларкан, болага бир қараб қўйди. Ўсарнинг юзида қандайдир англамаслик ва тушунмовчилик ҳукм сурарди. Чол буни дарҳол пайқади. Бола:

– Ажинани сочи қандай қилиб йўқолди? – деб сўради. – Кеча бу ҳақда ҳеч нарса демагандингиз-ку?

– Кеча кечқурун Зиёдилла даққи келганда ҳам бор эди. Ҳозир йўлда кўрдингми уни?..

Бола бобосига тушлик олиб келаётганда тегирмондан чиқиб, унга қўпол ҳазил қилган ҳалиги амакини эслади-да:

– Ҳа, кўрдим, – деди.

– Ўша кеча ун сўраб келган экан. Мен унга, сенга унни қаердан топиб бераман, дедим. Бу ер дўкон эмас, бор ишингни қил, деб ҳайдаб юборгандим.

Ўзи ҳеч жойда ишламайди-да, қарзга ун сўраб келишга тагин уялмайди ҳам. Ун чиқараётганимда, шу Зиёдилла даққи сандиқни очиб кўргандай бўлувди. Сочини олиб кўрдими-йўқми, яхши эътибор қилмовдим.

– Соч йўқолганини қачон сездингиз?.. – деб сўради бола.

– Ун тортиб бўлганимдан кейин, қарасам сандиқ очик қолган экан, ичида ҳеч нарса йўқ. Зиёдилла даққи олиб кетдимикан, деб уни эрталаб буғдой олиб келган бир боладан чақиртириб юборгандим. Келди, у сочини кўргач, сандиқни очик қолдириб кетган экан. У ажинангизнинг сочини бошимга ураманми деб ҳатто қасам ҳам ичди.

Тўлқин чол дастурхондаги овқатини еяр экан, набира-сининг нима дейишига қараб турарди. Аксига олиб Ўсар ҳеч нарса демасди. У бобосининг бетоқатланиб бораётган юзига, бирорта қораси қолмаган соқолларига боқаркан, унинг жудаям қариб бораётганлигига амин бўлди. Бола:

– Бобо, энди нима бўлади? – деди.

Тўлқин чол овқат тановул қилган куйи:

– Бу сочини ким олганлигига боғлиқ, – деди. – Агар Зиёдилла даққи олиб кетган бўлса, бу яхши, акс ҳолда, менинги бепарволим туфайли сочини ажина олиб кетган бўлиб чиқади.

– Бобо, сиз ажинанинги келганини кўрмагансиз-ку? – саволга тутди чолни бола.

– Кўрмаганлигим рост, лекин ажиналар гоҳи кўринмасдан ҳам келиб очик қолдирилган нарсани олиб кетиши мумкин.

– Бобо, ажинага сочининг нима кераги бор? – Ўсар ундан сўрашни қўймасди.

Чол овқат ҳўплаб, нон ушатаркан:

– Агар у ўз сочини қўлга киритса, озодликка чиқади. Бундан менга зарар етиши мумкин, – деди.

Ўсар бобосининг оғзидан титраброқ чиққан бу сўзларни эшитаркан, ҳализамон йўлда кўрган Зиёдилла даққининг, бобонгнинг ҳолидан тез-тез хабар олиб тур, ажинаси чалиб кетмасин тагин, деган гапини эслади. Хаёлига тўсатдан бундай ўй келганидан боланинг ҳатто эти жунжикиб кетди. У бобоси айтиб берган ўша ажинани жудаям яхши тасаввур қиларди.

– Милтиқни шунинг учун ўқлаяпсизми?.. – боланинг бошига тўсатдан шу фикр келди.

– Ҳа, шунинг учун, – тан олди чол.

– Ажинани ўзим отиб ташлайман, – деди бола милтиқни қўлига олганча руҳланиб.

Чол набирасининг дадиллигини кўриб, бироз кўнгли жойига тушгандек бўлди.

– Ўзим ҳам отиб ташлардим, агарда ўша ажина менга ҳамла қилса. Лекин Зиёдилла даққи боя келганда айтдики, ажина руҳий мавжудот экан. Урушда душманни отасиз, ажинага ўқ таъсир қилмайди, – деди у. – У тўғри гапирди, ҳақиқатан ҳам шундай. Ажиналарни ҳеч отишганини эшитмаганман. Уларга ўқ таъсир қилмаслиги чин. Шунинг учун, ана, милтиқдан ўқларни чиқариб ташладим.

Ўсар ерда сочилиб ётган ўқ-дориларга ғайритабиий бир алфозда қизиқсиниб қаради. У ўқларни милтиққа бир пайтлар бобоси ўргатганидек қилиб ўқламоқчи ҳам бўлди. Лекин бобоси рўйхуш бермаслиги билиб бундай қилмади.

– Ўқларни йиғиштириб қўяйми?.. – деб сўради у.

Бобоси овқатланиб дастурхонга омин ўқиркан:

– Майли, йиғиштиргин-да, токчага қўя қол. Мени ҳали чиқарадиган буғдойларим бор, – деди-ю ўрнидан турди.

Бола ўқ-дориларни йиғиштириб токчага тахлаб қўяркан, Тўлқин чол уни бир пас кузатиб тургач:

– Энди олиб уйга борақол, ҳали кечки овқатни ҳам олиб келишинг керак, – деди.

Бола бобосининг ортидан ташқарига чиқди. Эрталабки туман деярли тарқаб бўлганди. Қуёш изғиринли ҳавода булутлар остидан хира нур сочади. Чол болани кузатаркан:

– Агар кечда ётадиган бўлиб келсанг, уйга айтиб қўй, хавотир олиб юришмасин тагин, – деди.

Бола бош ирғаб қўйди. Бу гап унга мойдек ёққанди. Негаки, бобоси унга кўпинча тегирмонхонада ётишга рухсат бермасди. Лекин ҳозир бобосининг ўзидан бундай таклиф чиқиши Ўсар учун ёқимли эди. У чол билан хайрлашиб, қишлоққа элтадиган сўқмоқ бўйлаб, қандайдир қўшиқни хиргойи қилганча кетди...

Чол бир пасга унинг ортидан қараб турди-да, сўнг тегирмонхонага буғдой чиқаргани кириб кетди.

## II

Ўсар тегирмонхонага бобосига кечки овқат учун дастурхонда нон ва бетончада ширгуруч олиб келганда, атрофда шом қоронғуси деярли тушиб бўлганди. Чол боланинг кечикиб, қоронғуда юргани учун койиган бўлди. Ўсар:

– Болалар билан гурун қилиб, қолиб кетибман. Ойим уйдан анча вақтли чиқариб юборганди, – деди.

Чол болани уйчага киритар экан, шиша чироқни ёқиб қўйди. Ташқарида шамол эсар, дарё шовулларди. Атрофга ёйилаётган шом тумани бир пасда бутун водийни тутди. Бу ерга электр токи келтирилмаган эди. Негаки, бу ерда тегирмонхонани айтмаса, электр олиб келишнинг кимга ҳам зарурати бор. Туман қуршаган соҳиллар ортидан ҳам, Ўсарлар яшайдиган қишлоқ тарафдан ҳам электр чироқларининг милт-милт ёниши, дарё бўйидаги тегирмонхонада ўтирган боланинг қалбида ажиб бир сурур уйғотарди. У бобосининг мана шундай алфозда қанча йиллардан буён умргузаронлик қилишини, тегирмонхонадаги уйчага ҳар гал келганда, жасоратга йўйиб ўтирар, бобосини қандайдир афсонавий қаҳрамон сифатида тасаввур қиларди. Лекин ҳозир у бобосининг ажинанинг келиши ҳақидаги хавотирларини тингларкан, бобоси ўзи ўйлаганчалик кўп ҳам жасур эмас, деб ўйлай бошлади. Ўсар буни бобосининг қариганлигига йўйиб қўйди. Чол Зиёдилла даққининг гапини болага айтарди:

– Ажина, Зиёдилла даққининг айтишича, одатда, тунда зиён етказаркан. Кўп жин чалган кишиларни сув бўйида тунда ажина чалиб кетган. Ўзим ҳам бу ҳақда кўп эшитганман.

– Ажина келса, нима қиламиз? – болани титроқ босди.

– Сен кўп ҳам кўрқма, у келса ҳам, менга зиён етказарди, – болани тинчлантиришга уринди чол. – Ҳар эҳтимолга қарши милтиқни ўқлаб қўяман. Менга зиён етказиш ниятида бўлса, руҳий мавжудот-павжудотлигига қараб ўтирмайман. Шартта отаман-қўяман.

Бола чироқ ёруғида бобоси ҳақиқатан ҳам милтиқни ўқлаб, токчага қўйиб қўяётганлигига эътибор қаратди. Бундан унинг кўнгли анча хотиржам тортиди.

Чол ширгуручни дастурхонга қўяркан, бола бобосининг кўзи анча ўткирлигидан завқланиб қўйди. Ўртоқларининг боболари аллақачон кўзойнак тақиб, ҳасссага суяниб қолган, унинг бобоси эса, уларнинг олдида анча тетик ва бардам кўринади. Болалар унинг бобосини бир қўли йўқлигини айтишади. Ўсар эса, ўзингни бобонг ҳассасиз юролмайди-ку, бобонгни кўзи кўзойнаксиз кўрмайди-ку, дерди. Ҳозир бобоси билан жимгина тамадди қилиб ўтираркан, у ўша болаларнинг гапларини эслар, ўзи ҳам уларнинг боболарини камситгани учун ич-ичидан хижолат чекиб ўтирарди.

Чолни бот-бот овқатдан ол дейиши унинг хаёлини бўларди. У хўп дерди-ю, яна хаёлга бериларди.

Дастурхонга фотиҳа ўқишаркан, бобоси ундаги ҳолатни сезди шекилли:

– Нимага бунча хаёл сурасан? – деб қолди.

Бола:

– Ўзим, – деди.

Чол чироқни олиб ташқарига чиқиб келди-да:

– Ҳамма ёқ тинч, дам олсак ҳам бўлар, – деди.

Уйчанинг бир қисмида тахмонда йиғиб қўйилган кўрпачи олиб, чол ўзига ва Ўсарга жой тўшаб бераркан:

– Сандалга чўғ солиб қўйганман, иссиққина ётасан, – деди. – Эҳтиёт бўл, чўғга яна оёғингни босиб олмагин.

– Ёш боламидим, бобо, – Ўсарнинг ғурури кўзғалиб кетди.

Ҳар доимгидек тегирмонхонада қолган тунлари чол болага эртақ айтиб берди. У эртақда оқ дев, сариқ дев ва қора девни енган паҳлавон Рустам ҳамда унинг оти Рахш ҳақида сўз кетарди. Ўсар бобоси айтиб берган эртақни эшитиб ётаркан, ўзини ўша паҳлавон Рустам деб тасаввур қиларди. Эртақ тугагандан кейин ҳам бола анча вақт ўша паҳлавон тўғрисида ўйлаб ётди. Уни хаёли қаёқларга олиб кетмади дейсиз... Бир маҳал кўзи кетган эканми ёки ухлаб қолиб нимадандир чўчиб уйғондимми, ташқаридан қандайдир ёруғлик кўзини қамаштиргандек бўлди. Гўё кимдир деразадан ичкарига фонар тутиб ўчириб ёққандек эди. Ўсар бу хаёлида бўлдимми ё ўнгидами, ҳар ҳолда яхши англаёлмади. Тегирмон тарафдан жудаям секин шитирлаган овоз эшитилгандай бўлди. Ўсар бобосини уйғотмоқчи бўлиб, секин у томонга қаради. Боланинг бахтига Тўлқин чол ҳали ухламаган эди. Чол кўлида милтиқни тутганча дағ-дағ титраб турарди. Ўсар бобоси томонга энгашаркан, унинг қоронғуда чақнаб турган кўзларига ғайришуурий бир идрок-ла боқаркан, буни аниқ сездим. Чол бола уйғонганлигини билиб унга секин, паст овозда:

– Жим ёт, – деди.

Ўсар нима бўлаётганлигини англолмай ҳайрон эди.

– Бобо, нима бўлаяпти ўзи?

– Ажина келганга ўхшайди, – деди.

У негадир титрарди. Бола эса ҳангу манг. Энг қизиғи, унинг дилида ҳозир ажинанинг сочини кўрганда уйғонадиган ғайритабиий кўрқувнинг ўзи йўқ эди. Бу унинг ярим уйқу ҳолатда бўлганиданми ё бобосининг кўлида ўқланган милтиқ турганиданми, бир нарса дейиш қийин. Ҳар ҳолда унинг юраги ҳозир, худди саргузашт ишқибозлариники каби гурс-гурс уриб турарди холос. Тегирмонхонанинг нариги хонасида шитирлаётган, кимнингдир жудаям оҳиста қадам олиши болага аниқ эшитилиб турарди.

– Бобо, эшитаяпсизми?... – шивирлади бола. – У чиндан ҳам ажинами?..

– Жим, жим, – дерди бобоси.

Чол милтиқни эшикка қаратиб ўқлаб турарди. Агар эшик очилса, тамом, у аниқ отади. Бола, ҳозир шу нарса рўй берадигандек, эшик тарафга ички бир ҳаяжон ва ҳайрат билан қараб турарди.

Шитирлаган овоз боланинг хаёлида тегирмонхонадан ташқарига йўналгандек бўлди. У секин дераза томонга ўрмалаб борди. Ўсар адашмаган эди. Тегирмонхонадан оқ ридога ўранган, орқасига нимадир ортмоқлаб олган кимса сўқмоқ бўйлаб тез-тез юриб кета бошлади. Ўсар:

– Бобо, ана ажина, у кетаяпти, – деди.

Тўлқин чол милтиғини тушириб, йиллар тўзонида хиралашган ўткир кўзларини сўқмоқ бўйлаб кетаётган кишига тикаркан:

– Ҳа, у кетаяпти, – деди. – Лекин у негадир, менинг ажинамга ўхшамаяпти.

Чол болага ёстиғи тагидан гугуртни олиб бераркан:

– Ўсаржон болам, чироқни ёқ, – деди.

Бола чол айтганидек қилди. Тўлқин чол:

– Ё, Худойим-ей, Ўзингга шукр, Ўзингга шукр, – дерди.

Бола ҳамон деразадан тикилиб турар, ажина эса, туман босган сўқмоқ бўйлаб ғойиб бўлганди. Ўсарни

айниқса, унинг одамга ўхшаб оёқда юриб кетаётганлиги ҳайрон қолдирди. Бобоси айтишича, ажина шундай мавжудотки, у хоҳлаган тусга кира олади. Хоҳласа, кўкка учиб кетади, хоҳласа, одамларнинг кўз ўнгида мумга айланиб ғойиб бўлади. Лекин ҳозир Ўсар кўрган ажина, у ҳар куни қатнайидиган сўқмоғидан кетиб бораётгандек эди. Чол чироқни олиб, ташқарига чиқди. У нариги хонани кўздан кечирмоқчи бўлди. Ўсар негадир, кўлига милтиқни олганча унинг ортидан чиқди. Чол чироқ билан пайпаслаб юрганча тегирмон жойлашган хонага кирди. У ерда мискин бир жимлик ва уфунат ҳукм сурарди. Тўлқин чол тегирмонхонани кўздан кечираркан, бирдан ҳайқириб юборди:

– Ун йўқ, қопда чиқариб қўйилган ун йўқ, – деди у. – Ажина наҳотки унни олиб кетган бўлса?!

– У орқасига нимадир кўтариб олгандек эди, – Ўсар ажинанинг тегирмондан чиқиб тез-тез юриб кетаётгандаги ҳолатини бобосига айтиб берди.

– Яхши кўролмадим, лекин ростданам, шундай эди, – хулоса қилди чол.

– Наҳотки у мени шундай жазоласа?!

Боланинг хаёлига тўсатдан бошқа нарса урилди. У милтиқни маҳкам сиқиб ушлаганча, қоронғу сўқмоқ бўйлаб югуриб кетди. Боланинг бундай қарорга келишини кутмаган чол унинг ортидан чопди:

– Ўсаржон, тўхта, тўхта... – дер эди у нуқул.

Бола эса тайғаниб-суриниб чопиб борарди.

Чол чироқни тегирмонхонада қолдирганиданми, болани орқасидан югураман деб йиқилиб тушди. У туриб яна югурди, болани чақирди, қандайдир кўлмакка яна йиқилиб тушди. Тўлқин чол ўрнидан тураркан, йўлини йўқотиб, қаёққа югуришини ҳам, қаёққа юришини ҳам билмай қолди. У овозини борича бир неча бор Ўсарни чақирди. Лекин ҳеч ким жавоб қилмади. Ўсар бобосининг орқасидан чақирганини, унинг ортидан келаётганини ҳам биларди. Шунинг учун кўлида бобоси ўқлаб қўйган милтиқни тутганча, сўқмоқ бўйлаб югуриб борар, бобосининг орқада йиқилиб, кўлмак лойига беланиб, йўлни йўқотиб қолиб кетганини ҳозир умуман хаёлига келтирмасди. Унинг фикри-зикри, ҳозир тезроқ ажинага етиб олишда эди. Далада туман шунчалик қуюқ тушган эдики, Ўсар деярли йўлини йўқотаёзгандек олдинда ниманидир кўришга умид қилиб, ҳаллослаб борарди. У югураётиб қоронғуда бир неча бор йиқилиб тушди. Бир гал ҳатто кўлидан милтиқ чиқиб кетди. У милтиқни пайпаслаб ердан оларкан, бу ажинанинг мақри бўлса керак, деб ўйлади. Уни қоронғуда ажина йиқитаётгандек эди. Йўқса, у кундузлари бу сўқмоқлардан неча бор чопади, йиқилмасди-ку, ҳа, уни ажина йиқитаётган бўлса керак. Ўсар узоқдан бобосини яна бир неча бор чақирганини эшитди. У бобоси орқасидан келмаётганлигини, у жудаям орқада қолиб кетганлигини билди. Билди-ю, кўрқувдан юраги шув этиб кетди. Яхшиям, кўлида милтиқ бор эди. Бу одамга йўлдош бўлади, дерди бобоси милтиқ ҳақида. Бобоси бу милтиқни тунлари доим бошига қўйиб ётарди. Ўсар йиқилиб тушмаслик учун энди югурмасдан, лекин тез-тез қадам ташлаб, сўқмоқ бўйлаб бораркан, тунда бу ерлар унга жудаям даҳшатли бўлиб кўринарди. Ту-

ман қалинлигидан ҳеч нарсани кўриб бўлмас, Оксудварё қоронғуда ваҳшатли шовуллар, киши юрагига ғулу соларди. Бола олдинга қараб боравераркан, тўсатдан унинг омади чопди. Ундан юз қадамча олдинда кимдир фонарни бир ёқиб, ўчирди. Ўсар бир муддат тўхтаб қолди. У фонар бир ёниб-ўчганда, оқ ридо кийган ажинани орқасидан аниқ кўрди. У елкасида қандайдир қопни кўтариб олганди. Бу бобосининг тегирмонхонасидан ўғирланган ун эканлигига Ўсарнинг заррача шубҳаси қолмади. У тегирмонхонадан югуриб чиққанда айнан шундай деб ўйлаганди. Ҳа, унинг сезгилари алдамаган экан. Ажина тегирмонхонадаги бир қоп унни олиб кетаётган эди. Ўсар унинг орқасидан югуриб ета олиши мумкин бўлса-да, уни қандайдир бир ички кўрқув олдинга юришдан қайтарар, юриши борган сари секинлаб борарди. Ўсар ўзини ажина кўриб қолишидан кўрқаётган эди. Бола бобосининг ажина ҳақида айтиб берган гапларини эслади. Ажинани тобе қилиш учун, уни маҳкам бориб сочидан ушлаш керак-да, шартта сочидан қирқиб олиш керак. Шунда у бир умр сенга хизмат қилади. Бобосида унинг сочи бор эди-ю, лекин бобоси, бирон марта ҳам ажинанинг хизматидан фойдаланмаган. Йўқса, унинг бир дона сочини олиб, олов ёқиб тутатсанг, у сенинг хизматингга етиб келаркан. Ўсар билдирмасдан унинг ортидан бориб ажинанинг сочини қирқиб олмоқчи бўлди. Лекин тезда бу фикридан қайтди. Негаки, унда на қайчи бор, на бобосидек журъат бор эди. Олдинда тезлашиб кетаётган ажинанинг бўйи Ўсарникидан анча катталиги ҳам уни чўчитди. Билдирмасдан орқасидан бордим ҳам дейлик, барибир сочидан тутишга қўлим етмайди-ку, ўйлади у. Шундай бўлса ҳам, Ўсар ажинанинг изини йўқотмасдан, унинг ортидан билдирмасдан бораверди. Агар орқасига қарагудек бўлса, ё тўхтаб, у ёқ-бу ёққа алангласа, Ўсар ҳам бир ерда жимгина қотиб турарди. Ажина нимадандир чўчиётганлигини, Ўсар кўп ўтмай сезиб қолди. У орқасидаги юк билан чарчаганди. Лекин унинг нимага учиб кетмаётганлиги, бошқа мавжудотга айланиб, мумдек эриб ғойиб бўлмаётганлиги Ўсарни ҳайрон қолдираётганди. У бобоси айтганчалик, кўп ҳам қудратга эга бўлмаса керак, деб ўйлади Ўсар. Йўқса, ажина ҳам чарчайдимми?! Ажина юкни ерга қўйиб, орқасига аланглаб қараб турарди. Ўсар мени ажина кўрди, деб ўйлади. У

кўрқувдан вужуди титраб, отишга шайланиб, милтиқ учини ажинага қаратиб турарди. Агар у Ўсар тарафга қараб юрса борми, бола аниқ милтиқ тепкисини босарди. Лекин ажина туман ичида оқ туси билан кўриниб, Ўсар тарафга қараб турган бўлса-да, уни кўрмаётган эди. У фақат унинг ортидан кимдир келаётганидан хавотирланаётганди. У ўрнида бир-икки бор айланиб турди-да, яна қопни елкасига олганча олдинга юриб кетди. Ўсар унга билдирмасдан борган сари яқинлашиб-яқинлашиб борарди. Ажинанинг уни кўриб қолишига туннинг қоронғулиги ва туманнинг қалинлиги йўл бермасди. Вожаб, ажина йўлини қишлоқ тарафга қараб бурганди. У тез-тез юриб, муюлишдаги биринчи кўчага бурди. Ўсар милтигини маҳкам тутганча, ҳар лаҳзада отишга тайёр бўлиб, уни таъқиб қилиб келарди. Қишлоқда итлар ҳурар, кеча изғирини йўл бетидеги теракларнинг шип-шийдам танасини яларди. Ажина кўчадаги уйлардан бирига тезгина кириб кўздан йўқолди. Ўсар сўнгги жангга ҳозирлангандек, ўша дарвоза тарафга қараб югурди. У бутун нафрати, кучи, ажинага қараб айтмоқчи бўлган барча сўзларини зумда хаёлидан кечириб, ажина кириб кетган ўша дарвоза тарафга талпинди. Бу уй кимники, ажина бу ерга нимага кириб кетди, ҳозир бу нарсалар у учун қизиқ эмасди. Унинг бутун фикри-зикри ажинага сўнгги олишув олдидан айтиладиган сўзларида эди. Бу сўзларда бобосининг дунёдаги яхши одамлардан бири эканлигини, одамлар яхши яшаши учун урушга борганлигини, ҳатто жангда бир қўлидан айрилганлигини, ундан ажинанинг ўч олишга ҳеч қандай ҳаққи йўқлигини, керак бўлса бобоси учун ўз жонини ажинага бериши мумкинлигини унга айтади. Агар ажина кўнмайдиган бўлса, унда Ўсар ҳам қараб ўтирмайди, унга қарата тепкини босади. Ўсар шундай тезлик билан миясига келган фикр ичра дарвозани шарт очиб ичкарига кираркан, ажина елкасидаги қопни ерга қўйиб, устидаги оқ ридони олиб ташлаганча, у томонга қаради. Ўсар кўрқув ва ҳаяжондан эмас, балки унга жудаям таниш турқли кишини тўсатдан учратганидан ҳайратга тушгандек, ғалати ҳолга тушиб қолди. Йўлақдаги электр чироғи нурида унга бугун тегирмон йўлида кўрган, бобоси айтган, ўша – Зиёдилла даққи қараб турарди...





## БОҚИЙЛИККА ДАЪВОГАР ИЖОД

Истеъдодли қорақалпоқ ҳайкалтароши Дарябой Турениязов халқ руҳини ўз асарларида абадиятга муҳрлаган бетақрор санъат соҳибидир. Дарябой Турениязов 1928 йили Кегейли туманида туғилган. Профессional билим олмаган бўлса-да, Дарябойдаги иқтидор, миллий руҳни теран ҳис қилиш, Ж.Қуттимуродов изланишларидан қаттиқ таъсирланиш унинг ижоди равнақ топишини таъминлади. Дарябой Турениязов 2003 йили Нукус шаҳрида вафот этди.

Ҳайкалтарош қорақалпоқ халқи ҳаёти ва турмуши, ички дунёси ҳақида ёғочда бутун бир галерея яратди. «Кўза кўтарган қиз» (1968), «Овчи» (1972), «Партизан» (1973), «Қорақалпоқ аёли» (1974) ва бошқалар шулар жумласидандир. Турли образлар, уларнинг анъанавий кийиниши, руҳий ҳолати, кундалик турмуши, ҳаёт тарзи, фикр ва ўйлари ҳақидаги бу изланишларни бутун бир дoston деса бўлади. Ёғоч материални ишлаш, унга ишлов бериш, кийим гулларидаги нафис ва майин турланиш, жилоланишларни юзага чиқариши ҳайкалтарошнинг ушбу қаттиқ жинсни хоҳлаган кўринишда турлаш ва унга ишлов бериш маҳоратининг юксак даражага кўтарилганлигидан далолат беради. Хусусан, лирик руҳиятга тўла «Қорақалпоқ аёли» (1974), жўшқин, ички ҳиссиётлар бутун вужуди, шижоатида сезилиб турган «Қорақалпоқ» портретида романтик руҳ, жўшқин хатти-ҳаракатлар ва ички кучга тўла образ сиймосида бутун ботиний тебраниш ўз ифодасини топган.

Айниқса, бош кийимнинг жўшқин денгиз тўлқинлари ёки аланга каби товланишида ҳайкалтарошнинг таъсир кучининг салоҳияти сезилади. Фактуранинг ғадир-будир олинишида, кескин ички шижоатнинг тўлқинланган салобатида алоҳида бир руҳ сезилиб туради. Динамик хусусиятнинг кучайишида композициянинг асимметрик ечими, характери жўшқин, чексиз руҳий мавжланган, жўшқинлик билан ҳаракатланаётган шиддатли

ҳолатида портретга олинувчининг ички руҳияти, шижоатини характерлаб берган.



Ҳайкалтарошнинг тасвирий ифодавий воситалар кучидан фойдаланишдаги имконияти, талант қиррасининг ўзига хос кучли хусусиятларидан бири ушбу композицияда яққол намоён бўлади. Умуман, рассом ижодида кишиларнинг кескин психологик ҳолатларни ёрқин юзага чиқариш хусусияти кучли.

Ёғочдан нақшинкор, бўртма, жўшқин ҳиссиётни юзага чиқарувчи экспрессив таъсирчанлик, маънодор руҳиятни юзага чиқарувчи ҳолатлар, ранг-баранг руҳий ҳолатлар тизимини кўнгил тубидаги туйғуларни ифода этиши жиҳатидан ҳайкалтарош ўз ишининг устаси эканлигини кўрсатади.


Ёғоч табиат яратган мўъжизавий ашё. Унда ғоялар, фикрлар мажмуасини моҳирлик билан тасвирлай олиш, ифода эта билиш ҳам бир сеҳргарлик. Чексиз ижодий изланишлар, ҳар бир ёғочнинг табиат яратган мўъжизасидан ўз ички туйғуларини юзага чиқаришда, ифода этиш, қалб тўлқинларини нақшлаш борасидаги интилишлари, уйқусиз

тунлар, бедор кунларни ўтказганлиги, ижодкорнинг бадий жасорати асарлар сериясида ўз ифодасини топди. Айниқса «Эркак боши», «Кўза кўтарган қиз» руҳияти, ўйчан, маъноли боқишларида, юз тузилиши ракурсларида намоён бўлади. Ҳайкалтарош композиция масалаларини ҳал қилишда ҳам ёғоч материалнинг табиий хислатларидан санъаткорона фойдаланган.

Шунинг учун ҳам Дарябой Турениязовнинг асарлари табиатдек фусункор, табиатдек боқий бўлиб қолишига ишонамиз.

**Ғайрат МАМБЕТКАДИРОВ,**  
**Нукус Давлат педагогика институти**  
**ўқитувачиси**





Хулио КОРТАСАР

## МИХЛАБ ТАШЛАНГАН ЭШИК

### Ҳикоя

«Сервантес» отели унга кўпларга маъқул келмайдиган жиҳатлари – нимқоронғилиги, жимжитлиги ва хилватлиги билан ёқиб тушди. Кемада тасодифан йўлиққан бир йўловчи унга ушбу отелни мақтаган ҳамда мусофирхона марказда жойлашганлигини айтган эди; шундай қилиб, Петроне Монтевидеога келиб қолди, тўғри иккинчи қават холлига олиб чиқадиган ваннали номерни олди. У тахтага осиглиқ калитларга кўзи тушаркан, отелнинг деярли бўм-бўш эканлигини пайқади. Турувчилар чўнтакларига солиб жўнамасинлар учун ҳар битта калитга каттакон мис рақам илинган эди.

Лифт шундоқ журналлар ҳамда телефонлар рўйхати қўйилган пештахта ёнганасида, у қўнган хона эшигидан атиги бир неча қадам нарида тўхтарди. Сув жуда иссиқ келаркан, баъзан қайнаб кетаёзади, бу эса дим ва ғира-шира хонага бир оз бўлса-да, жон бағишлагандай бўлади. Жажжигина дарча шундоқ мусофирхонага туташ кинотеатр биноси томига олиб чиқади, ахён-ахён у ерда каптар сайр қилиб қолади. Ваннахона кишининг баҳридиллини очар, деразаси ҳам каттароқ эди, лекин шуниси ҳам борки, бу ерга киришинг билан кўзинг деворга тушади, ойнадан кўзга ташланган бир парча осмон ҳам бу манзарага нолойиқ кўринади. Мебель унга маъқул тушди – қутилар ва токчалар мўл, кийим илгичлар ҳам кўп – бунақаси камдан-кам учрайди.

Отель бошқарувчиси – дароз, ориқ, калбош – тилла гардишли кўзойнак таққан одам аксарият уругвайликлар каби унинг ҳам овози баланд эди, гапирганида жаранглаб кетарди. У иккинчи қават жуда тинч-осойишталиги, фақат қўшни хона бандлиги ҳамда номерда истикомат қилаётган аёл хизматдан кеч қайтишини айтди. Петроне келганининг эртаси куни қўшни аёл билан тўқнашиб қолди; уни каттакон тангани ушлагандай қўлида ўйнаган калит рақамидан таниб олди. Портъё<sup>1</sup> уларнинг икковидан калитларини олди, тахтага илди ва аёл билан хатлар ҳақида гаплашди. Петроне разм солиб,

<sup>1</sup> Меҳмонхона швейцари.

аёлнинг ёшгина ва кўримсиз эканлиги ва шу ерлик аёллар каби яхши кийинмаганлигини сезди.

Унинг тахминига кўра, қадама нақш етказиб берувчилар билан шартнома тузиш учун бир ҳафтача вақт кетарди. Кечга бориб у нарсаларини олиб, жойлади, қоғозларини тахлади, ваннага тушди ва бир айланиб келай, деб кўчага чиқди, сўнгра идора томонга йўл олди. Қаҳвахонадаги енгилгина майхўрлиги бир хонадондаги зиёфат билан ўтган музокаралар қоқ ярим тунга қадар давом этди. Уни отелга соат иккиларда олиб келиб ташлашди. У азбаройи чарчаганидан бирпасда донг қотиб ухлаб қолди. Соат тўққиз деганда ўрнидан турди, кўзларидан ҳали уйқу кетмаган дақиқаларда ярим кечаси уни қандайдир гўдак йиғиси безовта қилганига хаёли кетди.

Кетиши олдидан бирпас портъё билан гаплашди (портъё немисча талаффузда гапирарди), ундан автобус йўналишлари ҳамда кўчалар номларини сўраб олгач, номерига чиқадиган холлни лоқайд кўздан кечирди. Уники ва қўшни номер эшиги ўртасига қўйилган тагкурсида Венера Милосскаянинг ғарибона нусхаси турарди. Сал нарироқда, ҳаммаёқдагидай кресло ва журнал столлари қўйилган ён томондан меҳмонларга мўлжалланган мўъжазгина хонага ўтиларди. Одамларнинг гангир-гунгир овозлари тингач, сукунат гўё ҳовучлаб сочилган кул сингари мебеллар ва пол каттакларига тўкилиб, сингиб кетарди. Лифт сабрсизлик билан қалдир-қулдур қилар, худди шундай газета ҳам тажанг шитирлар ёки гугурт «чирқ» этиб чақиларди.

Йиғилиш кечга бориб тарқади. Петроне 18 июль кўчаси бўйлаб сайр этди, сўнгра Мустақиллик майдонидаги қаҳвахонада тамадди қилди. Ҳамма ишлари кўнгилдагидай кетмоқда, эҳтимол, у ўзи чамалаганидай, Аргентинага эртароқ қайтиши ҳам мумкин эди. У Аргентинада чиқадиган газета ва бир қути ингичка қора сигаралардан сотиб олдида, отелга жўнади. Отель ёнидаги кинотеатрда иккита таниш фильм кетаётган экан, аммо унинг кино кўриш тугул, бирон

ёққа боришга ҳам истаги бўлмади. Бошқарувчи у билан сўрашди-да, яна чойшаблар керак эмасми, деб сўради. Улар гаплашиб ўтирдилар, чекишдилар ва хайрлашдилар.

Петроне ётиш олдидан ёнида олиб келган қоғозларни тартибга солди, кейин эринчоқлик билан газета кўра бошлади. Меҳмонхона жимжитлиги кишини зиқ қилиб юборарди; аҳён-аҳён Сориано кўчасидан ўтган трамвайлар тарақа-туруғи бир лаҳзага ана шу жимликни бузарди-ю, яна атрофга тошдай оғир сукунат чўкарди. Петроне хотиржамгина, йўқ, тоқатсизлик билан газетани саватга улоқтирди ва лоқайд кўзгуга қараганча ечинди. Анча эскиб қолган кўзгули жавон кўшни номерга кириладиган эшикни тўсиб турарди. Петроне бу эшикка кўзи тушиб, нега уни олдинроқ пайқамаганига ҳайрон бўлди. У шунда ушбу бино отель учун мўлжалланмаганини англади: бунақа оддий меҳмонхоналар учун илгари идора ва хонадон бўлган бинолардан фойдаланилади. Ҳа, у қўнган жой борки (у сафарга кўп чиқарди), ҳаммаёқда шундай берк эшиклар учрарди, баъзан эшиклар ҳеч нарса билан яширилмаган, баъзан эса жавон, стол ёки кийим илгич билан тўсилган бўларди, бу худди кўкрагиними, қорниними қўллари билан яширган аёл ҳолатини эслатарди. Барибир яширсанг-яширмасанг, эшик жойида турар, жавон устидан қаққайиб кўриниб турарди. Қачонлардир шу эшикдан киришган, ёпишган, «тарс» этказиб очишган, унга ҳаёт бағишлаган, ҳозир ҳам унинг тавақалари деворга ўхшамай, ўзининг эшик эканлигини билдириб турарди. Петроне ана шу эшик ортидан – бошқа жавон қўйилганди, деб фараз қилди, балки кўшни аёл ҳам ана шу эшик ҳақида ўйлаётгандир, деб ўйлади.

У ҳориб-чарчамаган бўлса-да, донг қотиб ухлаб қолди ва шу ётишида уч соат ухлади, бироқ юрагида қандайдир ғулғула билан бирор нохуш воқеа юз бергандай уйғониб кетди. Туриб, чироқни ёқди, соатга қаради – икки ярим бўлибди, яна чироқни ўчирди. Шунда кўшни номерда чақалоқ йиғлади.

Аваллига ҳеч нимага тушунмади, ҳаттоки қувониб ҳам кетди – демак, кеча унга бола йиғиси тинчлик бермаган экан-да. Ҳаммаси равшан, янглишмабди, энди бемалол ухлай-верса бўлади. Лекин шу пайт хаёлига бошқа фикр келди; Петроне аста ўтириб олди-да, чироқни ёқмай, диққат билан қулоқ тутди. Ҳа, йиғи ўша ёқдан, эшик ортидан эшитилмоқда эди. Йиғи эшик тирқишларидан ўтиб, каравот оёқларига келиб урилмоқда эди. Бу нимаси бўлди? Уёқда қанақасига бола бўлсин, бошқарувчи айтди-ку ахир, ўша номерда биргина аёл бор – унинг ҳам куни ишхонада ўтади. Балки аёл бирор қариндошинингми ёки дугонасинингми боласини ўзи билан бирга олиб келгандир... Кеча-чи? Ҳозир у кеча ҳам айнан шундай, гўдак ноласидан бошқа ҳеч бир нарсага ўхшамайдиган йиғини эшитганлигини англади: гўё бирор жойи оғриётгандай, ингиллаган, узиб-узиб, хўрсиниб арзи дод қилган гўдак овози эди бу. Балки гўдак бир неча ойлик бўлгандир – одатда янги туғилган чақалоқлар биғиллаб йиғлаб, қотиб қолади. Петроне нима учундир гўдакни – албатта ўғил бола деб, ночоргина, нимжон, аранг қимирлайдиган, буришиб-тиришган чақалоқ деб тасаввур қилди. Мана, у кечалари зорланади, ўзи касал, бировнинг эътиборини тортмайгина аста ингиллайди. Агар ана шу эшик бўлмаганида эди, бола ҳақида ҳеч ким ҳеч нима билмасди – боланинг оху ноласига ҳеч қандай юрак дош беролмайди, буни таърифлаб ҳам бўлмайди.

Петроне нонушта қилиб, сигара чекаркан, яна болага хаёли кетди. Алоқ-чалоқ ўтган тунлар кундузи ишлашга халақит беради, яна-тагин йиғи уни кечаси икки марта уйғотиб юборди. Иккинчи марта аввалгисидан баттарроқ бўлди: аёлнинг – жуда паст, жўрттага қилгандай, аниқ-тиниқ овози – янада халақит берди. Гўдак овози бир дақиқага тинди, яна қисқа-

қисқа ингроқ расмана аччиқ арзи додга айланди. Яна аёл тушунарсиз сўзларни пичирлади, жисми-жони азобда бўлган, ҳаёт ё ўлим талвасасида ётган чақалоғини бари оналар каби обболаб, овутди, дуо қилди, жонини кўйгин, дея Худодан сўради.

«Ҳаммаси жойида, аммо-лекин бошқарувчи мени бошлаб лақиллатибди», деб ўйлади Петроне хонадан чиқаркан. Бу ёлғон уни азбаройи ғазаблантириб юборди, буни яшириб ҳам ўтирмади. Бироқ бошқарувчи ҳайратидан ёқа ушлади.

– Бола дейсизми? Янглишмаяпсизмикин. Меҳмонхонамизда эмизикли болалар йўқ. Ёнингиздаги номерда – ёлғиз хоним туради, мен буни сизга айтгандим-ку ахир.

Петроне дарров жавоб қайтармади. Бу икки нарсадан бири бўлиши мумкин: ё ҳафтафаҳм бошқарувчи найранг қияпти, ёки бу ернинг акустикаси қўпол ҳазил қилиб, у билан ўйнашяпти. Суҳбатдоши худди буларнинг бари унинг ҳам ғашига теккандай, зимдан кўз қирини ташлади. «Эҳтимол мени кўрқанидан бошқа номерга ўтказинглар, деб талаб қилишга журъат қилолмаяпти, деб хаёл қилаётгандир», – деб ўйлади Петроне. Қатъиян барини инкор қилиб туришса, гапингни маъқуллатишдан фойда йўқ. Петроне елкасини қисди ва газета сўради.

– Балки тушдир, – деди у. Буни гапиришга, умуман, тушунтириб беришга тўғри келгани унга ёқмади.

Кабареда киши ўлгудай хит бўлиб, зерикди, дастурхон атрофида ўтирган икки мезбон мулозамати жуда суст бўлди, шу сабабли Петроне чарчадим, дея баҳона қилди-ю, меҳмонхона томон равона бўлди. Шартномага эртаси куни имзо чекадиган бўлдилар: умуман олганда, у ишларини битирди.

Вестибюль шундай жимжит эдики, у ўзи ҳам билмаган ҳолда оёқлари учида юрди. Каравотда оқшомги газета ва уйдан жўнатилган мактуб ётарди. У хотинининг дастхатини таниди.

Петроне уйкуга ётишдан аввал жавонни ва ундан тепада туртиб чиқиб турган эшикни узоқ кўздан кечирди. Агар жавон устига иккита чамадон қўйилса, тамом, девор кўздан йўқолади, кейин овозлар ҳам унча эшитилмайди. Бу пайтда, аввалгидай, сукунат ҳукм суради. Отель уйкуга кетганди; нарса-буюмлар ҳам, одамлар ҳам уйкуда эди. Лекин кўнгли безовта Петроне учун бари нимагадир ишора қилгандай – бу ерда қандайдир нохушлик бордай, ҳамма ҳам ухламаётгандай, ана шу сукунат замиридан ниманидир кутаётгандай туюлиб кетди. Ичидаги таъриф қилиб бўлмас кўрқув уйга ҳам, одамларга ҳам кўчиб ўтаётганга ўхшарди, улар ҳам ўз номерларида биқиниб, ухламай ўтирибдилар. Қандай тентаклик-а!

Соат учда бола йиғисини бошлади, Петроне бунга унча ажабланмади. У қаддини бир оз кўтарди, балки қоровулни чақирсаммикин, деб ўйлади – бунақа шароитда ухлаб бўлмаслигига у гувоҳ бўла қолсин. Бола аста йиғлар, овози аранг эшитиларди, гоҳо бир оз жимиб қоларди, бироқ Петроне йиғи ҳозир яна авжига чиқшини биларди. Орадан ўн-ўн икки сония имиллаб ўтди, бир он нимадир хир-хир қилди, кейин заифгина чий-чий овоз бирдан қулоқни тешиб юборгудай биғиллади.

Петроне чекди ва аёл чақалоғини тебратиб овутсин, деб деворни аста чертсаммикин, деб хаёл ҳам қилди. Шунда бирдан аёлга ҳам, бошқарувчига ҳам ишонолмаслигини тушуниб етди – ажабланарли томони шунда эдики, у бошқарувчининг алдаганига ҳам ишонмасди. Боласини сабот билан овутиб, аста қойинган аёл овози гўдак йиғисини босиб кетарди. Аёл чақалоғини аллалаб, овутмоқда эди, шунда Петроне унинг каравотча тепасида қандай ўтиргани ёки беланчак тебратаётгани, ё боласини қандай бағрига олаётганини тасаввур қилди. Лекин у бошқарувчининг ишонтириб айтган сўзлари ҳис-туйғулар

гувоҳлигининг устун чиқишига олиб келганлигини сира ақлига сиғдирилмаётган эди. Вақт ўтмоқда, гўдак зорланиши гоҳ тиниб, гоҳ бу нола аёлнинг пичир-пичирини босиб кетмоқда эди. Петроненинг назарида, бу – майнавозчиликка, бир ўйинга, ёввойиларча бемаъни ўйинга ўхшаб кетди. Шунда у пана-панада кўғирчоқ ўйнайдиган бефарзанд аёллар, уларнинг жиянлари ёки жониворларни яхши кўриб, шулар билан овунишларидан кўра хатарли бўлган, оналикни ихтиёр этган, шунга интилган, хаёлий, ёлғондакам оналик ҳақида эшитган гаплари, мишмишларни хотирлади. Аёлнинг ўзи, ўзгинаси зорланяпти, нола қиляпти, инграяпти – бола эса йўқ. У йўқ болани аллалаб, беланчак тебратапти, у бўм-бўшлиқни аллаяпти, чинакамига кўзёш тўкяпти, ахир шундай аёл риёкорлик қила олармикин – унинг кўнглида қайғу, бўм-бўш хонада қайғу бўлса, бепарво оқариб келаётган тонгни қайғу билан қарши олса...

Петроне чироқни ёқди – ухлаёлмади – кейин ўйлади: нима қилса бўлади? Бутунлай руҳи тушиб кетди, ана шу ўйинга, сохталикка рўбарў келиб ҳам руҳи тушмасинми? Бу воқеа ана шу тонг отиши олдида рўй берди, бу воқеа ҳақиқат ва айни пайтда тоқат қилиб бўлмас даражада ёлғон эди. Бунинг тагига етиш учун деворни тақиллатиш камлик қиларди. У ҳали уйқудан уйғонганича йўқ, гарчанд яхши ухлолмаган бўлса-да, бирдан астагина чанг эшик қолиб, жавонни сураётганини пайқайди.

У оёқ яланг, пижамада – худди мингоёқ каби бутун бада-ни билан эшикка қапишиб олди ва чанг босиб ётган қарағай оғоч тавақаларга лабларини босди ва худди анави кўринмас чақалоқ каби чириллаб йиғлаб юборди. У янада қаттиқроқ хўнграб йиғлади, йиғлайвериб, нафаси оғзига тикилди, йиғлайвериб қотиб қолди. Бирдан бир лаҳза ичида шиппа-кларнинг шарақлаши ва бўрондан дарак берган, гўё таранг тор узилган каби аёл кишининг ҳайқариб юборган оний фарёди қулоғига чалинди.

Соат ўнлардан ошгач, портъе ёнидан ўтди. Бундан олдинроқ, соат тўққизларда у портъе ҳамда яна бир аёлнинг овозини эшитди, яна аллаким девор ортида нарсаларни сурди. Ҳозир лифт олдида сафар кутиси ва иккита катта чамадонга кўзи тушди. Бошқарувчи, аниқ доводи раб қолди.

– Уйқуга қондингизми? – деб сўради у шунчаки хизмат юзасидан, ўзининг эътиборсизлигини зўрға яшириб.

Петроне елкасини қисди. Суриштириб, билишининг ҳожати йўқ, барибир эртага кетади.

– Бугун тинч ухлайдиган бўлдингиз, – деди бошқарувчи нарсаларга имо қилиб, – кўшнингиз бир соатдан кейин жўнаб кетяпти.

Бошқарувчи жавоб кутди, шунда Петроне уни нигоҳи билан маъқуллади.

– Шу ерда туппа-тузук яшаб турувди, мана – кетяпти. Аёлларга тушуниб бўлмайди ўзи.

– Тўғри, – деди Петроне. – Уларни тушуниш қийин.

Гарчанд у соппа-соғ бўлса-да, кўчада чайқалиб кетди. У аччиқ қаҳва хўпларкан, ишларини унутиб, ёп-ёруғ кундузни ҳам сезмай, ҳамон ўша ҳақда ўйламоқда эди. Кўшни номердаги аёл унинг, Петроненинг дастидан кўркувдан талвасага тушиб, кетиб қолди. «Бу ерда туппа-тузук яшаб турувди...» Эҳтимол касалдир, аммо – беозор эди бечора. Аёл эмас, унинг ўзи кетиши керак эди аслида. Аёл билан гаплашиб кўриш, кечирим сўраш, қолишга кўндириш, бировга миқ этмасликка сўз бериш керак. У орқасига қайтди, тўхтади. Йўқ, бундай қилса, телбалик бўлади, аёл унинг сўзларини тўғри тушунмайди. Яна-тағин ишбилармонлар билан учрашувга борадиган вақти ҳам бўлди – уларни куттириб қўйиш ноқулай. Баттар бўлсин, билганини қилмайдими менга деса. Қип-қизил жинни. Бошқа отелни топади-да, йўқ чақалоғини аллалаб ўтираверади.

Тун яна уни азобга қўйди, жимжитликка-ку, тоқат қилиб бўлмади. У қайтишида беихтиёр калитлар тахтасига қаради, унда кўшни номер калити кўринмади. Тўсиғи ортида эснаб ўтирган портъе билан бирпас гаплашиб, номерига келди, ухлай олишига унча кўзи етмай, столга оқшомги газеталар ва янги детектив китобни қўйди, чамадонини жойлади, қоғозларини тартибга солди. Ҳаво иссиқ бўлди, у деразани ланг очди. Озода, саришта тўшак унга ноқулай туюлди. Ниҳоят атрофга сукут чўқди, у тарашадай қотиб ухлаши мумкин эди – лекин ухлолмади: тўшақда уёқдан-буёққа ағдарилди, осойишталик – ўша, ўзи шундай устомонлик билан эришган, шундай интиқом билан қайтариб берилган сукунат уни энди эзгандан эзмоқда эди! Аччиқ, истеҳзоли овоз қулоғига, гўдак йиғисисиз ухлай олмайсан ҳам, уйғонолмайсан ҳам, дея шивирлади. Йиғи етишмаётган эди, орадан бир оз вақт ўтди, у михлаб ташланган эшик ортида заиф, кадрдон овозни эшитди, шунда кўркув аралаш, қочиш истагига ҳамоҳанг – аёлнинг алдамаганлигини англади, чақалоғим ниҳоят йиғисини бас қилармикин, дея боласини аллалаб, овутиб, беланчагини тебратган аёл ҳақ бўлиб чиқди, улар – энди ухлаб қолдилар.

**Рус тилидан Маъсума АҲМЕДОВА таржимаси.**

### Таржимондан

*«Аргентинанинг биринчи рақамли адаби» — XX асрнинг 60 -70 йиллари жаҳоннинг нуфузли танқидчилари машҳур ёзувчи Хулио Кортасарга шундай таъриф берган эдилар. Бу баҳо ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ. Ёзувчининг «Имтиҳон», «Ютуқ» каби романлари, «Таъқибчи», «Мануэлнинг китоби» каби қиссалари, «Бошқа бир осмон», «Жанубий шоссе», «Автобус», «Иблис сўлаги», «Истило қилинган уй» каби ҳикоялари жаҳон адабиётига муносиб улуш бўлиб қўшилди. Хулио Кортасар (1914-1984) насрнинг барча жанрларида баракали ижод қилди. Айтиш мумкинки, моҳир ҳикоянавис Кортасар ҳикоя жанрида кашфиёт ясай олди.*

*Биз эътиборингизга ҳавола этаётган «Михлаб ташланган эшик» ҳикоясида уста ишбилармон Петроненинг кечинмалари орқали инсоний мулоқот эҳтиёжи ҳис қилинади. Кортасар тилга олган эшик ортида эшитилган йиғи, гўдак ҳам, уни аллаётган она овози ҳам – буларнинг бари бошқа бир инсон, Петроненинг тунги «мен»и, унинг шахсан ёлғизлигидир; ўзи ёп-ёруғ кундуз кунни тан олмаган, англаб етмаган беғараз, тоза инсоний мулоқотга, инсон тафтига кучли эҳтиёж сезишидир.*

*Хулио Кортасарнинг бошқа ҳикоялари каби «Михлаб ташланган эшик» ҳикояси ҳам бизнинг ҳикоя жанри ҳақидаги тасаввуримизни бойитади, олам ва одам ҳақида чуқурроқ ўйлашга, фикрлашга ундайди.*



Гулнора РАҲМОН



# СИПОҲҲИЙЛАР ХОНАДОНИ

Муаллиф чизган сурат.



**Қатнашувчилар:**

Саййид Султон Алибек	45 ёшларда
Бекнинг катта хотини Зарнигорбегим	40 ёшларда
Бекнинг кичик хотини Садафбегим	30 ёшларда
Бекнинг катта ўғли Баҳромбек	23 ёшларда
Бекнинг иккинчи ўғли Озодбахш	22 ёшларда
Учинчи ўғил Комронбек	21 ёшда
Тўртинчи ўғил Давлатёр	20 ёшда
Бекнинг Садафбегимдан туғилган кичик ўғли Ширинбек	13 ёшда
Малика Маъсума Султонбегим	17 ёшда
Энага	35 ёшларда
Ризо Али	40 ёшда
Шоҳбек Арғун	50 ёшда
Айғоқчи Қорахон ботир	45 ёшда
Айғоқчи аёл	45 ёшларда

Эпизодик роллар: Навкар йигитлар, Мулозимлар, Болалар

**Воқеа Шаҳрисабзда кечади**

**Трагедия**

1

Саййид Султон Алибек ҳовлиси. Ўн томонда икки эшик. Бирдан Зарнигорбегимга қарашли, иккинчисидан Садафбегимга қарашли хоналарга кирилади. Уйнинг бир қисми ва иккинчи қаватдаги деразалар кўриниб турибди. Чап томонда нақшинкор сўри, атрофи гулзор, дарахтлар.

САЙЙИД СУЛТОН АЛИБЕК. Яна юртда ярим очлик, юпунлик ҳукмрон. Султон Аҳмад Мирзо оламдан ўтди-ю, унинг даврида елкасига офтоб теккан халқ сояда қолди. Эмин-эркин нафас олиб, ер-сувига қараб, савдо сотиқни йўлга қўйиб, иморатлар кура бошлагон улус яна бир бадкирдорнинг ҳукми остида. Бу бетавфиқ Шоҳбек Арғун солиқларни оширишдан, ҳарамга каниз йиғишдан, бечора халқнинг эр етгон йигитларини черика мажбуран олишдан чарчамайдур. Аввал одамлар ҳарамга олиб кетишларидан кўрқиб қизларини бекитур эдилар. Энди мунга ёш болаларни бекитиш ҳам қўшилдики, бул Шоҳбек деган нокасинг ўзи ҳам, яқинлари ҳам беҳад чухрабозликка, чоғирга муккасидан кетганлар. Болалар кўчага ўйин ўйнағони чиқмай қўйдилар. Гўё юртга вабо келгандай, ҳамма ёқ жим-жит. Ҳатто итлар ҳурмай қўйди. Ҳаёт шу тахлитда давом этса, улуснинг ҳоли не кечур? Яна кучи етса-етмаса урушга кираверади, кираверади. Икки томонга тушиб, жангларида бир-бирига дуч келиб, чопишгон оға-инилар неча-неча. Баъзан бир-бирларини таниб, лол қолсалар, аларни бошқалар чопиб кетурлар. Бир рўзғордан бир нечаси шаҳид бўлиб кетганлар қанча. Бул нобакорни ҳазрати подишоҳ Бобур Мирзо бир ёқли қилурми, деб умид қилгон эдик. Ул зот юртга яроқ кўтариб боролмайман, дебдилар.

Ё Оллоҳ, бу умр айвонида ё овчисен, ё овдирсен. Фарзандларим, шукурким, ўзларини ҳимоя қила оладиган бўлиб ўсдилар. Яроғ илмини ўргатдим, инсофу диёнатни англамоқни ўргатдим. Халқпарварлигу ор-номус не эканлигина англа-

тиб ўстирдим. Илло, зўравонлик бор ерда адолат учун жанг қилмоққа тайёрдирлар. Эй Оллоҳ, асло ўғлонларим чопуш-маса, бир бечоранинг ўлиб-қуйиб ўстиргонини ўлдирмаса дейман. Шундай замонлар келса-ю, одамлар жангу жадал, уруш деган сўзларни эшитганда куладигон бўлсалар. Фақат омонлиғ бўлиб, вақтларини бинолар қуриб, солих фарзандлар тарбиялаб, фаровонликка интилиб яшасалар. Болалар уруш сўзининг мазмуни нелигини тушунмай, у не дегани деб оталаридан сўрасалар.

(Зарнигорбегим киради.)

ЗАРНИГОРБЕГИМ. (Ташвишланиб.) Ўғлонларимиз тинмай машқ этадилар, бунинг боиси недур? Кўнглим хавотирга тўлмоқда. (Яқин келиб бекнинг кўзларига боқади.)

БЕК. (Меҳр билан хотинининг елкасига қўлини қўйиб.) Бегойим, илло, сипоҳийлар авлодидурмиз. Жанговор машқлар фарзандлар оладургон илмлардан биридур. Шоҳбек Арғун мен сингари беклардан чўчийдир, бизнинг ўғлонларни черикликка сўрамоққа юраги дов бермайдир. Бир ишора қилсак, бизларга халқ эргашадир. Шунинг хавотирини билиб, бизга дахл қилмайдир. Зеро, биз ҳалоллик ва адолатга хизмат қилиб донг таратганмиз.

ЗАРНИГОРБЕГИМ. (Бироз хотиржам тортиб.) Илоҳо сўзларингизга фаришталар омин дегай. (Ташқарида қиличбозлик ўйини машқларининг сурони эшитилади) Тўрт ўғлон бир-бирлари билан қилич уруштирганича кириб келадилар. Зарнигорбегим чиқади. (Бек машқларни бошқара бошлайди)

БЕК. Ўнгинга қара, кўксингни ҳимоя қил, сўл-сўл! Сўлга қарашинг бўш! Ҳа, баракалла! Энди яхши!(Бек йигитларининг маҳоратини кузатар экан, қиёфасида мамнунлик сезилади.)

Сўнг бекнинг буйруғи билан ҳар бир ўғлон бир ўзи қолган учовига қарши жанг қилиб маҳоратини кўрсата бошлайди.



Бек ўғилларини “Бале, бале” деб руҳлантириб туради. Ширинбек кириб келади ва бекнинг ёнига боради. Сўнг отасига қўшилиб “Бале, бале” деган ҳитоблар қилади. Мулозимлардан бири тавозе билан кириб, четда қўл қовуштириб туради. Бек қўл ҳаракати билан сабр ишорасини қилади. Машқ давом этади. Мулозим машқ тугагач бекнинг ишораси билан яқин келади.)

БЕК. Сўйлангиз, не хабар?

МУЛОЗИМ. Эшик олдида бир дарвешнамо киши турадир, сизни кўрмак истайдир.

БЕК. Не юмуши бор экан? Емакми, киймакми тилаб турғон бўлса, бериб юборавермайсизларми?

МУЛОЗИМ. Сизни кўрмак, ва ҳоло, ўзингизга сўйламак истайдир.

БЕК. Айтинг, кирсун!

(Дарвешнамо кийинган киши киради.)

ДАРВЕШНАМО КИШИ. (Таъзим қилиб.) Ассалому алайкум Саййид Султон Али ого. Хонадонингизга қут-барак ва осойишталик тилаймен.

БЕК. (Бироз таажжуб билан.) Ва алайкум ассалом! Келингиз, ўлтирингиз. Овозингиз таниш туюладир, аммо ким эканлигингизни илғамай турибмен.

ДАРВЕШНАМО КИШИ. (Бироз сукутдан сўнг.) Бобуршоҳ қўшинида доим ўнг илқингизда чопишадуғон Ризо Али исмлиги йигит ёдингиздами?

БЕК. (Жонланиб.) Ие-ие, Ризо Али иним, эҳ-э ундан буён қанча сувлар оқиб ўтди. Ҳа-ҳа, сиз оғир яраланиб Андижонда, волидангиз қўлида қолғон эдингиз. Мен Бобуршоҳ ҳазратлари билан Хўжандда, Ҳиротда, Қандаҳорда ҳам бирга жанг қилдим. Ул зот ҳинд сори юзланғонларида яраланиб, бунда қолиб кетдим. Сўнг завжи-ҳалолимни, фарзандларимни олиб келиб, осойишта ҳаёт кечирдим.

(Қайтадан қучоқлашадилар.)

БЕК. (Мулозимга қараб.) Тезда азиз меҳмонга дастурхон ҳозирланг! (Мулозим қўлини кўксига қўйиб, таъзим қилганча чиқиб кетади. Сўрига чиқиб ўтирадилар.)

БЕК. Ризо Али иним, ҳозир не юмушлар билан бандсиз? Сизни бу томонларга қандай шамоллар учурди?

РИЗО АЛИ. (Бироз сукутдан сўнг, атрофга бир қараб олади, сўнг овозини пастлатаиб) Шаҳрингизда мевалар қиммат деб эшитдим...

(Бек зарурият туғилганда айтиладиган яширин маъноли жумлани эшитиб ҳушёр тортади.)

БЕК. (Алоҳида виқор билан.) Ҳа-ҳа, фақат беҳилар арзон.

РИЗО АЛИ. (Енгил нафас олиб.) Ташаккур, бек оға! Ўтроқлашиб кетиб, хизматга тайёр эмасмисиз, деган хавотир ҳам йўқ эмасди. Эсингизда бўлса, Султон Арғуннинг биродарзодаси Ҳабиба Султонбегимнинг қизи Маъсума Султонбегимни Бобур ҳазратлари Хуросонга борғонда кўриб, хушлаб, тилаб, Кобулда уйланғон эдилар. Бир қиз туғилғон эди. Бояқиш онаси қиз дунёга келарида Оллоҳнинг раҳматига борғон эрди. Бобур ҳазратлари қизга волидасининг исмини қўйиб кетган эрдилар. Шу қизалоқ Андижонда, Султон Муҳаммад Али хонадонидида бир қариндош қиз шаклида ёширин тарбия ола турғон эрдилар. Шоҳбек Арғун одамлари ҳид олмишдир. Маликани Ҳиндга, шоҳ оталари ҳузурига жўнатмак бўлди. Ҳозир шу томонга йўлдадилар. Фақат ёш малика бетобланиб қолдилар. Кенгаш қилиб, рози бўлсангиз, тузалғунларича паноҳингизга олиб келадирғон бўлиб турибмиз.

БЕК. (Салмоқлаб.) Бош устига, бош устига.

РИЗО АЛИ. Оға, ижозат берсангиз, аларни розилинғиздан хабардор этсам. Тун қаронғусида кириб келурмиз. Фақат оға, нафақат меҳмоннинг кимлиги, балки меҳмонлар

борлиги ҳам сир тутилса маъқул бўларди. (Фотиҳа қилиб, ўринларидан турадилар.)

## 2

(Бекнинг ҳашаматли ўймакор дарвозаси олдидаги майдонча. Нарироғларда ҳам бекниқичалик бўлмаган, мундайроқ дарвозалар. Дарвозалар ёнида арава ва шунга ўхшаш буюмлар. Дарвозалар ичкарасида дарахтлар. Уч-тўртта бола ҳар томондан зшитиб саҳнага икки аёл ва бек киради.)

БОЛА. (Ширинбекни ураётиб.) Мана сенга, мана сенга, чақимчи.

ШИРИНБЕК. (Йўғлайди.) Мен айтқоним йўқ, айтқоним йўқ.

(Зарнигорбегим болаларни ажрата бошлади. Бек киради.)

БОЛА. (Йўғламсираб бекка шикоят қилади.) Мен жуда яхши бекинғон эдим. Қосим мени жуда тез топиб олди. Ширинбек айтиб қўйғон. Ўғлингиз чақимчи бола. (Садафбегим келиб Ширинбекни қучоқлайди.)

ШИРИНБЕК. Ёлғон сўзлапти, айтғоним йўқ.

САДАФБЕГИМ. Ўзинг ношуд бўлсанг бошқалар айбдор бўладими? Кет бу ердан.

(Ширинбекни қўйиб, боланинг ёнига боради ва туртиб-туртиб саҳнадан чиқариб юборади. Сўнг ўзининг боласини олиб чиқиб кетади. Бек билан Зарнигорбегим қолади.)

ЗАРНИГОРБЕГИМ. (Бироз истиҳола билан, майин овозда.) Бегим, кичик ўғлимизнинг табиати бошқачароқ. Садафбегимнинг аждодлари сипоҳийлардан эмас. Сипоҳийлар рўзгорининг тартиб-қоидасини билмайдур. Уйдаги гап-сўзни ташқарида сўйлашни яхши кўрадир. Бола ҳам тантиқ бўлиб қолаётганга ўхшайди назаримда.

БЕК. (Зарнигорбегимга қараб.) Ширинбекни сипоҳий қилмаймиз. Кексайганимизда ёнимизда бўладир.

ЗАРНИГОРБЕГИМ. (Бироз сукутдан сўнг.) Бегим, сизни ранжитиб қўйишни асло истамаймен. Аммо, фарзандлар тарбиясига жиддий қарамоғимиз зарур. Гап сипоҳий бўлиш-бўлмасликда эмас. Кичик ўғлонимизни жилла қурса, тилига маҳкам қилиб тарбиялайлик.

БЕК. Ширинбек ҳали жуда ёш. Аста-секин оғаларига қараб тартиб-қоидани ўрганиб борадир. Сизнинг тарбиянғизни олмоғи ёмон бўлмасди. Бироқ онасини биласиз, салга аразлайдир. Келинг, ўз ўғлонларимиз ҳақида сўйлашайлик.

ЗАРНИГОРБЕГИМ. Фарзандларимиз уруш илмини билғонлари тузук, аммо Оллоҳ асрасин, асло чопушмоқликларини истамаймен. Менга қолса, тинч яшасак, келинлар олсак, набираларимиз кўп бўлса.

БЕК. Уйлантирурмиз. (Ҳазиллашиб.) Ҳар бирига иккидан келин олсак саккиз, учтадан олсак ўн икки келин тушурғаймизким, набираларнинг сон-саногии бўлмағай.

ЗАРНИГОРБЕГИМ. (Ранжиганнамо.) Оллоҳ-Оллоҳ, ўйламай сўйлайсиз, бегим. Бул аёлларнинг бир-бирига душманлиги-ю, бир-бирининг ошига оғу солишларнинг чегараси бўлмағай. Набиралар эса бир-бирига ёғий бўлиб ўсмаслиғига ким кафил бўлур?

БЕК. (Жилмайиб бегойимга яқин келади. Иккала қўлидан ушлади.) Бегойим, сиздек фаросатлиғ келинлар олсак, ундоғ бўлмас. Сиз кундошингиз билан аҳилсиз-ку.

ЗАРНИГОРБЕГИМ. (Бекка қараб.) Ёшлик чоғларимизда далалардан гуллар териб шодланғонларимиз, ким ўзарга отда пойга қилғонларимиз ёдингиздаму? Менга эр либосини кийгизиб, қилич чопушишни ўргатур эдингиз. Сўнг Баҳромбекнинг таваллудида қувонғонларимиз, иниларининг дунёга келғонларида

шодлангонларимиз ёдингиздаму? Бир-биримизга боқиб тўймас эдик. Бир-биримизга суяниб, бир-биримизни авайлаб яшаётгон эдик. Сизнинг сафардан Садафбегимни олиб қайтгон кунингиз ёдингиздами, йўқми, биламдим-у, менга осон бўлгон эмас.

БЕК. (*Ҳайрон қолиб.*) Сиз рашк қилгонмисиз? Ҳеч сезмагон эканман.

ЗАРНИГОРБЕГИМ. Рашкни сездирмак аёл кишининг қадри-қиммати ерга урадир. Кундошни шодлантирадур. Оқила аёл юрагини ит еб қўйса-да, рашкни кўрсатмайдир. Кошки, ҳар бир эркак фақат бир аёлга меҳр қўйса, қўша қариса.

(*Бек Зарнигорбегимни баррига босади, сочини силайди. Зарнигорбегим сўзини давом эттиради.*)

Қадимда бир донишманд кишининг куёви якка-ю ягона қизи устига хотин оладирган бўлибди. Донишманд қизига кўп насиҳатлар қилибди. Кундошинг келган кун хобгоҳингдан чиқмагин, токи изтиробингни бошқалар кўрмасин, деб тайинлабди. Яна, алам билан чиқиб кетмасин, деб ёғоч ковушининг тагидан ичига қаратиб михлар қоқибди. Товониға ботса хушёр тортади деб. Бечора аёл ярим тунгача зўрға чидабди. Сўнг ўту оташ ичра ёниб, ковушларини кийиб чиқиб кетибди. Дил азоби жон оғриғидан қаттиқроқ экан, аёл товониға михлар ботганини сезмабди. У девонаваш боғ кезиб юрганида донишманд отаси унинг изларидаги қон томчиларини кўриб, шу томонга йўл олибди. Кўрсаки, қизи ўз-ўзига сўйлаб, кўзларидан дув-дув ёшлар тўкар ва дир-дир титрар эмиш. Секин қизига яқин келибди. Содир бўлган воқеа сенинг бу қадар ёнишинга арзимайди қизим, теракка суян. Дардинг ҳам, титроғинг ҳам дарахтга ўтиб кетади дебди. Шундан буён терак шабода эсса ҳам, эсмаса ҳам, мудом титраб турармиш. Аёлниг изларидаги қон томчиларидан тиканли патақуллар унибди.

БЕК. (*Маҳзун тортиб.*) Азизам, маъзур тутинг, сизнинг бу кечинмаларингиздан асло хабарим йўқдур. Янглишдимми, тақдир эканми, мана, яна бир жажжи ўғлонимиз бор.

ЗАРНИГОР БЕГИМ. Илоҳо, ақлли, хушли бўлиб ўссин. Аммо сипоҳий қилмасак ҳам, тарбиясига қарамоғимиз зарур.

БЕК. Қараймиз, бегойим, қараймиз. Мен мулозим ва соқчи йигитларга топшириқлар берай. Ҳар эҳтимолга қарши, отлар тайёр турсин.

(*Кетади. Садафбегим киради.*)

САДАФБЕГИМ. Сизнинг Ширинбек ҳақиндаги гапларингизни ҳам, бошқа сўзларингизни ҳам эшитдим. Сизга қолса, ўғлим сипоҳий бўлсин-у, урушга кириб ўлсин. Сизнинг бу ҳатти-ҳаракатингиз маним бахтимга куйишдан бошқа нарса эмас. Тилингизни ёлғондан ширин тутасиз. Асли ичингиз тўла ҳасад, рашк ўтидир. Мана жим юриб- юриб бир гапирай-да ахир.

ЗАРНИГОРБЕГИМ. Ўйламасдан сўзлайсиз (*Кетмоқчи бўлади.*)

САДАФБЕГИМ. (*Овозини баландлатиб, ғолибона руҳда давом этади.*) Ҳа, айтарға гапингиз йўқдур. Тўғри гап алам қиладир. Сиз манға ҳасад қиласиз.

ЗАРНИГОРБЕГИМ. (*Тўхтайди. Кундошига ачиниб қарайди.*) Сизга ҳасад қиламен? Нимангизга? Мана бу олтинларни тақиб олиб, уззу-кун тўрт девор ичида ўтиришингизгами? Кошки, ул-бул китоб мутолаа қилсангиз ҳам бошқа гап эди. Сиз нимани кўрибсиз? Отангиз тенгги одамнинг завжаси бўлиб олиб, эрингизни ҳар замонда хонангизда ухлашидан бошқа не бахтингиз бор? Ул сизни менингдек қўлида кўтариб дарё кечган эмас. Сиз ул билан менингдек гулзор оралаб, бекинмачоқ ўйнабмисиз? Майли, қирларға чиқиб бир ўйнаб-кулайлик, қўл ушлашиб чопайлик денг, борурми? Булар унга энди эриш туюладир. Ҳали кексайиб, хуснингиз кетганида нимани эслайсиз? Қандай хотираға таянасиз? Ҳолбуки, ўзингиз тенгги йигитға эрга чиққанингизда, балким мана бу олтинлар

бўлмасди, аммо тенг-тенгги билан бўлиб, олтин бахтингиз бўлурмиди? (*Зарнигорбегим кетади.*)

САДАФБЕГИМ. (*Орқасидан титраб-қақшаб қичқиради.*) Бари бир сиз куясиз!

(*Сўнг ўзи қолади. Ер муштлаб йиғлайди.*)

(*Яна сўзланади.*) Ман бахтлиғ эмасман. Аммо сан ҳам ман туфайли бахтлиғ эмассан. Манга йўқ, санга ҳам йўқ. (*Чиқади.*)

### 3

#### Бекнинг ҳовлиси

(*Қоронғулик тушади. Мулозим келиб шамларни ёқиб кетади.*)

*Ризо Али тўрт навқар йигит, энага аёл ва ёш малика Маъсума Султонбегим кириб келадилар. Маликанинг бошида ҳарир мовий рўмол, пешонасида маҳорат билан ишланган, фақат Бобуршоҳ хазинасига хос ноёб олмос қадалган нозик-нафис тиллақош.*

*Энида жиялари зарҳалли яшил мурсак, мурсак остида ёқалари гажақ, этаги узун пуштиранг куйлак, нозик белида заррин камар. Оқ юзли, қоракўз, хиёл очик лаблари остида бир дона хол. Ўн олти-ўн етти ёшлардаги дилбар бир қиз. Қўлидаги румолча билан юзини бироз тўсиб, мезбонларга уялинқираб қарайди. Султон Саййид Алибек маликага яқинлашади.*

БЕК. (*Хиёл таъзим қилиб.*) Марҳабо, қизим, маликам, оллоҳ менга шоҳ отангизга кўп йиллар хизмат қилишни насиб этган эди. Энди эса, ул зотнинг фарзандиға ҳам садоқат кўрсатурмиз.

МАЛИКА. Қуллуқ, оғо. (*Хиёл эгилади.*)

ЗАРНИГОРБЕГИМ. (*Келиб, пешонасидан ўпиб кўришади.*) Бек оғангиз ҳақ гапни айтдилар. Хуш келибсиз.

САДАФБЕГИМ. (*Чимирилиб, хушламайгина.*) Хуш келибсиз...

*Сўнг Баҳромбек келиб енгил таъзим қилади.*

БАҲРОМБЕК. Хуш келибсиз...

ОЗОДБАХШ. Хуш келибсиз, марҳабо. (*Таъзим қилади.*)

*Ўзини унутиб, ҳайрат билан қараб турган Комронбек маликага яқинлашади. Малика ҳам йигитга ҳайратомуз қарайди, қўлидаги юзига туттиб турган рўмолчаси секин сирғалиб ерга тушади. Комронбек рўмолчани ердан олиб, маликага тутар экан, икковлари бир-бирларига термуладилар.)*

КОМРОНБЕК. Хуш келибсиз, маликам...

МАЛИКА. (*Ҳаё билан, хиёл эгилиб.*) Ташаккур, оғо...

*(Сўнг Давлатёр, ундан кейин кичик бекзода келиб малика билан таомил бўйича кўришадилар. Меҳмонлар ҳозирланган шоҳона жойга ўтказилади. Малика ёнидаги энага аёлга ҳам иззат-ҳурмат кўрсатилади.)*

РИЗО АЛИ. Бек оғо, бир ташвишли юмуш чиқиб қолди. Малика Маъсума Султонбегим йўлда Бобур хазратлари ўз қўллари билан волидасига тақдим қилган ва ўзларига меърос бўлиб ўтган қимматбаҳо олмос тошлар билан безатилган зебигардонини тушириб қўймишлар. Шоҳбекнинг худуд кўриқчилари топиб унга еткурмасликларидан бурун биз топиб келайлик. Агарчи топмасак, кўп мушкулотлар туғулур. Ўғилларингиз ҳарбий илмдан хабардормилар?

БЕК. Хавотир бўлманг. Маликани хавфу, хатардан асрашни, шифолашни ва дам олишлариға имкон яратишни бўйнимизга олаимиз.

(*Бек малика Маъсума Султонбегимга яқин келади.*)

БЕК. Тақинчоғингиз йўқолганини қачон пайқадингиз, қизим маликам?

МАЛИКА. Билмаймен, бир кичикрак сув кечиб ўтилғоч, рўмолимни қайта боғлаётганимда кўксимда эди.



РИЗО АЛИ. Худо ҳоҳласа, топиб келурмиз.

*(Ризо Али бошлиқ фуқаро кийимидаги навкар йигитлар чиқадилар.)*

ЗАРНИГОРБЕГИМ. *(Меҳмонларга қараб.)* Юрингиз, ичкаридаги ўз хоналарингизни кўрсатурмен.

*(Бек тўрт ўғли билан қолади.)*

БЕК. Агар Шоҳбек Арғуннинг одамлари маликамизнинг тақинчоғини Ризо Алидан олдин топсалар, аҳвол мураккаблашадур. Маликани шошилинич кузатувимиз зарур бўлиб қолади. Бунинг устига, у кишининг отда кўп юрмоғони кўриниб турибди. Яна бетоблар. Тоғ оша ўтиб кетолмайдилар. Бироқ тоғ бағрида ўта махфий ғор йўл бордирким, кўпчилик афсона ҳисоблайдир. Бундан бир неча йил муқаддам маликанинг аммаларини шу йўлдан кузатганмиз. Бироқ вақти-вақти билан белгилар ўзгарадир. Баҳромбек, волидангизни чорланг, ёзувчилар сақланадиган сандиқчани келтирсинлар.

*(Баҳромбек чиқади. Зарнигорбегим ўғлининг ёнида, қўлида қимматбаҳо тошлар билан безатилган ялтироқ сандиқча билан киради. Бек сандиқчани қопқоғи остидаги иккинчи махфий қатламни ханжар учи билан очади. Сарғайган ғоғозни олиб ёйиб тикилади.)*

БЕК. Ёзувлар ўчмоғон. Режасию белгилари аниқ кўрсатилғон. Оллоҳ насиб этса, қийналмай топурумиз. Эрта тонгла ватанга, адолатли Темурий шаҳзодаларга ва халққа хизмат қилмоқ борасида қасамёд килурмиз. Зеро, мусулмон лашкари жангга қасамёдсиз кирмағай. Биз ҳам элу юртга, ватанга садоқатимизни қасамёд бирла муҳрлағаймиз.

#### 4

*(Шоҳбек Арғун қароргоҳи. Шоҳбек қандайдир ичимликни ҳўплаганча, шоҳона тўшакда, заррин ёстиқларга суяниб, ёнбошлаб ётибди. Бир ёнда мусаввир бошини орқага олиб қарашлар, мўйқаламга бўёқ олиш ҳаракатлари билан Шоҳбек Арғун суратини чизмоқда. Машшоқ торини созламоқда.)*

МАШШОҚ. *(Ҳадиксирабгина.)* Шоҳим, бир қошиқ қонимдан кечсангиз, бир оғиз айтар гапим бор...

ШОҲБЕК. Кечдим. Сўйла!

МАШШОҚ. Шу кунларда юпунрак либосда юриб эдим, шамоллаб қолғонга ўхшаймен. Хониш айламакка хавотир бўлиб турибмен, овозим маъқул бўлурму, деб.

ШОҲБЕК. *(Ғазабланиб.)* Ўзингни тоғороға солмай, бошла!

МАШШОҚ. *(Куйлай бошлайди.)* Кеча келгумдир дебон, ул сарви гулрў келмади...

ШОҲБЕК. Тузукроқ куйла!

МАШШОҚ. *(Давом эттиради.)* Келди қон оғзимға-у, ул шўхи бадхў келмади... *(Шоҳбек Арғунга яна ёқмайди. Сакраб ўрнидан туриб, машшоқнинг қўлидан мусиқа асбобини юлиб олади ва бир тепиб синдиради.)*

МАШШОҚ. *(Беихтиёр.)* Ҳай, аттанг, ота-боболаримдан мерос эди-я!

ШОҲБЕК. Яна бир оғиз гапирсанг, сўзимни қайтиб олиб, тилинган дорга осаман! Тур, йўқол! *(Машшоқ шошилиб орқасига юрганча, чиқиб кетади.)*

ШОҲБЕК. *(Қарсак уради, қизиқчи киради.)* Хунарингни кўрсат!

ҚИЗИҚЧИ. *(Ҳар хил қилиқлар аралаш қўшиқ айтади.)* Лалай-лалайчи келди, карнай-сурнайчи келди. Чиқиб қаранг, ким келди, шоҳимизга келин келди! Қўлида узуккина, кўзлари сузуккина... Кавушим тилло демиш, подшонинг қизи эмиш...

ШОҲБЕК. *(Қизиқчини имлаб қақиради. Қизиқчи ўмбалоқ ошиб, шоҳнинг олдида тўхтайдди.)* Топган гапингнинг куладиган жойи йўқ!

*(Ғазаб билан қўлидаги жомга солинган ичимликни қизиқчининг юзига сепиб юборади.)* Йўқол кўзимдан! *(Жомга қайтадан шароб кую туриб бақиради.)* Эй, Худо! Зерикиб кетдим! Ким мени шод қиладиган гап топиб келса, зарбоф тўн кийиб чиқади! *(Эшикда муҳим хабар бўлсагина киришга хуқуқи бор махфий хизмат айғоқчиси Қорахон ботур пайдо бўлади. Шоҳбек Арғун ишораси биланан айғоқчи шоҳга яқинлашади.)*

ШОҲБЕК АРҒУН. *(Қўлидаги ичкиликни ҳўплаб, газак қилгач.)* Сўйла!

АЙҒОҚЧИ. *(Шоҳга яқин келиб, фитнакорона.)* Шоҳим, вилоят худудида нозик меҳмон борга ўхшайдир.

ШОҲБЕК АРҒУН. *(Важоҳат билан.)* Чўзма, очикроқ гапир. *(Айғоқчи мусаввирга бир қараб олиб, чиқиб кетсин, қабилда жим туради. Шоҳнинг ишораси билан мусаввир кетади.)*

АЙҒОҚЧИ. Худуд кўриқчилари бир зебигардон топиб олмишлар. Чанг, лой бўлмоғониға қарағанда яқинда тушурилган. Шаҳар ичкарисига кетган излар янги. Синчимизнинг гапига қарағанда, улар олти киши бўлишган. Зебигардондаги қимматбаҳо олмос эса, Бобуршоҳ тожида ва унинг аҳли-аёлларию қизлари тақинчоғларида ишлатилган. Бул тусли олмос фақат Бобуршоҳ хазинасидағина бисёр бўлиб, ани ҳамма ҳам ўзиға раво кўролмайдди.

*(Шоҳбек Арғун таҳдидли ўталади.)*

АЙҒОҚЧИ. *(Шоша-пиша.)* Анингдек қимматбаҳо олмоснинг бошқа турлари олампахоҳнинг ўзларида ҳам бисёрдур.

*(Шоҳбек Арғун мамнун томоқ қиради.)*

АЙҒОҚЧИ. *(Енгил нафас олиб.)* Алқисса, тақинчоқдаги олмоснинг залворига қарағанда, меҳмон Бобуршоҳнинг аҳли аёлларидан, аниқроғи қизларидан бири деб тахмин қилиш мумкин. Бобуршоҳнинг хотинларидан бири фарзанди дунёга келиш баробаринда оламдан ўтғони ҳақида маълумотларимиз бор. Фарзанд қиз бўлғон. Бу қизни шоҳ ўзи билан олиб кетган, деган гаплар юрарди. Лекин бу қиз шоҳ одамларидан бирортасининг хонадониди вояга етгунча қолдирилғонлиғи ҳақиқатга яқинроқ. Қўлимиздаги зебигардон фикримизни тасдиқлайдур. Ҳайтовур, бу аёл шоҳ отаси чорлаган ёш малика бўлиб чиқишиға имоним комил.

ШОҲБЕК АРҒУН. *(Ҳи-ҳилаб кулади.)* Кўпдан буён саройимизга арзийдиган келин тушмағонди. Вилоётни ғалвирдан эмас, элакдан ўтказинг. Ул зебою барнони топиб, саройга келтиринг. Тўю томошо қилиб, бир куёв бўлайликким, Бобуршоҳ бепичоқ сўйилсин. Қорахон ботурға тўн келтиринг!

#### 5

##### Бекнинг ҳовлиси.

*(Бек икки-уч йигитлари билан харитани ўрганапти. Ёнида Ширинбек юрибди. Ризо Али йигитлари билан кириб келади.)*

БЕК. *(Кичик ўғлига қараб.)* Ширинбек, волидангизнинг ёнига боринг. *(Ширинбек кетади.)*

РИЗО АЛИ. *(Ташвишланиб.)* Бек оғо, тақинчоқ топилмади. Биз юрган йўлдан Шоҳбек Арғун навкарлари изғиғонларини эшитдик. Аҳвол-руҳиямиз мураккаблашиши муқаррар. *(Бек қарсак уради. Мулозим киради.)*

БЕК. Йигитларга айтинг, отларни эгарлаб, яроғларни созлашга киришсинлар.

*(Саҳна айланади.)*

*(Бекнинг ўғиллари ҳарбий либослар кийишяпти. Ҳаммаси ҳаяжонда.)*

БАҲРОМБЕК. *(Белига камар боғлаётиб.)* Оҳ, мен орзу қилғон кунлар келаётир. Одил шоҳларғагина хизмат қилиш бобида қасамёд қилиб, маликамизни кузатиб ҳиндға кетурмен.



Бобур ҳазратлари хизматиға кириб, шоҳу шаҳзодаларнинг душманлари бошларини мана бундай қилиб (*қиличини сирмаб ҳар хил жанговар ҳаракатлар қилади.*) сапчадек узурмен. Шундай мардонавор жанглар қилайки, шоҳ хайратда қолиб, мени лашкарбоши этиб тайинлар. Шунда падаримиз ота-боболаримиз касбининг мендек давомчиси борлиғидан, шундай баҳодур бўлиб етилғонимдан беҳад фахрланурлар.

**ОЗОДБАХШ. (Хаёлчан.)** Мен ҳам борурмен. Бироқ мен маликамизни эсон-омон етказиб борғач, ул мамлакатнинг меъморлик санъатини ўрганурмен. Ватанга қайтиб келиб, баланд иморатлар курурмен. Шундай мадрасалар солайки, минг йиллар ўтиб ҳам авлодлар номимни ёд этсинлар. Мен қуражак бинолар кўп қаватли бўлур. Ҳар қават саҳнида боғ, ҳатто бинолар томида ҳам дову дарахтлар, гулзорлар бўлур. Осма хиёбонлар бунёд этурмен. Унда дилбар қизлар билан навқирон йигитлар сайр этиб, кўшиқлар айтурлар. Шеърлар ўқурлар. Атиргул шақлида фавворалар тархин чизиб, сув отилиб турмоғини таъминлармен.

**ОҒА-ИНИЛАР. (Бирин-кетин.)** Офарин, офарин. Илоё мақсадингизга эришинг.

**КОМРОНБЕК. (Ҳаяжонланиб.)** Мен ҳам маликани кузатиб, борурмен. Эҳтимол, маликамиз шоҳ отасини зиёрат қилғоч, биз билан қайтиб келур. Мен ҳам ўз ватанимда шоир бўламен. Қаҳрамонлик, мардлик ва муҳаббат ҳақида дostonлар битурмен...

*(Баҳромбек, Озодбахш ва Давлатёрлар унинг малика қайтиб келар, деган сўзларини эшитиб бир-бирларига имо қилиб жилмаядилар, ошиқ бўлибди қабилда. Комронбек шеър ўқийди.)*

Менинг кўнглумки гулнинг ғунчасидек таҳ-батаҳ қондур,  
Агар юз минг баҳор ўлса, очилмоғи не имкондир.

**КОМРОНБЕК.** Офарин, офарин!

*(Яна ўқийди.)*

**Висоли лаззатидин завқ топмоқлик эрур душвор,  
Фироқи шиддатинда йўқса жон бермақлик осондур.**

**КОМРОНБЕК.** Офарин, хўп айтибсиз.

*(Яна ўқийди.)*

**Ишқингда кўнгул харобдур, мен не қилай?**

**Ҳажрингда кўзим пуробдур, мен не қилай?**

**Жисмим аро печ-у тобдур, мен не қилай?**

**Жонимда кўп изтиробдур, мен не қилай?**

**КОМРОНБЕК.** Офарин, сиз бешак шоир бўлурсиз.

**ДАВЛАТЁР.** Оғо, ошиқ бўлибсиз!

**КОМРОНБЕК. (Хўрсиниб.)** Билмадим, менга недир бўлаётир. Ашъор устина ашъор битурмен. Кеча-тун кўзимга уйқу келмайдур.

**ДАВЛАТЁР.** Оллоҳим барчангизни ниятингизга еткурсин. Аммо мен волидаимиз ва қиблагўҳимиз бирла қолурмен. Уйланамен. Ўғлонларим, қизалоқларим бўлур. Падаримиз билан шикорларга чиқурмен. Эрта тонгда туриб куёшга, дарахтларга салом берамен. Яратганга шукроналар қилиб, сокин ва ўтроқ ҳаёт кечирамен. О, нақадар фараҳли орзулар. Замона тинч бўлиб турса Ҳиндистонга, Беҳрўз оғамнинг олдилариға меҳмонга борурмиз. Оғамиз у ёқда бирор ҳинд гўзалига уйлансалар, ҳинд холли янгамиз ва ҳиндуда сўзлашадурғон жинлар билан танишурмиз.

*(Куладилар.)*

## 6

### Бекнинг ҳовлиси.

*(Бек ёлғиз. У ёқдан бу ёққа юради. Зарнигорбегим киради.)*

**ЗАРНИГОРБЕГИМ.** Бегим, нотинч кўринасиз? Сиз не-не жанглари кўрган, улуғ шоҳ хизматида бўлғон инсонсиз. Сиз-

нинг мундоғ безовта кўринишингиз мақбул эмас. Ўғилларимиз не хаёлга борур? Навкар йигитлар не дейдур?

**БЕК.** Бегойим, мен кексаяпман шекилли. Бир қадар тинч ва ўтроқ ҳаётга ўрганибмен. Қолаверса, минг сипоҳий бўлмайин, бари бир юрт тинчлигини, осойишталигини орзу қилғонмен. Мана, тўрт ўғлонни эр етилғонини кўрдик. Мен аларга отда юришни, қилич тутишни ўргатғоним билан урушга киришларини, чопишушларини ҳоҳламайман, бегойим. Аммо, хоннинг исковучлари итдек изғиғонлариға қараганда, беташвиш ўтирсак бўлмас. Менинг қиличимни келтиринг. Ўғилларимиз қасамёд қилсинлар.

**ЗАРНИГОРБЕГИМ.** Оллоҳ сизни ҳам, ўғилларимизни ҳам ўз паноҳида асрасин, бегим.

*(Зарнигорбегим қаддини тик тутиб чиқиб кетади. Парда ортидан оҳ тортиб юборгани эшитилади. Оддий бир аёлга айланиб, бекка, ўғиллариға узоқ умр тилайди. Жамики ўғил ўстирганларга раҳминг келсин, деб илтижо қилади. Яна либослар кийган тўрт ўғил кириб келади. Зарнигорбегим бекнинг қиличини келтиради.)*

**БЕК. (Ўғиллариға қараб.)** Ўғлонлар! Мамлакатдаги аҳволни кўриб турибсиз. Сизга Шоҳбек Арғун ҳақида андак сўзлайким, бул нокасинг кимлиғиға қараб, ўзингизга эҳтиёт бўлғайсиз. Филжумла, вилоят анинг кўлидадир. Навқари сони беш минг, олти мингдан ортиқ. Бугунга келиб, Аму дарёсидан Ҳиндикуш тоғиғача вилоёт ғайри бадахшон муниқилигини биллурсиз. Бул бефаросат ва фосиқ кишининг илкидан кўп нарса келур. Беш кунлик ўтар дунё учун не-не улуғ зотларни кўр қилдурди. Не-часини ўлдурди. Бул нокас Тангри қаршисида осий, халқ олдида мардуд, бадзабон, фаҳшгўй, ичи тийрадур. Яъниким, ёғий айёр, бешафқат ва кучлидур. Зарурият туғилса, шундай ёғийга қарши туриш осон бўлмағай. Бобокалонимиз Ўрхон Али Ўзбек баҳодур ҳазрати соҳибқирон хизматида бўлганлар. Менинг бобом бирла волидангизнинг бобоси ҳам Темурий подшоҳларга қасамёд келтириб, садоқат ила хизмат қилганлар. Менинг падари бузрукворим Бобур ҳазратларининг қиблагўҳи Умаршайх ҳазратларининг лашкарида баҳодур бўлган. Бу сўзларни айтмагимнинг боиси, ҳозир ота-боболаримиз удумини давом эттиришга қасамёд қиламиз. Маликанинг эсон-омон ҳиндга жўнаб кетишини таъминлаш мушкул бўлмоғони тузук. Бироқ жанг қилишга тўғри келишини ҳам мустасно қилиб бўлмас. Ўғлонлар! Қасамёд қилинг!

*(Йигитлар келиб оталари қаршисида сафга тизилиб таъзим қилдилар, сўнг бошлайдилар.)* Бизким, Саййид Султон Али баҳодир ўғлонлари ҳар қандай шароитда, ҳар қандай ҳолатда садоқатли сипоҳий сифатида, ватанимизга, халқимизга ва одил подшоҳларга хизмат қиламиз. Темурий подшоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратлари фарзанди Маъсума Султонбегим ҳаётини сақлаш ва ҳимоя қилиш вазифасини ўз жонимизни қурбон қилиб бўлса ҳам бажарамиз. Маликанинг ҳаётига таҳдид қилган ҳар қандай кимсани ким бўлишидан қатъий назар, буюк баҳодир боболаримиздан меҳор қилидан ўтказамиз, деб қасамёд қиламиз.

*(Навбат билан келиб, бир тиззасига чўкиб, бекнинг кўлидаги қилични ўпадилар.)*

*Қоронғу тушади. Ризо Али йигитлари билан кириб келади.)*

**БЕК.** Ризо Али иним, биз жанговор руҳдамиз. Қоронғу тушди. Маликани боғли рободга жўнатурмиз.

*(Ўғлиға қараб.)* Озодбахш ўғлим, волидангизни ва меҳмонларни чорланг.

*(Ҳамма киради.)*

**БЕК. (Малика Маъсума Султонбегимга қараб.)** Ҳамма хавф-хатар ўтиб кетгунича йигит либосида бўлурсиз қизим-маликам.



МАЛИКА. *(Хиёл эгилиб.)* Маъқул, бек оғо.

БЕК. *(Буйруқ оҳангиди.)* Комронбек, Давлатёр! Маликани боғли рободга элтинглар. Тонггача етиб бориб, жойлашинглар. Бохабар бўлинглар, ҳеч ким кўрмасин. Дарбоза ва боғ атрофини яхшилаб кузатинглар. Шубҳали бирор ҳолат рўй берса, маликани бобо Ботур кулбасига яширурсиз. Маликанинг навкарлари сиз билан бўлур. Биз ўз йигитларимиз билан тоғ остидаги ғор йўлини топғоч, боғ ҳовлига келурмиз. Ўзимизни билдириб, белги берурмиз.

*(Эркакча кийинган малика, энага, навкар йигитлар, Комронбек ва Давлатёрлар кетадилар.)*

БЕК. Баҳромбек, Озодбахш, биз бу кеча ул йўлни топайлик.

*(Бек қарсақ уради. Мулозим киради. Мулозимга қараб.)* Йигитларга айтинг, отларни ҳозирласинлар! *(Мулозим чиқади.)*

*(Бек аввал Зарнигорбегим билан, сўнг Садафбегим билан хайрлашади. Сўнг онасини ёнида турган кичик бекзоданинг ёнига келиб, бағрига босади.)*

ЗАРНИГОРБЕГИМ. *(Ўзини хотиржам тутушга ҳаракат қилиб.)* Ой бориб омон қайтинглар. Оллоҳ паноҳида асрасин.

## 7

*(Шарқ бозори. Гиламлар, саватлар, сўзаналар, кийимлар, чилимлар, чолғу асбоблари, неки бозорда сотилса, шуларнинг бари расталарда бор. Даврга хос либосларда одамлар у ёқ, бу ёқларга ўтиб туришибди. Бир четда тиланчи, бир четда мунажжим фолбин, “Кеб қолинг, об қолинг” сингари садолар эшитилиб турибди. Ҳалиги айғоқчи бошчилигида Шохбек Арғуннинг одамлар бозор айланиб юришибди. Қаддиқомати тик қиз-жувонларни кўп тўхтадилар. Навкарлар билан бирга юрган кампир қиз-жувонлар юзидан пардасини кўтариб қарайди.)*

САРБОЗЛАРДАН БИРИ. Ўзи у қизни танийсизми, эна?

КАМПИР. Энди дунёга келганда кўрганмен. Лаби остида қора холи бор эди. Бундай хол йўқолмайди. *(Бекнинг бозор айланиб юрган одами бу гапни эшитади.)*

## 8

*(Шохбек Арғун саройи. Шохбек Арғун ҳуфияларини йиққан. Бир неча эркак ва бир аёл тик турибди. Шохнинг ўзи ёнбошлаб ётибди.)*

ШОҲБЕК. Хўш, бирор натижа борми?

АЙҒОҚЧИ. Ҳозирча ҳеч қандай натижага эришмадик. Аммо бир кенгашли фикр бор. Ижозатингиз билан баён этсам.

ШОҲБЕК. Сўзла!

АЙҒОҚЧИ. Биз мундин бир неча муддат аввал Бобуршоҳга хизмат қилган бекларнинг рўйхатини туздик. Улар кўпчилик эмас. Тўққиз-ўн киши чамаси. Бу хонадонларга хотин киши юбориб, гап олмоғимиз лозим. Шундай қилинса, ёш маликанинг дараги чиқиб қолса ажаб эмас.

ШОҲБЕК. Бале! Шундоқ қилингиз.

АЙҒОҚЧИ. *(Хотин айғоқчига қараб.)* Сиз ушбу беклар хонадонларига кириб, мен бир зебигардон топиб олдим. Шуни озгина суюнчи эвазига эгасига қайтармоқчимен. Фақат, аввал эгаси тақинчоқнинг белгиларини айтсин, дейсиз. Агар ҳақиқатга ким яқин сўзласа зебигардонни бериб, суюнчини олиб кетаверасиз. Қолгани бизнинг юмушимиз.

*(Хотин айғоқчи қўлига зебигардонни олади. Кўксига таққансимон ҳаракат қилади. Сўнг, беўхшов хунук кулади.)*

## 9

*(Бекнинг боғ-ҳовлиси. Нақшинкор эшиклар. Гуллаган дов-у дарахтлар. Атиргул буталари. Хуллас, гўзал бир гўша.)*

Комронбек у ёқ-бу ёққа юриб кўриқчилик қияпти. Қолганлар дарбоза ва ён атрофни кўриқлашга кетишган. Иккинчи қават деразаси очилиб, малика кўринади.)

КОМРОНБЕК. *(Пастдан.)* Ассалому алайкум, маликам. Янги тонгингиз муборак бўлсин.

МАЛИКА. Ташаккур, оғо. Ўзингизга ҳам муборак бўлғай. Оғо, бу боғ мунчалар гўзал бўлмаса. Чиқиб бир оз сайр этишга ижозат беринг.

КОМРОНБЕК. Майлингиз, мен сизга чечаклар узиб берурмен.

*(Малика Маъсума Султонбегим бир хуснига ўн хусн кўшилиб, ҳаёю ибо билан чиқиб келади.)*

КОМРОНБЕК. *(Ҳаяжонланиб.)* Кошки, бизнинг боғда бир умр сайр қилсангиз-у, мен сизнинг оромингизни то ўлгунча кўриқласам. Шунда мен исми жисмига монанд Комрон бўлур эдим.

МАЛИКА. *(У ҳам ҳаяжонланади.)* Қололмаймен, бек оғо. Мен шоҳ отамни гўдаклигимдагина кўрганмен. Жуда кўргим келадир. Истасангиз бирга кетайлик. Олис Ҳинд диёрида подишоҳ отам хизматига кирурсиз.

КОМРОНБЕК. Подишоҳ отангиз хизматига кириш шараф. Аммо мен ватанга қайтамен. Мен подишоҳ отангиз ашъорларини беҳад севамен. Бир қанчасини ёд билурмен.

*(Шеър ўқийди.)*

**Такаллуф ҳар неча суратда бўлса, ондин ортуқсен,  
Сени жон дерлар, аммо бетакаллуф жондин ортуқсен.  
Парининг ҳусн ичра гарчи оти бениҳоятдур,  
Мени девона қошинда, ва лекин ондин ортуқсен.**

МАЛИКА. *(Давом эттиради.)*

**Пари бу ҳусн бирла кўрса юзингни бўлур телба,  
Сени таъриф этар, лекин сифат қилгондин ортуқсен.  
Қадам ранжида қил кўнглим учун эй ёрнинг ўқи,  
Менинг бу нотавон кўнглимга чун дармондин ортуқсен.**

КОМРОНБЕК. *(Давом эттиради.)*

**Иқомат чунки қилдинг, Бобуро ул ҳур куйида,  
Мақоминг равзадин авло, ўзинг ризвондин ортуқсен.  
МАЛИКА. Оғо, ашъорни беҳад ширали ўқурсиз.**

КОМРОНБЕК. *(Илҳомланиб.)*

**Қаро зулфинг фироқида паршон рўзгорим бор,  
Юзингнинг иштиёқида не сабру не қарорим бор.  
Лабинг бағримни қон қилди, кўзимдин қон равон қилди,  
Нега ҳолим ямон қилди, мен андин бир сўрорим бор.**

МАЛИКА.

**Жаҳондин менга ғам бўлса, улусдин гар алам бўлса,  
Не ғам юз мунча ҳам бўлса, сенингдек ғамгусорим бор**

КОМРОНБЕК.

**Агар муслиҳ, мен ар муфсид, ва гар ошиқмен, ар, обид,  
Не ишинг бор сенинг зоҳид, менингки ихтиёрим бор.  
Фиғоним ошди булбулдин, ғаме йўқ зарра бу қулдин,  
Бас-э Бобур, ўшал гулдин кўнглида хорхорим бор.**

МАЛИКА. Офарин, офарин. Ўзингиз ҳам битурмисиз?

КОМРОНБЕК. Битурмен, лекин алар мақтангулик эрмас. *(Ичкаридан энага чиқади.)*

КОМРОНБЕК. Мен йигитлардан бир хабар олиб келай.

*(Кетади.)*

МАЛИКА. *(Ўйчан.)* Бибижон, шул йигитни кўрсам, юрагим тез-тез уриб кетаётир. Унинг овози бирам ширалиғ, юзидаги кулгичларию қора қошларини айтмайсизми? Менга недир бўлаётир, бибижон.

ЭНАГА. *(Куйиниб, ташвишланиб.)* Оҳ, жоним болам-а, оҳ, қизгинам-а. Сипоҳийга асло ишқингиз тушмасин. Уларнинг ҳаётида нима кўп, уруш кўп. Бирида бўлмаса, бирида чопиб кетсалар ҳолингиз не кечур?



МАЛИКА. (Сесканиб.) Оҳ тилгинангиз кесилсин-а, бибижон, айтмадим денг, қайтиб олдим денг. Фаришталар омин деб юбормасинлар.

ЭНАГА. (Шоша-пиша.) Айтмадим, болам, айтмадим. Илоё тилим кесилсин. Балким сиз билан бирга Ҳиндға борсалар, шоҳ отангиз саройға юмушға олсалар, бахтиёр яшаб кетарсизлар.

МАЛИКА. Шундай дей қолмадингиз-да бошдин. Шоҳ отамнинг хизматиға кирмаса, шоҳ отам зиёратидан сўнг бул йигит бирла қайтиб келурмен.

(Малика четда турган нақшинкор курси ёнига келади. Тахланган бир нечта қоғоздан бирини олиб энагага кўрсатади.)

МАЛИКА. Бибижон, қаранг, мен ул йигитнинг суратини чиздим. Ўхшабдиму?

ЭНАГА. (Суратни қўлига олади, узоқдан тугтиб қарайди.) Офарин, офарин. Худди-ки ўзи бўлибдур. Ҳали шоҳ отангиз сизнинг бул санъатингизни кўрсалар, ашъор битишларингизни билсалар, бениҳоя шодланурлар.

## 10

### Бекнинг ҳовлиси.

САДАФБЕГИМ. (Вайсаб-вайсаб пардоз қилаяпти.)

Ҳе ордона қолсун. Сипоҳийларча тартиб, сипоҳийларча тарбия эмиш. Бир сўзни сўзлаб бўлмайдур. Қўшни хотинлар билан гаплашилмайдур. Меҳмон келса, ҳеч кимга билдирилмайдур. Ўлсин тартибиям, тарбиясиям. Бола бечораға кўчага чиқиш мумкин эмас. Болалар билан ўйнаш мумкин эмас. Жонға тегди буларнинг ҳаммаси.

(Мулозим киради.)

МУЛОЗИМ. Бегойим, бир аёл кирмакка изн сўрайдир. Сизни ҳам, катта бегойимни ҳам биламен дер.

САДАФБЕГИМ. Айтинг, кирсун!

(Айғоқчи аёл киради.)

АЁЛ. Ассалому алайкум, бегойим. Бекнинг кичик завжаси бениҳоя гўзал деганлари рост экан.

(Садафбегим эриб кетади. Қўлидаги кўзгуга гоҳ узоқдан, гоҳ яқиндан қарайди. Сўнг, аёлга назар ташлайди.)

САДАФБЕГИМ. Ва алайкум ассалом. Келинг, бибижон. Ўзим ҳам зерикиб ўтиргон эдим. Ҳа айтганча, не юмуш билан келдингиз?

АЁЛ. Мен бир табиб аёлмен. Тоғу тошлардан доривор гиёҳлар териб юрамен. Абадий навқиронлик сирларини биламен. Юракка, жигарға шифо бўлғучи гиёҳларим бор. Яна бир гиёҳим ҳам бордирки, эр кишиға дамлаб ичирсангиз, муҳаббатни абадий сизға кўюр.

(Садафбегим қизиқсиниб муҳаббат гиёҳини қўлига олади. Ҳидлаб кўради.)

САДАФБЕГИМ. Бир кунда неча маҳал ичирилур?

АЁЛ. Ичаман, деса, бераверинг. Жиндай новвот ҳам эриб, дамламаға кўшиб юборсангиз, севгиси ширин ҳам бўлур.

САДАФБЕГИМ. (Ёнидан ҳамёнча чиқариб, кампирнинг олдиға ташлайди.) Беринг, ҳаммасини оламан! (Аёл шошилиб ҳамёнчани олар экан, гиёҳ дастасини Садафбегимга топширади.)

АЁЛ. Бегойим, мен далада гиёҳ териб юриб, бир тақинчоқ топиб олдим. Сиз шаҳарнинг бадавлат хонадонларига мансуб қиз-жувонларни танийсиз. Ҳеч ким бирор нарса йўқотдим деганини эшитмадингизми? Эгаси топилса, андак суюнчи эвазига қайтарур эдим. Бозорға чиқариб сотсам, бир дунё пул берурлар. Аммо, мўмина ва солиҳа аёлларға савоб ҳам керак.

САДАФБЕГИМ. (Беихтиёр.) Зебигардонму?

(Кириб келаётган Зарнигорбегим бу гапни эшитади.)

АЁЛ. (Жонланиб.) Сизники эдиму?

ЗАРНИГОРБЕГИМ. (Садафбегимнинг ўрнига жавоб беради.) Йўқ, олис қариндошимизники. Каптарнинг тухумидек қимматбаҳо олмос тош билан безатилгон. Эгаси аллақачон жўнаб кетгон. Безакни уйингизда сақлаясизми ёки ёнингиздаму?

АЁЛ. (Ҳовлиқиб.) Ёнимда, ёнимда!

(Аёл тўрвасини кавлай бошлайди. Зарнигорбегим ёнидан ҳамён чиқаради.)

ЗАРНИГОРБЕГИМ. (Ҳамёнини салмоқлаб кўради.) Сал чўғи камрак. Бир дақиқа сабр этинг. Мен ҳозир яна бир ҳамён келтирамен.

(Чиқиб кетади ва тез қайтиб киради.)

ЗАРНИГОРБЕГИМ. Мана бу тиллолар сизға. (Аёл зебигардонни узатади. Зарнигорбегим тақинчоқни бир қўли билан олади.)

АЁЛ. Ташаккур, ташаккур. (Эгилиб Зарнигорбегимнинг бир қўлидан ҳамённи олаётганда, бегойим енгил ҳаракат билан енгидан ханжар чиқариб айғоқчи аёлга санчиб олади.)

САДАФБЕГИМ. (Йиғламсираб.) Вой бечорагина. Бешафқат жаллод экансиз!

ЗАРНИГОРБЕГИМ. (Қатъий қилиб.) Асли ханжарни сизға санчиб олмак керак эди. Эрнинг ҳам, ўғилларнинг ҳам, маликанинг ҳам бошини гўрга тикаётгон эдингиз. Ох, бу эркаклар, сал кўзга яқин бўлса на зотиға қарайди, на фаросатиға. (Зарнигорбегим қарсақ уради. Мулозим киради.)

МУЛОЗИМ. Хизмат, бегойим?

ЗАРНИГОРБЕГИМ. Мана бу жасадни боғ этагига тез кўмиб ташланг.

МУЛОЗИМ. (Энгашиб, марҳумаға қарайди.) Ҳамён қонға булғонибди, бегойим. Тиллолар ҳам.

ЗАРНИГОРБЕГИМ. Ерники, ерға! Марҳумаға кўшиб кўмиб юборинг. (Аёлни кўтариб чиқиб кетадилар.)

ЗАРНИГОРБЕГИМ. Ҳеч ким ҳовлидан чиқмасун. Ҳеч ким киритилмасун.

(Садафбегимға қараб таҳдид билан.) Сўзимни икки қилгон соғ қолмағай! (Кетади.)

## 11

(Садафбегимнинг хонаси. Ташқаридан ўйнаётган болаларнинг қий-чуви эшитилади. Ширинбек хархаша қилади.)

ШИРИНБЕК. Кўчага чиқамен. Болалар билан ўйнагим келяпти.

САДАФБЕГИМ. Мумкин эмас.

ШИРИНБЕК. (Оёқларини тапиллатади.) Чиқамен, чиқамен, чиқамен.

САДАФБЕГИМ. Юр, орқа махфий даричадан чиқарамен. Ўша ердан кириб кел. Кўп қолиб кетма. Анови ялмоғиз билса, ўлтуради. (Чиқишади.)

## 12

(Болалар бекинмачоқ ўйнаган жой. Уч-тўрт бола нишонга узоқдан таёқ отиб теккизиш – чиллак ўйнаяпти. Ширинбек келиб қўшилади. Ўйин бир муддат давом этади. Бирдан ҳар томондан Шоҳбек Арғуннинг бир неча навқари кириб келади. Болалар бир зумда қочиб кетишади. Ширинбекнинг ёлғиз ўзи қолади. Шоҳбек Арғуннинг ҳалиги айғоқчиси Ширинбекка яқинлашади.)

ШИРИНБЕК. Ассалому алайкум.

АЙҒОҚЧИ. Ва алайкум ассалом. Боракалло, боракалло. Бекнинг ўғлони бек бўлади-да. Жуда ақлли бола экансиз. (Ширинбек керилиб у ён бу ёнга юради.)



АЙҒОҚЧИ. (*Ўсмоқчилаб.*) Бу бекзода, уйингизда меҳмонлар борми дейман.

ШИРИНБЕК. (*Қатъий.*) Уйимизда меҳмонлар йўқ.

АЙҒОҚЧИ. (*Гап оҳанггени сезади.*) Ҳай, ҳай, ҳай, бек ўғлон ёлғон гапирмайди. Уйингизга меҳмонлар кириб кетишганини ўзим кўрганман. Гап шундаки, уйингиздаги меҳмон – улуғ меҳмон. Ул меҳмонни шоҳимиз зиёфатга чақирмоқчилар. Негадир отангиз уларни қизғанадир. Меҳмонларингизга бир оғиз шоҳимиз зиёфатга чорляптилар, дейман. Йўқ дейишса, йўқ-да! Одатда улуғ зотларни подшоҳ зиёфатга чорламаса, айб бўлади.

ШИРИНБЕК. (*Бироз юмшаб.*) Уйимизда меҳмонлар йўқ.

АЙҒОҚЧИ. Бўлмаса у ёқ-бу ёққа кетишдимиз? Айтаверинг. Сиз айтқонингизни ҳеч кимга айтмайман. Меҳмонлар шоҳ саройига ташриф буюришса, отангиз ҳам келадилар. Подшоҳимиз айтадиларки, Саййид Султон Алибек кичик ўғлонлари Ширинбек билан келсинлар, деб. Шунда оғаларингиз инимизни шоҳ чорляпти деб, сизга ҳавас қилишади. (*Ширинбек жонланади. Айғоқчи давом этади.*) Сўнг, улғайганингизда шоҳимиз сизни хизматиға оладилар. От миниб, қилич чопиб, душманларнинг калласини сапчадек узиб юрасиз.

ШИРИНБЕК. Йўқ. Мен Бобуршоҳ хизматиға борурмен.

АЙҒОҚЧИ. Бобуршоҳ узокда. Отда олти ойлик йўл. Андин сўнг, унинг лашкарида лак-лак хиндулар бор. Олмайдир. Сизни шоҳимизга ўзим тавсия қиламан. Бу йигит бекзода, сипоҳийлик илмини биладир. Ани олайлик дейман. Сизга от берилур. Отнинг қанақасини ёқтирасиз, тўриқми, саманми?

ШИРИНБЕК. (*Ўйлашиб қолади.*) Билмаймен.

АЙҒОҚЧИ. Ҳай, ҳай, ҳай, астағфириллоҳ. Бек отангиз ҳам ғалати-да! Отлар ҳам оғаларингизга, кескир қиличлар ҳам оғаларингизга. Ҳали қиличингиз ҳам йўқдур?

ШИРИНБЕК. Йўқ, бермадилар.

АЙҒОҚЧИ. Келинг, мундоқ келишамиз. Мен сизга хозир мана бу кескир қилични берамен. Бир яхши от ҳам берамен. Сиз секингина меҳмонлар қаерда дам олаётганини айтасиз. Отангиз меҳмонлар қаердалиғини сиз айтганингизни асло билмайдир. Кўриб ўтирғони йўқ-ку. Мен эса онт ичаман. Сизнинг айтқонингизни бировга айтсам, Худо урсин! (*Ширинбек ялтираб турган қилични қўлига олиб, ҳавони сермаб, урушганнамо ҳаракатлар қилади. Айғоқчи ҳамён чиқаради.*)

АЙҒОҚЧИ. Бу ҳам сизга. (*Ширинбек ҳамённи салмоқлаб кўради. Сўнг чўнтагига солади. Қилични тамоша қилади.*)

АЙҒОҚЧИ. Хўш, келишдикми, бекзода? Биров кўриб қолмасидан тезроқ айтинг. (*Ширинбек атрофга аланглайди. Айғоқчини яқинроқ имлайди.*)

ШИРИНБЕК. (*Секин шивирлаб.*) Меҳмонлар боғ ҳовлида.

АЙҒОҚЧИ. Падарингиз, оғаларингиз ҳам ўша ердами?

ШИРИНБЕК. Йўқ, отам меҳмонларни кузатиб кўёдиғон йўлни қидириб тоғ томон кетганлар. Меҳмонларни тезроқ зиёфатга чорламасангиз, кетиб қолғайлар. Мани ҳам чорлашни унутманг.

(*Айғоқчи қилични қини ва камари билан Ширинбекка топшириб жадал жўнайди.*)

### 13 ПАРДА

(*Тоғ, катта-катта харсанг тошлар. Бек икки ўғли ва ўз одамлари билан, жами олти-етти киши. Тошлар ораларини синчиклаб қараяптилар.*)

БЕК. (*Бирдан қувониб кетади.*) Топдим. Мана ўшал белги. Ҳеч нарса ўзгармагон. Бу ғор тоғ йўли масофасини ўн баробар, машаққатини юз баробар камайтиради. Оллоҳга шукур. Маликани эсон-омон Ҳиндга еткурсақ, Тангри олдида

ҳам, олампадох Бобуршоҳ олдида, ҳам юзимиз ёруғ бўлур. (*Кўпчиликлашиб тошни сурадилар.*)

БЕК. (*Ғор ичкарасига қулоқ туттади.*) Шамолнинг гувиллаб келишига қараганда тошлар кўчиб тушиб, йўлни тўсиб қўймагон. Бу йўлдан Бобур ҳазратларининг эгачисини кузатиб кўйғонимизга ҳам анча бўлди.

БАҲРОМБЕК. Ота, ижозат берсангиз, мен маликани Ҳиндга кузатиб борурмен.

БЕК. (*Хушнуд.*) Ижозат, ижозат.

ОЗОДБАХШ. Менга ҳам изн берасизми, қиблагоҳ?

БЕК. (*Бирдан маҳзун тортади.*) Улғайиб қолибсизлар-ку ўғлонларим. (*Бир-бир қучоқлайди. Кўзига ёш олади.*) Мен-ку чидарман-а, волидангизга мушкул бўлур.

ОЗОДБАХШ. Комронбек ҳам бормоқчи эди, қиблагоҳ. Сизлар билан биз қайтғунимизча Давлатёр бирга бўлур. Ширинбек ҳам ўсиб келаётир. Замона омон- омон бўлиб турса, бир муддат Ҳиндда бўлиб қайтурмиз, отажон.

ЙИГИТЛАРДАН БИРИ. Қаранглар, бу томонга отлиқлар келаётир!

БЕК (*шошилиб.*) Тошни ўрниға сурамиз! (*Бир ҳаракат билан тошни сурадилар. От тўғининг сурони кучаяди. Шоҳбек Аргун навкарлари бостириб киради.*)

ОВОЗЛАР. Ана улар! Ўра! Бос! (*Жанг бошланади. Баҳромбек маҳорат билан жанг қилади. Бек асосан ўғиллари атрофида жанг қилади. Бир ёш сарбоз Озодбахшга рўбарў бўлади. Озодбахш ёш йигитни кўриб тўхтабди. Иккала йигит бир-бирларини таниб қоладилар.*)

БЕК. (*Жанг қила туриб.*) Чопиб ташла, ўғлим!

ОВОЗ. (*Ёш сарбоз томондан.*) Қилич сол, ўғлим!

(*Озодбахш қилич кўтармайди. Ёш сарбоз ҳам. Кимдир келиб Озодбахшни, кимдир ёш сарбозни уради. Ахири Шоҳбекнинг сарбозлари ва бекнинг бир неча йигити йиқилиб, ўзи, Баҳромбек ва бир навкар қолади. Озодбахш ва ёш навкар ёнма-ён ярадор ётадилар.*)

БЕК. Озодбахш, ўғлим! (*Бошини тиззасига олади.*)

БЕК. Кимдир бизни сотғон кўринадир. Тур, ўғлим! Иниларингга кўмакка борайлик! (*Озодбахш қаддини кўтаролмайди. Бек ўғлини авайлаб бағрига босиб, елкасига назар ташлайди ва бирдан оҳ тортиб юборади.*) Бу не азобинг, танграм! (*Баҳромбекка юзланиб.*) Табиб келтиринглар! (*Йигитлар югуриб чиқиб кетишади.*)

ОЗОДБАХШ. (*Ҳолсизланиб.*) Ота, сув... беринг...

БЕК. (*Кимгадир буюрмоқчидай атрофга аланглайди, яна ўғлига юзланади.*) Ҳозир, болам, ҳозир олиб келаман. Яранг оғир эмас, сабр қил! (*Тез чиқиб кетади. Озодбахш ва сарбоз йигит бир-бирларига қараб зўрға жилмаядилар.*)

ОЗОДБАХШ. Жавоҳир, сенмисан?

ЖАВОҲИР. Озодбахш, сенмисан?

ОЗОДБАХШ. Оғир яраландингми?

ЖАВОҲИР. Билмон, қорнимдан санчдилар.

ОЗОДБАХШ. Оғрияптими?

ЖАВОҲИР. Дўзахий оғриқ. Кўзим олди қоронғулашиб бормоқда. Тезроқ ҳазрати Азройил кела қолсайди.

ОЗОДБАХШ. Ундоқ дема. Баҳромбек оғам табиб олиб келадилар. Худо хоҳласа, шифо топуризмиз.

ЖАВОҲИР. Ўзингнинг не ерингдан яраладилар?

ОЗОДБАХШ. Елкамдан урдилар. Ҳануз қилич елкамга санчилғонуча қолғондай.

ЖАВОҲИР. Озодбахш, омон қолсанг, Жаъфар деган савдогарнинг Гулюз исмлиг қизини топ. Айтгилки, Жавоҳир сўнги нафасида сенинг номингни айтди, сени ёд этди де. Мени унутсин. Рўзғор қуриб бахтли бўлсин.

ОЗОДБАХШ. Жавоҳир, ундай дема, дўстим, яшайсан ҳали. Ўша қизга ўзинг уйланасан. Сен йилқи боқар бобо Ботурни биласанми?

ЖАВОҲИР. Билурмен.

ОЗОДБАХШ. Бобонинг бир қизи бордур. Дутор чертса, йилқилар емақдан тўхтаб, бош эгиб тингларлар. Бир ашъорлар айтур, Навоийдин, Бобурдин. Аҳди паймонимиз бор эди.

*Жавоҳир алаҳлай бошлайди.*

ОЗОДБАХШ. Жавоҳир, ўзингни йўқотма дўстим, бизни кутқаришади.

*Жавоҳир бошини бир кўтаради. Гулюз дейди. Сўнг бош қўяди. (Озодбахш ҳам алаҳлай бошлайди, онасини чақиради.)* Онажон, елкам оғрийдур, малҳам кўйинг, келинг, келақолсангизчи. Мени олиб кетинг, онажон.

*(Бек қўлида сув тўла идиш билан югуриб кириб келади. Ўғлининг бошини кўтариб, сув ичиради.)*

ОЗОДБАХШ. *(Бироз ўзига келиб.)* Отажон, мени кечиринг. Мен яхши сипоҳий бўлолмадим. Ишончингизни оқлай олмадим.

БЕК. *(Ўртаниб.)* Майли сипоҳий бўлмасанг ҳам. Тузалиб кетсанг бас, ўғлим.

ОЗОДБАХШ. *(Ҳолсизланиб.)* Отажон, волидамни, оғаниларимни асранг. Мендан рози бўлинг. Ла илоҳа иллаллоху... *(Жони узилади.)*

БЕК. *(Фарёд чекади.)* Эй, фалак! Дастингдан дод! Гулдай ўғлим-а! Озодгинам-а! Меъмор бўлмоқчи эдинг-а! Оғаниларингга не дейман! Волидангнинг кўзига қандай қарайман!

#### 14

*(Бекнинг боғ ҳовлиси. Комронбек маликага гуллар узиб беряпти.)*

КОМРОНБЕК. *(Шеър ўқийди.)*

**Сендек менга бир ёр-у жафокор топилмас,  
Мендек сенга бир зору вафодор топилмас.**

**Бу шакли шамойил била ҳуд ҳур парисан,  
Ким жинси башар ичра бу миқдор топилмас.**

**Эй гул, мени зор этмаки ҳуснинг чаманида,  
Кўзни юмиб очгунча бу гулзор топилмас.**

*(Малика давом эттиради.)*

**Балойи ишқ манга ҳар дам жафойидур,  
Бу ишқдин кеча олмон ажаб балойидур.**

КОМРОНБЕК. Маъсумабону, ўқиган ашъорларингиз шикаста, дилингизда маҳзунлик сезилади. Сезга не бўлди?

МАЛИКА. Негадир кўнглим нотинч, оғо. Бир ғалати туш кўрдим. *(Уялинкараб.)* Тушимда сизни кўрибмен.

КОМРОНБЕК. Мени туш кўрғонингиздан комронмен.

МАЛИКА. Кошки, кўрмоғон бўлсам эрди.

КОМРОНБЕК. *(Ҳайрон бўлиб.)* Нечук, маликам? Тушингизни сўйлаб беринг.

МАЛИКА. *(Бироз сукут сақлаб.)* Бир неча улкан лочин қушни бир чумчуқча чўқий бошлади. Алар чумчуқчани мен-симаганнамо эътибор қилмадилар. Аммо чумчуқча аларни шундай чўқиб ташладики, кўписи йиқилди, қолғонлари гуррогур учиб қочмоққа тутундилар. Ҳалиги йиқилган қушлар ёнига борсам, бириси сиз эмишсиз. Кўзларингиз ёшга тўла, аммо

кўзғалолмайсиз эмиш. Мен ёлвордимки, туринг, оғо, Ҳинд сори кетурмиз. Сиз эса йўқ, дедингиз.

КОМРОНБЕК. *(Кулимсираб.)* Тушингизнинг акси бўлур. Демак, мен сиз билан Ҳиндга равона бўлурмен.

*(Навкар йигитлардан бири югуриб киради.)*

НАВКАР. Шоҳбек Арғуннинг йигирма чоғли отлиқ навқари шу томон келур, бек.

КОМРОНБЕК. Аниқму? Балким боғ ёнидан ўтиб кетурлар.

*(Яна бир навкар югуриб келади.)*

НАВКАР. Бек, чопишурға тўғри келадир. Шоҳ навқарлари дарбозани уришмоқда.

КОМРОНБЕК. Маликам, зудлик билан либосингиз устидан тўн кийиб, сочингизни қалпоқ остига бекитинг. Давлатёр, малика билан бобо Ботур кулбасига учинглар. Ул сизларни ёширур. Ўшал ерда учрашамиз.

ДАВЛАТЁР. Оға, сизни қандай ташлаб кетамен?

КОМРОНБЕК. Иним, машварат пайти эмас. Оллоҳ насиб этса, ҳаммаси яхши бўлур.

*(Малика билан Комронбек бир-бирлари томон қадам ташлайдилар. Иккаласи бир вақтда бир-бирига иккала кўллари чўзадилар. Бармоқлар бир зумга учрашади. Хавотир ва меҳр тўла нигоҳлар билан хайрлашиб, икки томон кетадилар. Навқарлар бостириб киришади. Тенгсиз жане бўлади. Комронбек маҳорат кўрсатиб жане қилади. Жане тугаёзганда йиқилиб ётанлардан бири келиб, орқасидан қилич солади. Комронбек йиқилади. Шоҳбек айғоқчиси бошчилигида навқарлар кириб келадилар.)*

ОВОЗЛАР. Малика қани? Малика қочибди!

АЙҒОҚЧИ. *(Атрофни тез айланиб чиқади.)* Отларга мининг, маликани қувамиз. *(Кетишади. Бек, Баҳромбек ва навқар кирадилар. Бек югуриб келиб, чўк тушиб Комронбекни бағрига босади.)*

БЕК. Ўғлим, не бўлди сенга?

КОМРОНБЕК. *(Ўрнидан қўзғолишга ҳаракат қилиб.)* Отажон, юрак-бағрим куйиб кетаяпти...

БЕК. Эй фалак, бу не кўргулик!

БАҲРОМБЕК. *(Яқин келиб бағрига босади.)* Инижоним, сизга не бўлди? Ичингиз. *(Оғзига кўзачадан сув қуяди.)*

КОМРОНБЕК. Орамизда сотқин бор, қиблагоҳ. Шоҳбек Арғуннинг навқарлари малика қани, деб бостириб келишди. Маликани Давлатёр иним бобо Ботур кулбасига олиб кетди. Озодбахш қани?

БЕК. *(Ярадор фарзандини аяб, ростини айтмайди.)* Озгина яраланди, Худо хоҳласа шифо топиб кетур.

КОМРОНБЕК. Илоҳим. *(Баҳромбекка қараб.)* Оға, ўзингизни эҳтиёт қилинг, қиблагоҳим, сиз ҳам. Онаизоримга айтинглар, кўп куймасинлар, маликани асранг, Ҳиндга беэиён еткуринг. Маликага Комронбек бир тола сочингиз ҳимоясига жон бағишлади денгиз. Ла илаҳа иллаллоху. *(Жони узилади)*

БЕК. *(Кўксига муштлаб йиғлайди.)* Эй фалак, дасдингдан дод, бир кунда икки суянган тоғимдан айрилдим! Сенга нима ёмонлик қилган эдим, эй тангрим!

БАҲРОМБЕК. Комронбек иним, сен учун ҳам, Озодбахш учун ҳам қасос оламен. Шоҳбек деган муртаднинг бошини узамен. *(У ҳам йиғлайди.)*

#### 15

*(Бекнинг ҳовлиси. Зарнигорбегим безовта. У ёқдан бу ёққа юрибди. Бек катта ўғли Баҳромбек билан кириб келади. Зарнигорбегим пешвоз чиқади. Баҳромбекни бағрига босади.)*

ЗАРНИГОРБЕГИМ. *(Хавотир аралаш.)* Озодбахш қани, бегим?



БЕК. *(Қайғули овозда.)* Бегойим, бизни сотдилар. Озодбахш билан Комронбекни Оллоҳ биздан қайтариб олди. *(Зарнигорбегим оқ тортиб юборади.)*

ЗАРНИГОРБЕГИМ. Эй, Танграм! Мен сенга не гуноҳ қилғон эдим-ки. Остонадан эсон-омон кузатган фарзандларимни қайтиб кўрмаймен? Нега менинг суянган тоғларим бул тахлил қулайдир?! Нега мен ҳеч бўлмаса аларнинг жонсиз таналарини кучоқлаб, қон йиғлаб видолашолмаймен?! Нега менинг дилбандларим чимилдиқ кўрмасдан, бирор зурриёд қолдирмасдан ёруғ дунёдан кетур? Танграм! Менга бундай қаро кунни кўрсатгунча, жонимни олсанг бўлмасмиди? *(Йиғи аралаш сўрайди.)* Нечук бу ҳол юз берди? Наҳотки, нону тузингизни еб, хизматингизда юрғон йигитлардан нобакор чиқди? Шундай нокас борлиғини сиздек синчи инсон нечук сезмади?

БЕК. *(Бек ғамдан тош қотган.)* Билмайман, азизам, билмайман!*(Бек ўзини қўлга олиб.)* Баҳромбек, йигитларни чорланг. Зудлик билан қароргоҳни тарк этмасак, яна жангга киришга тўғри келур.

*Баҳромбек чиқади.*

БЕК. *(Норози оҳангда.)* Бегойим, Садафбегим нега кўринмайди?

ЗАРНИГОРБЕГИМ. *(Ўз хаёллари билан банд, ғамгин.)* Ухлайдир.

БЕК. *(Ғазабнок.)* Ухлайдир? Шунча сурондан кейин ҳам ухлайдирми? Тура келмайдими? Тезроқ бўлишсин, айтинг.

*(Зарнигорбегим чиқади. Бек хизматидаги уч-тўрт йиғит кириб келади.)*

БЕК. *(Уларга қараб.)* Мен сизларни отасиз, беқаров қолганларингизда хизматқа олдим, асрадим, авайладим. Ўз фарзандларим киядигон либосларга ўрадим. Емак-ичмақдан кам қилмадим. Ўсгон рўзгорларингизга мадад бериб турдим. Мактабга бериб, саводингизни чиқардим. Одамийликдан сабоқ бердим. Маош бериб турдим. Фарзандларим ёнида ўғлонларим дедим. Аммо кимдирки, бошимга бало бўлди. Мени сотди. Бу сотқин жонимга яқин бўлса ҳам, қонимга яқин бўлса ҳам аямаймен.

ЙИГИТЛАР. *(Бирин-кетин.)* Алҳазар, бек оғо, алҳазар.

ЙИГИТЛАРДАН БИРИ. Ҳар биримиз сизнинг ва ахли рўзгорингизнинг ҳимоясига бош кўюрга тайёрмиз. Оллоҳ номи билан онт ичамизки, шундай.

БЕК. Билмадим, билмадим.

*(Зарнигорбегим, Садафбегим ва Ширинбек кирадилар. Ширинбек келиб бекни кучоқлайди.)*

БЕК. *(Кўнгли юмшаб.)* Ўғлим, Ҳинд сори кетурмиз. Сиз улғайиб аввал навкар, сўнг навкарбоши, андин сўнг лашкарбоши бўлурсиз. Шоҳбек Арғундан оғаларингиз учун қасос олурсиз.

ШИРИНБЕК. Қасос оламен, қасос оламен! *(Югуриб кетади. Зум ўтмай ҳалиги қилични кўтариб келади. Шиғ этиб кинидан чиқариб сирмайди. Баҳромбек ҳушёр тортади.)*

БАҲРОМБЕК. Иним, бу қилични қаердан олдингиз? *(Сўнг қилични қўлга олиб, ёзувини ўқийди.)* “Олампаҳоқ Шоҳбек Арғундин баҳодурликлари учун Қорахон ботирга туҳфа”. *(Бек қилични қўлига олади.)*

БЕК. Бул қиличдан Шоҳбекка яқин сипоҳийлар тутурлар. Ширинбек, ўғлим, сизга бу қилични ким берди? *(Ширинбекнинг ранги қув ўчади, ўзини йўқотиб қўяди.)*

ШИРИНБЕК. Кўчадан топиб олдим.

*(Зарнигорбегимнинг ҳаракати, кўз қарашларидан гап нимадалигига фаҳми етганлиги билинади.)*

ЗАРНИГОРБЕГИМ. *(Садафбегимга қаҳр билан қараб.)* Болага кўчага чиқишга рухсат бергансиз.

БЕК. Сўйла, бу қилични сенга ким берди?

ШИРИНБЕК. Кўчада ўйнаётгон эдик, бир сипоҳий келиб сизникида меҳмонлар бор, ўшал меҳмонларни шоҳимиз зиёфатга чорламоқчи, улар қаерда деди. Мен аввал айтмадим. Сўнг, бул қилични берғоч, меҳмонлар боғ ховлида дедим.

БЕК. *(Бирдан ғазабланиб.)* О, бағримдаги илонвачча, ўз оғаларини бошини еган одамхўр, икки ўғлонимнинг баҳоси шу бир парча темир бўлди? *(Ширинбек кўрқа– писа чўнтагидан ҳамёнча чиқаради.)*

ШИРИНБЕК. Тилло ҳам берди.

БАҲРОМБЕК. Эй, Худойим, бу нима бедодлик?

БЕК. Ҳали соҳибқирон Амир Темурга лашкарбоши бўлгон, Ўрхон Али Ўзбек авлодидан сотқин чиқмағон. Чиқмағай!

БЕК. *(Садафбегимга қараб.)* Падаринг асир тушғонда, ўз жонини кутқариб, сени менга туҳфа қилғон эди. Афсус, белимдан қувватим кетғон экан, сенинг қонинг устун келди.

*(Ширинбекка қараб.)* Сени дунёга ўзим келтирдим, дунёдан ўзим ҳайдайман.

БАҲРОМБЕК. Қиблагоҳ, балким онаси билан кеткизиб юборарсиз? Бунинг қони тўқишга арзимади.

БЕК. Йўқ, ўғлим. Сотқинни дунёга кўюб юборсанг, ўзидан кўпайиб урчиб кетур. Бундай сотқинлардан тўрттасини кечирсанг, бир халқнинг ярими сотқин бўлиб улғаюр. Мен буни омон қолдирсам, Саййид Султон Али баҳодурнинг тарих олдида юзи қаро бўлур. Бундайлар омон бўлса, ер юзидан ўзбек деган миллат йўқолиб кетур. Сотиб юборишур.

САДАФБЕГИМ. *(Бекнинг оёғи остига ўзини ташлайди.)* Боламни ўлтурғунча мани сўюнг. Мани парчаланг. Бунга ўйноғони чиқишга ман рухсат бериб эдим. Мани ўлдуринг. *(Бек ифлос нарсадан ҳазар қилгандай оёқларини Садафбегимдан нари тортади.)*

БЕК. Бугун ўйноғони чиқмаса, эртага чиқарди. Бугун сотмаса эртага сотарди.

ЗАРНИГОРБЕГИМ. Бегим, болани менга беринг, тарбия бериб кўрай. Иккисидан айрилдик, учинчисидан ҳам жудо бўламузми?

БЕК. Оҳ, бегойим. Қалбингиз мудом меҳр-шафқатга, олийжанобликка тўла. Бироқ бир нарсани ўйламаясиз. Агар тарбиянгни олиб улғайса, виждон азобидан ақлдан озади. Улғайиб эр етса, сотқин деган номни кўтариб яшаши осон бўлурми? «Ана, сотқин келяпти», дерлар. Болаларини, «ана, сотқиннинг болалари», дерлар. Неки сир қочғон ерда менинг авлодим рўбару келаверур. «Саййид Султон Али баҳодурнинг кичики сотқин эди-да», дерлар. *(Садафбегим Зарнигорбегимнинг оёғига йиқилади.)*

САДАФБЕГИМ. Бегойим, боламни асраб қолинг. Бир умр чўрингиз бўлай. Бир умр хизматингизни қилай! *(Зарнигорбегим қилт этмайди. Ширинбек ўрнидан турган онасининг орқасига бекинади.)*

БЕК. Озодбахш, болам. Қанча чопушиш илмини билсанг ҳам меъмор бўламан дер эдинг-а. Комронбегим, комрон бўлмаган Комроним. Битилмаган ашўрларинг ўзинг билан кетди-я. Шоир болам-а. Баҳромбек, қиличимни беринг!

ЗАРНИГОРБЕГИМ. Бегим, агарчи ниятингиздан қайтмас экансиз, биргина зарб беринг. Норасида ортиқ қийналмасин.

БЕК. *(Увиллаб йиғлаётган Ширинбекка.)* Тур ўрнингдан, жилла қурса сўнгги нафасингда ўзингни эр тут!

*(Ширинбек бирдан жиддий тортади. Ҳоз туради.)*

ШИРИНБЕК. Мен тайёрмен, қиблагоҳ. Мен сизга лойиқ ўғлон бўлолмадим. *(Бек бирдан қиличини ташлайди. Боланинг юз-кўзларидан ўпади.)*

БЕК. Илон бўлсанг ҳам боламсан! *(Сўнг сикин бағридан чиқариб, ўрнидан туради.)*

БЕК. Юр!

БАҲРОМБЕК. Ўзингизни қийнаманг, қиблагоҳ, йигитларга топишинг бу юмушни.

БЕК. *(Қатъий қилиб.)* Бекзодани жаллодга беролмаймен. Илон бўлса ҳам бекзода. Калима келтир!

ШИРИНБЕК. *(Ҳазин овозда.)* Ла илаҳа иллалоҳу, Муҳаммаддин расулulloҳ. *(Юпқа парда ортига ўтишади. Пардада ота ва ўғилнинг шарпаси кўринади. Ота қилич сирмайди. Ўғил оҳиста йиқилади. Декорациядаги осмон қипқизил тусга киради. Аёллар оҳ тортиб юборадилар. Бек қайтиб киради.)*

БЕК. *(Уввос солиб йиғлаётган Садафбегимга қараб.)* Бегиймлик сенга ярашмади. Озодсан! Илло, Оллоҳ сенга энди фарзанд бермасин! Сендан фақат сотқинлар бино бўлур. *(Садафбегим йиғлаганча чиқиб кетади.)*

## 16

*(Ҳалиги тоғли жой. Тошлар ораларида юлғунлар ўсиб ётибди. Бир томондан Саййид султон Алибек, Зарнигорбегим, Баҳромбек ва уч йигит кириб келадилар. Иккинчи томондан малика Маъсума Султонбегим, Давлатёр, энага аёл ва Ризо Али кириб келадилар.)*

МАЛИКА. *(Бекка қараб.)* Ассалому алайкум, бек оғо!

БЕК. *(Паришонлик билан.)* Ваалайкум ассалом, қизим-маликам.

МАЛИКА. *(Хавотирланиб.)* Комронбек оға кўринмайдилар? ДАВЛАТЁР. Озодбахш оғам қанилар, қиблагоҳ?

БЕК. *(Маликага қараб.)* Сипоҳийлик қисмати оғир ва ша-рафлидир, қизим-маликам. Фарзандларим адолатни, инсофни, диёнатни, ор-номусни ҳимоя қилишга қасамёд қилгон эдилар. Сизни хавфу хатардан ҳимоя қилишда жонларини фидо қилдилар.

МАЛИКА. О, комрон бўлмоғон Комрон оғом. *(Юрак-ларни сел қилиб шеър ўқийди.)*

**Толёъ йўқи жонимга балолиғ бўлди,  
Ҳар ишники айладим, хатолиғ бўлди.  
Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,  
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.**

ДАВЛАТЁР. Озодбахш оғам, Комрон оғам. Қандай гўзал орзуларингиз бор эди-я. Бу ҳаёт уммонини сизларсиз қандай кечамен? Суянгон тоғларим, оғаларим.

*(Баҳромбек инисини кучоқлайди. Зарнигорбегим ҳар ик-каласини кучоқлайди.)*

БЕК. Тошни суринглар. Йўлға тушасизлар.

ДАВЛАТЁР. Кичик ойим билан Ширинбек кўринмайдилар.

БАҲРОМБЕК. Алар энди йўқлар.

ДАВЛАТЁР. *(Изтироб аралаш.)* Ҳалок бўлдиларми?

ЗАРНИГОРБЕГИМ. Қисмат ўз хатосини қон билан, кўз ёшию зардоб билан тўғрилади.

БЕК. *(Зарнигорбегимга қараб.)* Азизам, сиз ўғлонлар билан маликани кузатиб боринг. Мен кетсам Саййид Султон Алибек кўрқонидин қочиб кетди, дерлар.

ЗАРНИГОРБЕГИМ. Мен сизсиз кетолмайман, бегим! Қолишга ижозат беринг.

БЕК. Ёғий бениҳоя айёр, бегийм. Алар ҳалоллик бирла курашмайдилар. Сиз малика ва ўғлонлар билан эсон-омон Ҳиндга етиб бориб, Бобур ҳазратлари паноҳида бўлиб туринг. Замона бироз тинчигач, қайтиб келурсизлар. *(Хайрлашадилар. Бек ва икки йигит тошни ўрнига сурадилар.)*

БЕК. *(Синчиклаб қараб.)* Қўзғолғони билинмайди. *(Кетадилар.)*

## 17

*(Бекнинг ҳовлиси. Йигитлардан бири кириб келади.)*

ЙИГИТ. Бек оғо, шоҳнинг айғоқчиси дарвозани очишимизни талаб қияпти. Ёнида навкарлар ҳам бор. Ёнингизга киритайликми ёки қириб ташлайликми?

БЕК. *(Асабий кулади.)* Аҳа! Тулкунинг ўлгуси келса, йўлбарс билан ўйнашади! Очинг дарвозани ит эмганларга! *(Айғоқчи Қорахон ботир навкар йигитлар билан кириб келади.)*

АЙҒОҚЧИ. *(Таҳдидли овозда.)* Бек! Бу Бобуршоҳнинг ўзи билан олиб кетмаган ярим етим қизига шунчалик жон фидо қилиб нима қиласан? Бир Бобуршоҳнинг зурёди демасанг, на давлати, на мамлакати бор! Топиб берсанг, шоҳимиз мени ҳам, сени ҳам тиллога кўмади! Маликани бергин-да, истасанг Бобуршоҳнинг ёнига жўна, истасанг маконингда қарилик гаштини сур!

БЕК. *(Ғазаб билан.)* Қорахон! Сенда на ор бор, на номус бор! Гоҳ Эрон шоҳи хизматидасан, гоҳ Хуросон шоҳининг! Ким олдинга суяк ташласа, шунинг қўлини ялайсан! Сенинг фоҳиша аёлдан нима фарқинг бор?! Менинг ота-боболарим темурзодаларга садоқат ила хизмат қилгон! Орим-номусим қасамёдимга садоқатдур!

АЙҒОҚЧИ. *(Мазах қилиб.)* Ўғлонларинг ҳам ўзингдек мард-у баходурму? Сени кенжа ўғлонинг неча тиллога сотғонини биласанму?

БЕК. Фарзандларим Темурийзода маликанинг шаънини Шоҳбекдай муртаддан ҳимоя қилиб, ҳалок бўлди! Мен фарзандларим билан фахрланаман! Шукур қилки, мен жаллод эмас, сипоҳийман! Йўқса, сен захарли илоннинг ёш ўғлонимни авраган тилингни суғуриб олардим! Оллоҳга шукурки, қасос онларини яқинлаштирди! *(Қиличини суғуриб, айғоқчига ҳамла қилади. Қаттиқ жанг боради. Бек айғоқчини яралайди.)*

БЕК. *(Оёғини айғоқчининг кўксига тираб.)* Сенга санчилгон қилични ювгон билан тоза бўлмас! Туф, муртад! *(Қилич санчади.)*

*(Бироқ ўғлонларининг қазолари эсанкиратиб қўйган бек эҳтиёткорликни унутди ва оғир яраланади. Жанг тугайди, бекнинг ёнига садоқатли йигитлари келади.)*

БЕК. Ўғлонларим, оғир кунимда ёнимда бўлдингиз. Сизлардан розиман. Фарзандларимга ва барча мени сўрагонларга айтингизки, неки жангга киргон бўлсам, эл учун, ватан учун кирдим, неки хатти-ҳаракат қилгон бўлсам ор учун, номус учун қилдим! Қолғонини Оллоҳ билур...*(Ҳолсизланади.)* Ла илаҳа иллаллаҳ...*(Жони узилади.)*

## ТУГАДИ.



Шарофжон БОБОЕВ

# ПАРОВИЯЛАР

*Дераза пардасида нафис  
Бармоқларинг изи...*

.....

*Бу ерида эса мен кўшни хонага  
Чиққанимдаги тушган аксинг...*

.....

*Тувакдаги гулни ҳидлаб кўрибсан  
Ҳид камайиб қолибди чунки  
Ниманидир олиб кетибсан ҳеч билолмадим  
Миттигина уй фариштасин эҳтимол...*

**Б. Рўзимуҳаммаднинг «Дераза...»  
шеърдан**

*Дўстим Ватсон билан кириб ичкари,  
Аниқладик: юз берган нохуш воқеа.  
Дераза пардасида бармоқ излари,  
Кўшни хона эшиги очилган қия.*

*Ёйилган сочларнинг тушган толасин,  
Текшириб жаноб Холмс, шахсан ўзлари.  
Кўзгуда ютилган мафтункор аксни,  
Илғайди изқувар ўткир кўзлари.*

*Бор далил, бор излар, Қилиб хулоса,  
Баённома ёздик: саранжом-саришта.  
Бу уйдан йўқолган тувакдаги ҳид,  
У билан биргадир митти фаришта.*

\*\*\*

*Сўқир донишманд  
Қимирлашга эринар ҳатто.  
Ўйлашга эринар  
Туш кўришга ҳам  
Бу оламдан ўтган аллақачонлар.  
Чўнтагидан тушиб қолган рўмоли*

*Тош битик  
Шамолга қоришган бир ёзув.*

**Шоирнинг «Тош битиклар аро...»  
шеърдан**

*Донишмандлар бўлишар асли дангаса,  
Сўқир бўлсалар агар, жуда муаммо.  
Чўнтақдан тушса-ку, майлига рўмоли,  
Носқовоқдан айирмасин, уларни аммо.*

*Тош битиклар аро титроқ бор, дўстим,  
У сезилаётир ҳар бир мисрадан.  
Шамолга қоришган сўзларни ўзим,  
Териб олаётирман ернинг қаъридан.*

\*\*\*

*Ва баъзан  
автгобусга чиқсам  
учраб қолади  
қоп-қора сочларини ёйган  
Сув париси  
Туш кўраётгандай бўламан  
Сал ўтмай  
ўз бекатида тушиб қолар у  
Дарахтлар билан бирга кетамиз.*

**Шоирнинг «Ва баъзан...»  
шеърдан**

*«Қора соч» сув пари сочини ёйиб,  
«Қоп-қора соқолли» Қорбобо билан.  
Мулозамат қилиб, гапи қовушиб,  
Сал ўтмай бекатда қолишар тушиб.*

*Мен эса уйқудан уйғониб чўчиб,  
Майхонага шошаман «дарахтлар» билан,  
(Жин урсин! Балки, «карахтлар» билан.)*

